

ISSN 2010-720X

ILIM HÁM JÁMIYET



FAN VA JAMIYAT

2021 (№4)


ISSN 2010-720X

2004-jildni mart ayidan boshlab shiga basladi

**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASI JOQARI HÁM ORTA
ARNAWLÍ BILIMLENDIRIW MINISTRILIGI**



**ÁJINIYAZ ATINDAGÍ NÓKIS MÁMLEKETLIK
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTI**



ILIM hám JÁMIYET

Ilmiy-metodikaliq jurnal

**Seriya: Tábiyy hám texnikaliq ilimler. Jámiyetlik hám ekonomikalq ilimler.
Filologiya ilimleri**

**Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat
pedagogika instituti**

FAN va JAMIYAT

Ilmiy-uslubiy jurnal

Seriya: Tabiiy va texnika fanlari. Ijtimoiy va iqtisodiy fanlar. Filologiya fanlari

**Нукусский государственный педагогический
институт имени Ажинияза**

НАУКА и ОБЩЕСТВО

Научно-методический журнал

**Серия: Естественно-технические науки. Социальные и экономические
науки. Филологические науки**

**Nukus State Pedagogical Institute
named after Ajiniyaz**

SCIENCE and SOCIETY

Scientific-methodical journal

**Series: Natural-technical sciences. Social and economic sciences.
Philological sciences**

**№4
2021**

**Shólkemlestiriwshi: Ájiniyaz atındaǵı Nókis
mámleketlik pedagogikalıq institutı hám jurnal redakciyası jámaáti
Shólkemlestiriw komiteti baslıǵı: OTEMURATOV B. – NMPI rektori
Bas redaktor:
ALLAMBERGENOV K. - filologiya ilimleriniń doktorı, professor**

REDKOLLEGIYA AǴZALARÍ

f.i.d., prof. **Abdinazimov Sh.** (Nókis)
t.i.d., doc. **Abdullaeva Ya.** (Nókis)
t.i.d. (DSc), doc. **Bazarbaev R.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Berdimuratova A.** (Nókis)
f.-m.i.d., doc. **Dawletmuratov B.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Raqimjan Turısbek** (NurSultan)
b.i.d., doc. **Esimbetov A.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Eskeeva M.** (Nur-Sultan)
f.i.d., prof. **Eshonqulov J.** (Tashkent)
f.i.d., doc. **Hakimova M.K.** (Tashkent)
f.-m.i.d., prof. **Ismaylov Q.** (Nókis)
f.-m.i.k., doc. **Jalelov M.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Járimbetov Q.** (Nókis)
g.i.d., prof. **Jollıbekov B.** (Nókis)
b.i.d., prof. **Jumanov M.** (Nókis)
b.i.d. (DSc), doc. **Jumamuratov M.** (Nókis)
f.-m.i.d., doc. **Kamalov A.** (Nókis)
f.-m.i.d., prof. **Kudaybergenov K.** (Nókis)
tex.i.d., prof. **Qayıpbergenov B.** (Nókis)

t.i.d., doc. **Qochanov B.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Quramboev K.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Mamedov A.** (Ashxabad)
b.i.d., prof. **Mambetullaeva S.** (Nókis)
b.i.d., prof. **Matchanov A.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Mirzaeva S.** (Andijan)
b.i.d. prof. **Omonov M.I.** (Termiz)
f.-m.i.d.(DSc), doc. **Otemuratov B.** (Nókis)
f.-m.i.k., doc. **Prenov B.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Rahmonov N.** (Tashkent)
tex.i.d., prof. **Reymov A.** (Nókis)
t.i.d., doc. **Saribaev M.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Suyunova N.** (Cherkas)
f.i.d., prof. **Sherbak S.** (S.Peterburg)
tex.i.d., doc. **Tagaev M.** (Nókis)
akademik, f.-m.i.d. **Temirbekov N.** (Alma-ata)
f.i.d., prof. **Turdimov Sh.** (Tashkent)
g.i.d., doc. **Turdimambetov I.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Twxliev B.** (Tashkent)

Juwaplı redaktorlar:

f.i.k., doc. **E.Xojaniyazov** – ózbek tili boyınsha
PhD, doc. **G.Kdirbaeva** – rus hám inglis tilleri boyınsha
Q.Biysenbaev – qaraqalpaq tili boyınsha

D.Dogarova - juwaplı xatker
Z.Xodjekeeva - korrektor
N.Allamuratova - operator

Jurnal 1992-jıldan «Qaraqalpaqstan muǵallimi» atamasında shıǵarıla baslaǵan. 2004-jılda «Ilm hám jámiyet» atamasına ózgerilip, 01-022-sanlı gúwalıq penen Qaraqalpaqstan Respublikası Baspasóz hám xabar agentligi tárepinen dizimge alınǵan.

2020-jılı 07-avgustta Ózbekstan Respublikası Prezidenti Administracyası janındaǵı xabar hám ǵalaba kommunikaciýalar agentligi tárepinen qayta dizimge alınıp, 1098-sanlı gúwalıq berilgen.

«Ilm hám jámiyet» jurnalı Ózbekstan Respublikası Ministirler kabineti janındaǵı Joqarı Attestaciya Komissiyası kollegiyasınıń qararı menen tómende kórsetilgen pánler boyınsha ilim doktori dárejesin alıw ushın maqalalar járiyalanıwı tiyis bolǵan ilimiy basılımlar dizimine kirgizilgen:

- 01.00.00 – fizika-matematika ilimleri;
- 03.00.00 – biologiya ilimleri;
- 05.00.00 – texnika ilimleri;
- 07.00.00 – tariyx ilimleri;
- 10.00.00 – filologiya ilimleri;
- 11.00.00 – geografiya ilimleri;
- 13.00.00 – pedagogika ilimleri;
- 19.00.00 – psixologiya ilimleri.

TÁBIYIY HÁM TEXNIKALIQ ILIMLER

Fizika. Matematika. Texnika. Informatika

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ ЭЛАСТИК ЮПҚА АНИЗОТРОП ПЛАСТИНАЛАРИНИНГ ТЕБРАНИШИ
МАСАЛАСИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

М.А.Артикбаев – таянч докторант

Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириши илмий-тадқиқот институти

Таянч сўзлар: электромагнитэластик, анизотроп пластина, Гамильтон-Остроградский вариацион тамойили, Киргоф-Ляв гипотезаси, Коши муносабатлари, Гук қонуни, Максвелл электромагнит тензори.

Ключевые слова: электромагнитно-упругий, анизотропная пластина, принцип вариации Гамильтона-Остроградского, гипотеза Киргофа-Лява, соотношения Коши, закон Гука, электромагнитный тензор Максвелла.

Key words: electromagnetic-elastic, anisotropic plate, Hamilton-Ostrogradsky variational principle, Kirchhoff-Lyav hypothesis, Cauchy relations, Hooke's law, Maxwell's electromagnetic tensor.

Бугунги кунда техника соҳасида электромагнит майдонларнинг электр ўтказувчанлик назарияси, хусусан, икки ёки ундан ортиқ физик майдонларнинг ўзаро боғлиқлиги назариясига асосланган тадқиқот ишлари изчил суратларда ривожланмоқда.

Электромагнит эластиклик назарияси ва уни ечиш масалалари билан кўпчилик машҳур олимлар: С.А.Амбарцумян, Г.Е.Багдасарян, М.В.Белубекян, В.Л.Рвачев, Л.В.Курпа, Л.В.Мольченко, И.Т.Селезов, М.Р.Короткина, Х.А.Рахматулин, В.К.Кабулов, Ш.А.Назирова, Т.Юлдашев, А.А.Халджигитов, Р.Индиаминов, Ф.М.Нуралиев, Ш.А.Анарвалар каби чет эл ва мамлакатимиз олимлари илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Электромагнит майдонида жойлашган, анизотроп эгилувчан қалинлиги h га тенг бўлган юпқа пластина электр токини ўтказувчан материалдан тайёрланган бўлиб, электромагнит кучлари олдиндан берилган. Ташқи ток ва зарядлар мавжуд эмас [1-3].

Пластинка декарт координат x_1, x_2, x_3 системасида шундай жойлашганки ўрта текислик x_1, x_2 билан устма – уст тушади.

Пластинанинг ҳаракат тенгламасини ишлаб чиқишда кўчишнинг ўзгариш қонунлари сифатида қуйидаги Киргоф-Ляв гипотезасидан фойдаланилади [1,4]:

$$u_1(x, y, z) = u - z \frac{\partial w}{\partial x}, \quad u_2(x, y, z) = v - z \frac{\partial w}{\partial y}, \quad u_3(x, y, z) = w; \quad (1)$$

бу ерда: u, v, w – кўчишлар.

Гамильтон-Остроградский вариацион тамойили асосида Коши муносабатлари, Гук қонуни ва Максвелл электромагнит тензор кўринишидан фойдаланиб, электромагнит майдонида жойлашган юпқа анизотроп пластинанинг кўчишга нибатан бошланғич ва чегаравий шартларга эга хусусий ҳосилалари дифференциал тенгламалар системаси кўринишидаги математик модели ишлаб чиқилади [4-5].

Гамильтон- Остроградский вариацион тамойилининг умумий кўриниши [4]:

$$\int_t (\delta K - \delta \Pi + \delta A) dt = 0; \quad (2)$$

бу ерда: δ – вариация ҳосиласи; K – кинетик энергия; Π – потенциал энергия; A – ташқи ҳажм ва сирт кучлари бажарган иш.

Кинетик энергиянинг ўзгаришини ҳисоблашда қуйидаги муносабатдан фойдаланамиз[4]:

$$\int_t \delta K dt = \frac{1}{2} \int_t \int_V \delta \rho \left[\left(\frac{\partial u_1}{\partial t} \right)^2 + \left(\frac{\partial u_2}{\partial t} \right)^2 + \left(\frac{\partial u_3}{\partial t} \right)^2 \right] dV dt; \quad (3)$$

бунда: ρ – материал зичлиги; u_1, u_2, u_3 – кўчиш, V – ҳажм, t – вақт.

Бу ерда u_1, u_2, u_3 ларнинг ўрнига (1) формуладаги қийматларини келтириб қўямиз ва вариация остидаги кинетик энергияни бўлақларга бўлиб интеграллаймиз, ундан сўнг пластина қалинлиги бўйича бирлаштирилади ҳамда тасир қиймат жуда кичик бўлган ҳақлар тушириб қолдирилади. Натижада вариацион кинетик энергиянинг умумий кўриниши ҳосил бўлди:

$$\begin{aligned} \int_t \delta K = & \int_t \int_x \int_y \left\{ \rho h \frac{\partial u}{\partial t} \delta u + \rho h \frac{\partial v}{\partial t} \delta v + \rho h \frac{\partial w}{\partial t} \delta w \right\} dy dx \Big|_t + \int_y \rho \frac{h^3}{12} \frac{\partial^2 w}{\partial t \partial x} \delta w \Big|_x \Big|_t + \\ & + \int_x \rho \frac{h^3}{12} \frac{\partial^2 w}{\partial t \partial y} \delta w \Big|_y dx \Big|_t - \int_t \int_x \int_y \left\{ \rho h \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} \delta u + \rho h \frac{\partial^2 v}{\partial t^2} \delta v + \rho h \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} \delta w \right\} dy dx dt. \end{aligned} \quad (5)$$

Вариация остидаги потенциал энергияни аниқлашнинг умумий кўриниши[4]:

$$\delta \Pi = \int_v [\sigma_{11} \delta e_{11} + \sigma_{22} \delta e_{22} + \sigma_{12} \delta e_{12}] dv; \quad (6)$$

бу ерда e – деформация, σ – кучланиш.

Коши муносабатлари (1) Кирхгофа-Лява гипотезасидан фойдаланиб куйидагича аниқланади [4]:

$$\begin{cases} \delta e_{11} = \delta \frac{\partial u}{\partial x} - z\delta \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + \frac{1}{2} \frac{\partial w}{\partial x} \delta \frac{\partial w}{\partial x}; \\ \delta e_{22} = \delta \frac{\partial v}{\partial y} - z\delta \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} + \frac{1}{2} \frac{\partial w}{\partial y} \delta \frac{\partial w}{\partial y}; \\ \delta e_{12} = \frac{1}{2} \left(\delta \frac{\partial u}{\partial y} + \delta \frac{\partial v}{\partial x} - 2z\delta \frac{\partial^2 w}{\partial x \partial y} + \frac{\partial w}{\partial x} \delta \frac{\partial w}{\partial y} + \frac{\partial w}{\partial y} \delta \frac{\partial w}{\partial x} \right). \end{cases} \quad (7)$$

Энди (6) формуладаги $\delta e_{11}, \delta e_{22}, \delta e_{12}$ ларнинг ўрнига (7) келтириб қўйилади ва пластина қалинлиги бўйича бирлаштирилади, бундан кейин айрим айрим белгилашлар киритамиз ҳамда ҳар бир ҳадини алоҳида бўлаклаб интеграллаймиз. Натижанда куйидаги (8) вариацион потенциал энергиянинг умумий кўриниши ҳосил бўлди:

$$\begin{aligned} \delta \Pi = & \int_y \left\{ N_{11} \delta u - M_{11} \delta \frac{\partial w}{\partial x} + \frac{\partial M_{11}}{\partial x} \delta w + N_{11} \frac{\partial w}{\partial x} \delta w + \frac{1}{2} N_{12} \delta v - \frac{1}{2} M_{12} \delta \frac{\partial w}{\partial y} - \right. \\ & \left. - \frac{1}{2} \frac{\partial M_{12}}{\partial y} \delta w + \frac{1}{2} N_{12} \frac{\partial w}{\partial y} \delta w \right\} dy \Bigg|_x + \int_x \left\{ N_{22} \delta v - M_{22} \delta \frac{\partial w}{\partial y} + \frac{\partial M_{22}}{\partial y} \delta w + N_{22} \frac{\partial w}{\partial y} \delta w + \right. \\ & \left. + \frac{1}{2} N_{12} \delta u + \frac{1}{2} \frac{\partial M_{12}}{\partial x} \delta w - \frac{1}{2} M_{12} \delta \frac{\partial w}{\partial x} + \frac{1}{2} N_{12} \frac{\partial w}{\partial x} \delta w \right\} dx \Bigg|_y - \int_y \int_x \left\{ \frac{\partial N_{11}}{\partial x} \delta u + \frac{1}{2} \frac{\partial N_{12}}{\partial y} \delta u + \right. \\ & \left. + \frac{\partial N_{22}}{\partial y} \delta v + \frac{1}{2} \frac{\partial N_{12}}{\partial x} \delta v + \frac{\partial}{\partial x} \left(N_{11} \frac{\partial w}{\partial x} + \frac{1}{2} N_{12} \frac{\partial w}{\partial y} \right) \delta w + \frac{\partial}{\partial y} \left(N_{22} \frac{\partial w}{\partial y} + \frac{1}{2} N_{12} \frac{\partial w}{\partial x} \right) \delta w + \right. \\ & \left. + \frac{\partial^2 M_{11}}{\partial x^2} \delta w + \frac{\partial^2 M_{12}}{\partial x \partial y} \delta w + \frac{\partial^2 M_{22}}{\partial y^2} \delta w \right\} dx dy. \end{aligned} \quad (8)$$

Бу ерда:

$$\begin{aligned} N_{11} &= \int_{-h/2}^{h/2} \sigma_{11} dz, \quad N_{22} = \int_{-h/2}^{h/2} \sigma_{22} dz, \quad M_{11} = \int_{-h/2}^{h/2} z \sigma_{11} dz, \\ M_{22} &= \int_{-h/2}^{h/2} z \sigma_{22} dz, \quad N_{12} = \int_{-h/2}^{h/2} \sigma_{12} dz, \quad M_{12} = \int_{-h/2}^{h/2} z \sigma_{12} dz. \end{aligned} \quad (9)$$

Электромагнит майдон кучларни ҳисобга олган ҳолда ташки кучлар бажарган ишнинг вариацияси куйидагича аниқланади [4]:

$$\begin{aligned} \int_t \delta A dt &= \int \int \left[(X + \rho K_x) \delta u_1 + (Y + \rho K_y) \delta u_2 + (Z + \rho K_z) \delta u_3 \right] dv dt + \\ &+ \int \int \int \left[(q_x + T_{zx}) \delta u_1 + (q_y + T_{zy}) \delta u_2 + (q_z + T_{zz}) \delta u_3 \right] \Bigg|_z dx dy dt + \\ &+ \int \int \int \left[(P_x + T_{xx}) \delta u_1 + (P_y + T_{xy}) \delta u_2 + (P_z + T_{xz}) \delta u_3 \right] \Bigg|_x dz dy dt + \\ &+ \int \int \int \left[(F_x + T_{yx}) \delta u_1 + (F_y + T_{yy}) \delta u_2 + (F_z + T_{yz}) \delta u_3 \right] \Bigg|_y dz dx dt. \end{aligned} \quad (10)$$

Бунда $X, Y, Z, \rho K_x, \rho K_y, \rho K_z$ – ҳажмий кучларини ташкил этувчилари; $q_x = q_x^+ + q_x^-, q_y = q_y^+ + q_y^-, q_z = q_z^+ + q_z^-, T_{zx} = T_{zx}^+ + T_{zx}^-, T_{zy} = T_{zy}^+ + T_{zy}^-, T_{zz} = T_{zz}^+ + T_{zz}^-$ – сирт кучларини ташкил этувчилари; $P_x, P_y, P_z, T_{xx}, T_{xy}, T_{xz}, F_x, F_y, F_z, T_{yx}, T_{yy}, T_{yz}$ – контур кучларини ташкил этувчилари.

Ташки кучлар ишларининг вариациясига мос равишда (10) дан ўринларни алмаштириш ва тегишли операцияларни бажариш, хусусан, интеграллаш, бўлаклаб интеграллаш, ўхшаш ҳадларни қискартириш, шунингдек ифодаларни алмаштиришлар орқали, биз куйидаги (11) га эга бўламиз:

$$\begin{aligned} \int_t \delta A dt &= \int \int \int \left[(N_x + R_x + q_x + T_{zx}) \delta u + (N_y + R_y + q_y + T_{zy}) \delta v + \right. \\ &+ (N_z + R_z + q_z + T_{zz}) \delta w \Big] dx dy dt + \\ &+ \int \int \left[(N_{P_x} + N_{T_{xx}}) \delta u + (N_{P_y} + N_{T_{xy}}) \delta v + (N_{P_z} + N_{T_{xz}}) \delta w \right] \Bigg|_x dy dt + \\ &+ \int \int \left[(N_{F_x} + N_{T_{yx}}) \delta u + (N_{F_y} + N_{T_{yy}}) \delta v + (N_{F_z} + N_{T_{yz}}) \delta w \right] \Bigg|_y dx dt. \end{aligned} \quad (11)$$

Бунда:

$$\begin{aligned}
 N_x &= \int_z X dz, \quad N_y = \int_z Y dz, \quad N_z = \int_z Z dz, \quad R_x = \int_z \rho K_x dz, \quad R_y = \int_z \rho K_y dz, \quad R_z = \int_z \rho K_z dz, \\
 N_{P_x} &= \int_z P_x dz, \quad N_{P_y} = \int_z P_y dz, \quad N_{P_z} = \int_z P_z dz, \quad N_{T_{xx}} = \int_z T_{xx} dz, \quad N_{T_{xy}} = \int_z T_{xy} dz, \quad N_{T_{xz}} = \int_z T_{xz} dz, \\
 N_{F_x} &= \int_z F_x dz, \quad N_{F_y} = \int_z F_y dz, \quad N_{F_z} = \int_z F_z dz, \quad N_{T_{yx}} = \int_z T_{yx} dz, \quad N_{T_{yy}} = \int_z T_{yy} dz, \quad N_{T_{yz}} = \int_z T_{yz} dz.
 \end{aligned}$$

Олинган ифодаларни (2) Гамильтон-Остроградский вариацион тамойилига асосан, кинетик ва потенциал энергиянинг ўзгариши ва ташки кучлар бажарган ишни келтириб ўрнига қўйамиз. Натижада (12)-(14) электромагнит майдонида жойлашган анизотроп эгилювчан юпка пластиналар учун бошлангич ва чегара шартларга эга бўлган геометрик ночизик математик модели ҳосил бўлади:

$$\left\{ \begin{aligned}
 &-\rho h \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} + \frac{\partial N_{11}}{\partial x} + \frac{1}{2} \frac{\partial N_{12}}{\partial y} + N_x + R_x + q_x + T_{zx} = 0, \\
 &-\rho h \frac{\partial^2 v}{\partial t^2} + \frac{1}{2} \frac{\partial N_{12}}{\partial x} + \frac{\partial N_{22}}{\partial y} + N_y + R_y + q_y + T_{zy} = 0, \\
 &-\rho h \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} + \frac{\partial}{\partial x} \left(N_{11} \frac{\partial w}{\partial x} + \frac{1}{2} N_{12} \frac{\partial w}{\partial y} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(\frac{1}{2} N_{12} \frac{\partial w}{\partial x} + N_{22} \frac{\partial w}{\partial y} \right) + \\
 &+ \frac{\partial^2 M_{11}}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 M_{12}}{\partial x \partial y} + \frac{\partial^2 M_{22}}{\partial y^2} + N_z + R_z + q_z + T_{zz} = 0,
 \end{aligned} \right. \quad (12)$$

Бошлагич шарт:

$$\left. \rho h \frac{\partial u}{\partial t} \right|_l = 0, \quad \left. \rho h \frac{\partial v}{\partial t} \right|_l = 0, \quad \left. \rho h \frac{\partial w}{\partial t} \right|_l = 0, \quad \left. \rho \frac{h^3}{12} \frac{\partial^2 w}{\partial t \partial x} \right|_l = 0, \quad \left. \rho \frac{h^3}{12} \frac{\partial^2 w}{\partial t \partial y} \right|_l = 0; \quad (13)$$

Чегаравий шарт:

$$\left\{ \begin{aligned}
 &N_{11} \delta u \Big|_x = 0, \quad \frac{1}{2} N_{12} \delta v \Big|_x = 0, \quad -M_{11} \delta \frac{\partial w}{\partial x} \Big|_x = 0, \quad -\frac{1}{2} M_{12} \delta \frac{\partial w}{\partial y} \Big|_x = 0, \\
 &\left[N_{11} \frac{\partial w}{\partial x} + \frac{1}{2} N_{12} \frac{\partial w}{\partial y} - \frac{\partial M_{11}}{\partial x} - \frac{1}{2} \frac{\partial M_{12}}{\partial y} \right] \delta w \Big|_x = 0, \\
 &\left[(N_{P_x} + N_{T_{xx}}) \delta u + (N_{P_y} + N_{T_{xy}}) \delta v + (N_{P_z} + N_{T_{xz}}) \delta w \right] \Big|_x = 0, \\
 &N_{22} \delta v \Big|_y = 0, \quad \frac{1}{2} N_{12} \delta u \Big|_y = 0, \quad -M_{22} \delta \frac{\partial w}{\partial y} \Big|_y = 0, \quad -\frac{1}{2} M_{12} \delta \frac{\partial w}{\partial x} \Big|_y = 0, \\
 &\left[N_{22} \frac{\partial w}{\partial y} + \frac{1}{2} N_{12} \frac{\partial w}{\partial x} - \frac{\partial M_{22}}{\partial y} - \frac{1}{2} \frac{\partial M_{12}}{\partial x} \right] \delta w \Big|_y = 0, \\
 &\left[(N_{F_x} + N_{T_{yx}}) \delta u + (N_{F_y} + N_{T_{yy}}) \delta v + (N_{F_z} + N_{T_{yz}}) \delta w \right] \Big|_y = 0.
 \end{aligned} \right. \quad (14)$$

Энди (12) - (14) анизотроп эгилювчан юпка пластиналарнинг геометрик ночизик математик моделидаги M_{11} , M_{22} , M_{12} - эгилиш ва бурилиш моментлари, N_{11} , N_{22} , N_{12} - нормал ва урунма кучларини аниқлаймиз.

Биз тадқиқ қилаётган пластина анизотроп материаллигини ҳисобга олган ҳолда, Гук қонуни қуйидагича ифодаланади[2,3]:

$$\begin{aligned}
 \sigma_{11} &= B_{11} \varepsilon_{11} + B_{12} \varepsilon_{22} + B_{16} \varepsilon_{12}, \\
 \sigma_{22} &= B_{12} \varepsilon_{11} + B_{22} \varepsilon_{22} + B_{26} \varepsilon_{12}, \\
 \sigma_{12} &= B_{16} \varepsilon_{11} + B_{26} \varepsilon_{22} + B_{66} \varepsilon_{12}.
 \end{aligned} \quad (15)$$

Бунда, $\varepsilon_{11}, \varepsilon_{12}, \varepsilon_{22}$ - деформация тензори компоненталари; $\sigma_{11}, \sigma_{12}, \sigma_{22}$ - кучланиш тензори компоненталари; B_{ij} ($i, j = 1, 2, 6$) - пластина материалнинг эластик доимийлар [2,3].

Юқоридаги (7) ва (15) ларга асосланиб, анизотроп эгилювчан юпка пластиналар учун (9) моментлар ва кучлар қуйидагича муносабатлар билан аниқланади:

$$N_{11} = h \left[B_{11} \left(\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{1}{2} \left(\frac{\partial w}{\partial x} \right)^2 \right) + B_{12} \left(\frac{\partial v}{\partial y} + \frac{1}{2} \left(\frac{\partial w}{\partial y} \right)^2 \right) + B_{16} \left(\frac{\partial u}{\partial y} + \frac{\partial v}{\partial x} + \frac{\partial w}{\partial x} \frac{\partial w}{\partial y} \right) \right],$$

$$N_{22} = h \left[B_{12} \left(\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{1}{2} \left(\frac{\partial w}{\partial x} \right)^2 \right) + B_{22} \left(\frac{\partial v}{\partial y} + \frac{1}{2} \left(\frac{\partial w}{\partial y} \right)^2 \right) + B_{26} \left(\frac{\partial u}{\partial y} + \frac{\partial v}{\partial x} + \frac{\partial w}{\partial x} \frac{\partial w}{\partial y} \right) \right], \quad (16)$$

$$N_{12} = h \left[B_{16} \left(\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{1}{2} \left(\frac{\partial w}{\partial x} \right)^2 \right) + B_{26} \left(\frac{\partial v}{\partial y} + \frac{1}{2} \left(\frac{\partial w}{\partial y} \right)^2 \right) + B_{66} \left(\frac{\partial u}{\partial y} + \frac{\partial v}{\partial x} + \frac{\partial w}{\partial x} \frac{\partial w}{\partial y} \right) \right],$$

$$M_{11} = -\frac{h^3}{12} \left(B_{11} \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + 2B_{16} \frac{\partial^2 w}{\partial x \partial y} + B_{12} \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} \right),$$

$$M_{22} = -\frac{h^3}{12} \left(B_{12} \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + 2B_{26} \frac{\partial^2 w}{\partial x \partial y} + B_{22} \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} \right), \quad (17)$$

$$M_{12} = -\frac{h^3}{12} \left(B_{16} \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + 2B_{66} \frac{\partial^2 w}{\partial x \partial y} + B_{26} \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} \right).$$

(12) ҳаракат тенгламаларидаги N_{11} , N_{22} , N_{12} , M_{11} , M_{22} , M_{12} қийматларини ўрнига (16), (17) ларни келтириб қўямиз ва қуйидаги электромагнит майдонда жойлашган юпка анизотроп пластинанинг кўчишга нибатан тўртинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар системасига эга бўламиз:

$$\left\{ \begin{aligned} & -\rho h \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} + B_{11} h \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + \frac{3B_{16}h}{2} \frac{\partial^2 u}{\partial x \partial y} + \frac{B_{66}h}{2} \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} + B_{16}h \frac{\partial^2 v}{\partial x^2} + (B_{12} + \frac{B_{66}}{2})h \frac{\partial^2 v}{\partial x \partial y} + \frac{B_{26}h}{2} \frac{\partial^2 v}{\partial y^2} + \\ & + B_{11}h \frac{\partial w}{\partial x} \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + \frac{3B_{16}h}{2} \frac{\partial w}{\partial x} \frac{\partial^2 w}{\partial x \partial y} + B_{16}h \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} \frac{\partial w}{\partial y} + \frac{B_{26}h}{2} \frac{\partial w}{\partial y} \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} + (B_{12} + \frac{B_{66}}{2})h \frac{\partial w}{\partial y} \frac{\partial^2 w}{\partial x \partial y} + \\ & + \frac{B_{66}h}{2} \frac{\partial w}{\partial x} \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} + N_x + R_x + q_x + T_{zx} = 0, \\ & -\rho h \frac{\partial^2 v}{\partial t^2} + \frac{B_{16}h}{2} \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + (B_{12} + \frac{B_{66}}{2})h \frac{\partial^2 u}{\partial x \partial y} + B_{26}h \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} + \frac{B_{66}h}{2} \frac{\partial^2 v}{\partial x^2} + \frac{3B_{26}h}{2} \frac{\partial^2 v}{\partial x \partial y} + B_{22}h \frac{\partial^2 v}{\partial y^2} + \\ & + \frac{B_{16}h}{2} \frac{\partial w}{\partial x} \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + (B_{12} + \frac{B_{66}}{2})h \frac{\partial w}{\partial x} \frac{\partial^2 w}{\partial x \partial y} + \frac{B_{66}h}{2} \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} \frac{\partial w}{\partial y} + B_{22}h \frac{\partial w}{\partial y} \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} + \frac{3B_{26}h}{2} \frac{\partial w}{\partial y} \frac{\partial^2 w}{\partial x \partial y} + \\ & + B_{26}h \frac{\partial w}{\partial x} \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} + N_y + R_y + q_y + T_{zy} = 0, \\ & -\rho h \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} + h \left[B_{11} \left(\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} \frac{\partial w}{\partial x} + \frac{\partial u}{\partial x} \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + \frac{3}{2} \left(\frac{\partial w}{\partial x} \right)^2 \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} \right) + \left(B_{12} + \frac{1}{2} B_{66} \right) \frac{\partial^2 v}{\partial y \partial x} \frac{\partial w}{\partial x} + B_{12} \frac{\partial v}{\partial y} \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + \right. \\ & + 2(B_{12} + B_{66}) \frac{\partial w}{\partial y} \frac{\partial^2 w}{\partial y \partial x} \frac{\partial w}{\partial x} + \frac{1}{2} (B_{12} + B_{66}) \left(\frac{\partial w}{\partial y} \right)^2 \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + \left(B_{16} + \frac{1}{2} B_{66} \right) \frac{\partial^2 u}{\partial x \partial y} \frac{\partial w}{\partial x} + \\ & + B_{16} \left(\frac{\partial u}{\partial y} \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 v}{\partial x^2} \frac{\partial w}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial x} \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} \right) + \frac{5}{2} B_{16} \frac{\partial w}{\partial x} \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} \frac{\partial w}{\partial y} + 2B_{16} \left(\frac{\partial w}{\partial x} \right)^2 \frac{\partial^2 w}{\partial x \partial y} + \frac{1}{2} B_{16} \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} \frac{\partial w}{\partial y} + \\ & + B_{16} \frac{\partial u}{\partial x} \frac{\partial^2 w}{\partial x \partial y} + \frac{1}{2} B_{26} \frac{\partial^2 v}{\partial x \partial y} \frac{\partial w}{\partial y} + B_{26} \frac{\partial v}{\partial y} \frac{\partial^2 w}{\partial x \partial y} + 2B_{26} \frac{\partial^2 w}{\partial x \partial y} + \left(B_{12} + \frac{1}{2} B_{66} \right) \frac{\partial^2 u}{\partial x \partial y} \frac{\partial w}{\partial y} + \\ & + B_{66} \frac{\partial u}{\partial y} \frac{\partial^2 w}{\partial x \partial y} + \frac{1}{2} B_{66} \frac{\partial^2 v}{\partial x^2} \frac{\partial w}{\partial y} + B_{66} \frac{\partial v}{\partial x} \frac{\partial^2 w}{\partial y \partial x} + \frac{1}{2} B_{26} \frac{\partial^2 v}{\partial y^2} \frac{\partial w}{\partial x} + \frac{5}{2} B_{26} \frac{\partial w}{\partial y} \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} \frac{\partial w}{\partial x} + \frac{1}{2} B_{66} \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} \frac{\partial w}{\partial x} + \\ & + \frac{1}{2} (B_{12} + B_{66}) \left(\frac{\partial w}{\partial x} \right)^2 \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} + B_{12} \frac{\partial u}{\partial x} \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} + B_{22} \left(\frac{\partial^2 v}{\partial y^2} \frac{\partial w}{\partial y} + \frac{\partial v}{\partial y} \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} + \frac{3}{2} \left(\frac{\partial w}{\partial y} \right)^2 \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} \right) + \\ & + B_{26} \left(\frac{\partial^2 u}{\partial y^2} \frac{\partial w}{\partial y} + \frac{\partial u}{\partial y} \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} + \frac{\partial v}{\partial x} \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} \right) \left. \right] - \frac{B_{11}h^3}{12} \frac{\partial^4 w}{\partial x^4} - \frac{B_{26}h^3}{4} \frac{\partial^4 w}{\partial x \partial y^3} - (B_{12} + B_{66}) \frac{h^3}{6} \frac{\partial^4 w}{\partial x^2 \partial y^2} - \\ & - \frac{B_{16}h^3}{4} \frac{\partial^4 w}{\partial x^3 \partial y} - \frac{B_{22}h^3}{12} \frac{\partial^4 w}{\partial y^4} + N_z + R_z + q_z + T_{zz} = 0. \end{aligned} \right.$$

Шундай қилиб, электромагнит майдонда жойлашган юпка анизотроп пластиналар тебраниш масаласининг математик модели ишлаб чықилди.

Бунда электромагнитэластик юпка анизотроп пластинанинг геометрик нозик деформацион-кучланиш ҳолатига электромагнит майдон таъсирлари ўрганилди;

Гамильтон-Остроградский вариацион тамойили асосида Кирхгоф-Ляв гипотезаси, Коши муносабатлари, Гук қонуни ҳамда Максвелл

электромагнит тензор кўринишларидан фойдаланиб, потенциал энергия, кинетик энергия ва ташқи кучлар бажарган ишнинг вариацион кўринишлари аниқланди. Натижада кўчишга нибатан бошланғич ва чегаравий шартларга эга, хусусий ҳосилалар дифференциал тенгнамалар системаси кўринишидаги математик модели олинди;

Бу тенгнамалар, тадқиқ қилинган пластина чегараларини маҳкамлаш ҳолатларига қараб, тегишли чегаравий шартларда ечилади.

Адабиётлар

1. Амбарцумян С.А., Багдасарян Г.Е., Белубекян М.В. Магнитоупругость тонких оболочек и пластин. - М.: "Наука". 1977.
2. Амбарцумян С.А. Теория анизотропных пластин. - М.: «Наука», 1987. –С. 360.
3. Амбарцумян С.А., Белубекян М.В. Некоторые задачи электромагнитоупругости пластин. –Ереван: 1991. –С. 144.
4. Кабулов В.К. Алгоритмизация в теории упругости и деформационной теории пластичности. - Ташкент: «Фан», 1966.
5. Васидзе К. Вариационной методы в теории упругости и пластичности. Пер с англ. – М.: «Мир», 1987. –С. 542.

РЕЗЮМЕ

Мақола юпка мураккаб шаклдаги анизотроп пластиналарнинг электромагнит эластик деформацион-кучланиш ҳолатини математик моделлаштиришга бағишланади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена математическому моделированию электромагнитно-упругого, деформационно-напряженного состояния анизотропных пластин сложной формы.

SUMMARY

The article is devoted to the mathematical modeling of the electromagnetic-elastic deformation-stress state of anisotropic plates of thin complex shape.

УДК 004.056.5

БИР МЭРТЕЛИК ПАРОЛЬ ТИЙКАРЫНДА БИР БАҒДАРЛЫ АУТЕНТИФИКАЦИЯ ПРОТОКОЛЛАРЫНЫҢ АНАЛИЗИ

Ж.Т.Арзиева – техника илимлари бойынша философия докторы, доцент

С.М.Калмуратова – стажер оқытушы

Н.Р.Палўаниязова - студент

Бердақ атындағы Қарақалпақ мамлекетлик университети

Таянч сўзлар: бир марталик парол, БМП, НОТР алгоритми, ТОТР алгоритми, SMS, smart-karta, token, RSA Security.

Ключевые слова: одноразовый пароль, ОПР алгоритм НОТР, алгоритм ТОТР, SMS, смарт-карта, токен, RSA Security.

Key words: one-time password, OTP, HOTP algorithm, TOTP algorithm, SMS, smart card, token, RSA Security.

ОТР (One-time password) тармақ ямаса хызметтен пайдаланыўда бир мэртелик пароллерге тийкарланган механизм болып, ол қолға киргизилген логин/паролден қайта пайдалана алмаўды кепиллей алады. Бундай жағдайда, пайдаланыўшының логини өзгерместен, ҳәр бир урыныўда оның пароли өзгерип турады.

Бир мэртелик пароллер, әдетте, бир тәрәплеме функциялар есапланған *хэш функциялар* тийкарында пайда етиледи ямаса *хэш функциялар* тийкарында аутентификация протоколы ислеп шығылады. ОТР тийкарындағы бир бағдарлы аутентификация протоколлары олардан бири есапланады. Бул аутентификация протоколларында қарыйдар хэм серверде бир қыйлы “санақ мәниси” болып, қарыйдар бул санақ мәниси хэм жасырын гилти жәрдемде бир мэртелик паролды генерация қылады хэм оннан кейин санақтың мәниси асырылады. Генерация қылынған бир мэртелик паролды пайдаланыўшы серверге киритеди. Өз нәубетинде, сервер де клиент пенен бирдей болған санақ мәниси хэм жасырын гилти жәрдемде бир мэртелик паролды генерация қылады хэм қарыйдар тәрәпинен киритилген парол менен салыстырылады. Салыстырыў нәтийжеси қанаатландырарлы болғанда пайдаланыўшы аутентификациядан өткен есапланады. Кери жағдайда болса, аутентификациядан өте алмайды [1:45].

Бир бағдарлы бир мэртелик пароллерге тийкарланған аутентификация протоколларында ОТР ны пайдаланыўшы тәрәпинен серверге төмендегисе жеткерийи мүмкин:

а) Қарыйдарда да серверде бар болған ОТР генераторы хэм бир қыйлы санақ мәниси (хэм жасырын гилт) бар болып, әдетте қурылма (яки программалық қурал) көринисинде болған *жеке токен* арқалы пайда етиледи. Қурылмада (мәселен, қурылманың экранында пайда болған) ямаса программалық қуралларда (мәселен, арнаўлы мобил қосымшаларында

(приложениелеринде)) пайда болған ОТР қарыйдар тәрәпинен “қолда” киритиледи. Буларға RSA Security шөлкемнің SecurID қурылмасын ямаса ТОТР (ямаса НОТР)ға тийкарланған мобил қосымшаларды (Google Authenticator, Microsoft Authenticator) мысал етип келтирийи мүмкин.

НОТР протоколы. НОТР (An HMAC-Based One-Time Password Algorithm) алгоритми еки тәрәпте бөлистирилген гилт K хэм бир қыйлы санақ жағдайы C болғанда синхрон ислейди.

ТОТР протоколы. ТОТР (Time-Based One-Time Password Algorithm) алгоритми НОТР дан парықлы түрде санақ мәниси сыпатында ўақыттан пайдаланады. Ўақыт зоналары менен бар машқалалардан қашыў ушын 1970-жыл 1-январьдан басланыўшы секундта көрсетилген UNIX ўақыт белгисинен пайдаланылған. Бул ўақыт мәниси секундта көрсетилгени ушын ҳәр 30 секундта ТОТР ушын кирийиши T параметр пайда болады ($T = \lfloor \frac{UNIX \text{ ўақты}}{30} \rfloor$).

Әмелде ўақытты синхронлаўға хэм санақты синхронлаўға тийкарланған ОТР протоколлары жүдә кең пайдаланылады. Бул еки протоколға тийкарланған аутентификация протоколларындағы артықмашылығы хэм де кемшиликлери 1-кестеде сәўлеленген.

Хәр еки протоколдың да өзине тән артықмашылығы хэм кемшиликлери бар болса, қәуипсизлик көзқарасынан қысқа ўақыт даўамында әмел етийи хэм пайдаланыўдағы қолайлылығы себепли ўақытты синхронлаўға тийкарланған аутентификация усулларынан пайдаланыў мақсетке муўапық есапланады.

б) ОТР сервер тәрәпинен пайда етиледи хэм узатыў тармақлары арқалы клиентке жеткизиледи. Буларға мысал ретинде мобил қурылмаларына SMS (Short Message Service) арқалы жиберийи, электрон почта арқалы жиберийи ямаса “қағазға” жазып алыў усулларын келтирийи мүмкин.

1 – кесте. Ўақытты синхронлаўға хэм санақты синхронлаўға тийкарланған ОTR протоколларының анализи

Синхронла- ныўшы шама	Қәўипсизлик	Пайдаланыўда
Ўақытқа	<i>Артық:</i> ОTR мәниси қысқа ўақыт ушын бар.	<i>Артық:</i> ОTRды қурылма экранынан аңсатлық пенен оқыў мүмкин.
	<i>Кем:</i> ОTR мәниси гүзетийши тәрәпинен аңсатлық пенен алыныўы мүмкин.	<i>Кем:</i> ОTR мәниси ол киритилгенге шекем өзгерийи мүмкин.
Санақ	<i>Артық:</i> ОTRды генерация қылыў ушын бузғыншы қурылманы басқарыўы талап етиледі.	<i>Артық:</i> ОTR мәниси пайдаланыў-шының сораўына қарай генерация қылынады; белгили ўақыттан кейин оның мәниси өзгерип қалмайды.
	<i>Кем:</i> ОTRды таза ОTR пайдаланыўға шекем пайдаланыў мүмкин болады.	<i>Кем:</i> ОTRды генерация қылыў ушын пайдаланыўшы “генерация қылыў” түймесин басыўы талап етиледі.

SMS (инглиз тилинде *Short Message Service* — «қысқа хабар хызмети») арқалы узатыў – банк – финанс тараўында төлемлерди әмелге асырыўда кең қолланылыўшы хэм барлық түрдеги мобил қурылмалар ушын зәрүр болған усыл есапланса да, қатаң қәўипсизлик машқаласына ийе. Яғный, SMS хабарларды ашық ҳалатта жиберилиўи ямаса SS7 маршрутлаў протоколындағы қәўипсизлик машқалалары себепли, оларда жиберилген ОTR ды аңсатлық пенен қолға киргизийи мүмкин.

с) Сервер тәрәпинен генерация қылынған ОTRлар қарыйдарға веб браузерге арнаўлы көринисте усынылады. ОTRды жеткизийдиң бул усылына вебге тийкарланған усылды киргизийи мүмкин. Бул усыл пайдаланыўшының тосыннан усынылған сүўретлери арасынан алдыннан таңланғанларын таныў қәбилетине тийкарланған. Пайдаланыўшы дәслеппезимнен өтийде усынылған нәрселердиң (пышық, машина, гүллер хэм жасырын топарын таңлайды. Аутентификациядан өтий даўамында система оған тосыннан таңланған нәрселерди (әлбетте, алдын таңлаған нәрселери де олар арасында болады) усынады. Хәр бир усынылғанлардың арқа фонында тәкирарланбас цифр бар болады. Пайдаланыўшы тәрәпинен усынылғанлар арасынан алдыннан таңланғанлар белгиленеди хэм бул жағдайда арқа фонындағы цифрлар тосыннанлық ОTRды пайда етеди [5:3].

Буннан тысқары, Confident Technologies тәрәпинен

Әдебиятлар

1. Шаньгин В.Ф. Информационная безопасность компьютерных систем и сетей: учеб. пособие. -М.: ИД ФОРУМ, ИНФРА-М. 2011.
2. Knuth D. E. Art of computer programming, Seminumerical algorithms, AddisonWesley Professional, 2. 2014.
3. Alzomai M.H. Identity management: strengthening one-time password authentication through usability: dis. Ц Queensland University of Technology, 2011.
4. Takasuke TSUJI, A One-Time Password Authentication Method, Master’s thesis, January 31, 2003.
5. Каримов М.М., Арзиева Ж.Т., Худойкулов З.Т. Мухаммад Ал-Хоразмий Авлодлари. Илмий-амалий ва ахборот-таҳлилий журнал 4(10) 2019, 3-6.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бир мартали пароллар асосида бир йўналишли аутентификация протоколларининг таҳлили келтирилган. Бир йўналишли бир мартали паролларга асосланган аутентификация усулларида ОTRларни етказиш усулларининг қийсий таҳлили келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлен анализ протоколов односторонней аутентификации на основе одноразовых паролей. Представлен сравнительный анализ способов передачи ОTR в методах аутентификации на основе одноразовых паролей.

SUMMARY

The article deals with the state presented the analysis of protocols of single authentication on the basis of single passwords. A comparative analysis is presented OTR transmission methods in authentication methods based on one-time passwords.

“АМАЛИЙ МЕХАНИКА” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

З.Р.Асраев – таянч докторант

Бухоро муҳандислик-технология институти

Таянч сўзлар: инновация, инновацион таълим технологиялари, замонавий таълим технологиялари, интерфаол усуллар, кичик гуруҳларда ишлаш, ахборот-коммуникация технологиялари.

Ключевые слова: инновация, инновационные образовательные технологии, современные образовательные технологии, интерактивные методы, работа в малых группах, информационно – коммуникационные технологии.

Key words: innovation, innovative educational technologies, modern educational technologies, interactive methods, work in small groups, information and communication technologies.

Ўзбекистон Республикаси таълим йўналишларининг малакавий талабларидан келиб чиққан ҳолда техник йўналишлар бакалаврларини тайёрлаш бўйича ўқув

дастурларини амалга ошириш шартларига қўйилган талаблардан бири бу талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш учун соҳада инновацион таълим

технологияларидан кенг фойдаланишдир.

Ҳозирги вақтда таълимнинг интерактив шакллари жорий этиш етук кадрларни тайёрлашни такомиллаштиришнинг энг муҳим инновацион йўналишларидан биридир. Амалиёт шунини кўрсатадики, олий ўқув юртлири битирувчилари зарурий билимга эга, аммо улар ҳар доим ҳам уни амалда самарали қўлай олмайдилар.

Интерфаол таълим - ўқув фаолиятини ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, у ўқув материални ўзлаштиришда, ахборот ва билим алмашишда ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятдан иборат. Интерфаол таълим анъанавий ўқитиш шаклларига нисбатан ўқитувчи ва талабанинг ўзаро муносабатларини ўзгартиради. Ҳозирги вақтда талабалар фанни яхши ўзлаштиришлари учун ўқитувчининг ўқитадиган фан соҳасидаги компетентлиги зарур, аммо етарли шарт эмас. Замонавий ўқитувчи куйидагиларга эга бўлиши керак [1]:

- талабаларни фанни ўрганишга ундаш;

- келажакдаги амалий фаолиятда зарур бўлган аниқ билимларни мустақил ўзлаштиришга ўргатиш;

- шахсий хусусиятларни ва келажакдаги касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

"Инновация" атамаси лотинча *innovati* сўздан келиб чиққан бўлиб, янгилик деган маъноно англатади. "Инновация" тушунчасига иккита ёндашув мавжуд: инновация жараён сифатида (А.В. Лоренс, М. М. Поташник, В. А. Слостенин, О. Г. Хомерики) ва инновацион янгилик сифатида ўзи (К. Ангеловски, А. Ф. Балакирев, С. Д. Ильенкова) [2].

А.В. Хуторской инновацион жараённинг учта таркибий қисмининг бирлигини таъкидлайди: инновацияларни яратиш, ўзлаштириш ва қўллаш. Айнан шу уч қисмли инновацион жараён илмий тадқиқот объекти ўқув жараёни бўлган дидактикадан фарқли равишда педагогик инновацияда энг кўп ўрганиш объекти ҳисобланади [3].

Педагогик инновация – педагогик фаолиятдаги янгиликлар, ўқитиш ва тарбия мазмуни ва технологиясидаги ўзгаришлардир. Педагогик инновациялар таълим ва тарбия самардорлигини оширишга қаратилган: мақсад ва мазмун билан таништириш, ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги фаолиятини ташкил этиш [2,3].

Энг сўнгги инновацион тенденциялар қаторида замонавий таълимда устун бўлиши керак бўлган педагогик жараённинг шахсга йўналтирилганига асосланган педагогик технологияларни таъкидлаш керак. Ўқитувчи ва талабанинг шахсга йўналтирилган ўзаро таъсири таълим жараёнининг энг муҳим таркибий қисмига айланиб бормоқда. Таълим жараёни ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотига асосланади. Кўпгина психологлар ва ўқитувчиларнинг фикрига кўра, муваффақиятли мулоқот учун учта омил асосий аҳамиятга эга: маърузачининг ишончлилиги; хабарларнинг тушунарлилиги, уни қанчалик тўғри тушунганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни сўраш. Бундай ҳолда, мулоқот этикасининг умум инсоний қоидаларини ҳисобга олиш керак. Лекин мулоқотнинг педагогик шартларига мансуб бўлган асосий омил ўқитувчининг фанни чуқур билишидир. Ўқитувчи олий ўқув юртидаги ўқув жараёнининг марказий шахсидир. У мустақил равишда таълим мақсадларини қўяди, ўз фаолияти воситаларини танлайди, ўқувчиларнинг нафақат келажакдаги касбига, балки умуман фанга қизиқишини ривожлантиради. Айнан ўқитувчининг фанни раво егаллаши ўқувчиларда билимга бўлган қизиқишни оширишга, ўқитувчи ва унинг талабларини хурмат қилишга ундайди [4].

Замонавий таълим жараёни техник, хусусан, компьютер ва дастурий таъминот инновациялари ҳисобига такомиллаштирилмоқда. Айнан шунинг учун

ҳам дастлаб билимларни оммалаштириш ва кенг аудиторияни ўқитишга жалб қилиш учун мўлжалланган аудио ва видео визуал усуллар ўқитишда тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Мутахассисларни касбий тайёрлашда техник ўқув қўлланмаларини кенг жорий этиш, Интернет тармоғидан фойдаланиш, ўқув жараёнида электрон маълумотлар базалари билан ишлаш талабаларнинг билим фаоллигини оширади, бу эса ўқув материални сезиларли даражада ўзлаштириш учун вақтни максимал даражада тежаш имконини беради. Аудио ва видео визуал усуллар барча фанларни ўқитиш учун улкан имкониятларга эга. Шу билан бирга, у ўқитувчидан компютер билимлари ва технологияларига эга бўлишни, фанга тизимли ва ижодий қарашни талаб қилади. Усулнинг самардорлиги ўқиш вақтининг минимал сарфланиши ва талабалар ва ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатларини тежаш билан белгиланади [5].

Шуни таъкидлаш керакки, интерфаол технологиялар фойдаланувчига ҳар қандай вақтда фанларни ўрганишда ўқитувчи (шунингдек, курсдошлар) ёрдамини олиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилади, талабаларга катта ҳажмдаги назарий материални ўзлаштириш, назорат фаолиятини ёки курс лойиҳасини мустақил бажариш имконини беради. Шу билан бирга ўқитувчи ўқувчининг мустақил дарсдан ташқари ишларини ҳолисона кузатиб бориш имкониятига эга бўлади [6].

Бухоро муҳандислик-технология институти "Амалий механика" кафедраси ўқитувчилари ўқув жараёнида инновацион таълим технологияларидан фаол фойдаланмоқда. Ушбу мақола мазкур ишларнинг циклини давом эттириб, "Амалий механика" курси бўйича дарсларни ўтказишда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланишга бағишланган.

"Амалий механика" курсини ўрганиш маърузалар, лаборатория, амалий машғулотлар ва мустақил ишлар (умумийлаштирилган типик масалаларни ечиш, ўқув тажрибаларини ўрнатиш, ҳисоблаш ва график ишларни бажариш ва лойиҳа фаолияти ва бошқалар) орқали тизимли равишда амалга оширилади.

Амалий механикани ўрганишни ташкил этиш жараёнида ўқитувчи бир нечта жиддий муаммоларни ҳал қилади:

- дарсга тизимли тайёргарлик кўраётган ўқувчилар билан бирга машғулотларда мунтазам иштирок этмаган ўқувчиларнинг ишларида фаол иштирок этишини таъминлайди;

- ўқув материални ўзлаштириш жараёни устидан доимий назоратни ўрнатади;

- ўқувчилар эътиборини маълумотни оддий такрорлашга эмас, балки топшириқнинг бир нечта ёндашувларини ижодий излашга қаратади.

Л.Я.Калашникованинг фикрича, "Амалий механика" курсининг маърузалари бўлажак технологик таълим бакалаврининг умумтехник тайёргарлигида муҳим ўрин тутади [7].

"Амалий механика" курси бўйича маърузалар ўқув материал мазмунининг асосларини очиб беради, фан ва техниканинг моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги муносабатлари ҳақидаги назарий билимларни умумлаштиради ва тизимлаштиради. Бундан ташқари, улар талабаларни технологик таълимнинг бўлажак бакалаврларининг касбий фаолияти учун умумтехник билимларнинг аҳамиятига ишонтирадилар, уларни илмий-техник адабиётларга йўналтирадилар; умумтехника фанлари бўйича ўз билим ва кўникмаларини мустақил равишда чуқурлаштиришга интилишни уйғотади.

"Амалий механика" курсини ўрганиш жараёнида ўқитишнинг турли хилдаги маъруза шакллари (ахборотли, муаммоли, маъруза-визуаллаштириш,

маъруза-конференция, маъруза-маслаҳат) фойдаланилади. Курснинг назарий материални яхшироқ ўзлаштириш учун маърузаларда илмий маълумотларни янада қулайроқ шаклда тақдим этиш имконини берадиган ва талабаларнинг билимини фаоллаштиришга ёрдам берадиган таркибий - мантикий схемалар қўлланилади. Маърузалар кўргазмали куроллар, слайдлар, виртуал кўргазмалар ёрдамида олиб борилади. Амалий машғулотларда эса кичик гуруҳларда ишлаш, муаммоли топшириқлар, лойиҳаларни тайёрлаш каби усуллар қўлланилади.

Кичик гуруҳларда ишлаш энг машхур стратегиялардан бири ва кўплаб интерфаол усулларнинг ажралмас қисмидир. “Амалий механика” фанидан кичик гуруҳларда дарс ташкил этишда ўқитувчи барча талабаларнинг, шу жумладан уятчан ўқувчиларга ишда иштирок этиш имкониятини беради. Янги материални масалалар ечиш билан тушунтирилгандан сўнг, талабаларга масалалар тўплами (тахминан 7-10 та қисқа масала ва саволлар) берилади. Ушбу масалалар энг қобилиятли талабалар томонидан 15-20 дақиқада ечиш учун мўлжалланган. Ечимни биринчи бўлиб тугатган ўқувчилар ишни тугатмаган ўқувчиларга гуруҳларни ташкил қилиш йўли билан ўтадилар ва биргаликда масалалар ечишни яқунлайдилар.

“Амалий механика” фанини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ниҳоятда самаралидир. Ахборот технологияларини қўллаш орқали талабалар ўз касбий фаолиятида эгаллаган кўникмалардан муваффақиятли фойдаланадилар. Ахборот-коммуникация технология-

лари янги дидактик муаммоларни ҳал этиш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш имконини беради. Улар ёрдамида матн, товуш, график ва видео маълумотлардан янгича фойдаланиш мумкин ва бу ижодкорликка бўлган қизиқишни оширади, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини рағбатлантиради.

Амалий механика курси бўйича талабаларни касбий тайёрлашда инновацион ўқитиш усулларининг афзалликлари қуйидаги устуворликлар билан белгиланади:

- ўқувчилар янги материални ўқув жараёнининг фаол иштирокчилари сифатида ўзлаштирадилар;

- бўлажак мутахассислар ахборотни қайта ишлашнинг замонавий технологиялари бўйича кўникмаларга эга бўлади;

- маълумотнома маълумотлари, техник ва меъёрий ҳужжатларни мустақил ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларга киритилган ўзгаришларни кузатиб бориш кўникмасини ривожлантиради;

- олинган маълумотларнинг самарадорлиги ва долзарблиги: ўқувчилар ўз касбий фаолиятларида рўй берадиган қийин амалий вазиятларни ҳал қиладилар;

- интерфаол ўқитиш усуллари ўқувчиларга ўқитувчи билан доимий алоқада бўлиш имконини беради. Улар таълим жараёнини янада профессионаллаштиради.

Шундай қилиб, талабаларнинг замонавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда эгаллайдиган билим ва кўникмалари уларни касбий фаолиятда қўллаш имконини беради, бу эса ҳар бир талабанинг имкониятларини, унинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини тўлиқ рўёбга чиқаришга олиб келади.

Адабиётлар

- 1-5. Использование современных образовательных технологий при изучении механики Косогова Ю.П., Пинчук Э.В., Годунов С.Ф., Пирожков Р.В. Элект. научный журнал Инженерный вестник Дона, №3 2016. ivdon.ru/ru/magazine/archive/n3y2016/3748.
6. Иванченко В.Н. Инновации в образовании: общее и дополнительное образование детей: учебно-методическое пособие. -Ростов н/Д: «Феникс», 2011. – С. 341.
7. <http://www.eidos.ru/journal/2005/0910-19.htm> интернет-журнал «ЭЙДОС».
8. Волосова Е.В. Внедрение инновационных технологий в современный процесс обучения. Научные труды SWorld. 2013. Т. 25. № 3.- С. 66-69.
9. Тайёбх Д. Психолого-педагогические условия внедрения в учебно-воспитательный процесс инновационных методов и технологий обучения. Вестник Педагогического университета. 2012. № 5-1 (48). -С. 48-51.
10. Абидов К.З. Создание математических моделей реальных процессов на основе компьютерных технологий. Международная научно-практическая конференция: Реальность – сумма информационных технологий. –Курск: 08-10 сентября. 2016. -С. 32-34.

РЕЗЮМЕ

Мақолада олий ўқув юрғларида “Амалий механика” фанини ўрганишда инновацион ўқитиш методлари мажмуасини жорий этиш бўйича маълум тажрибалар келтирилган. Таърифланган инновацион ўқитиш технологиялари “Амалий механика” курсини ўқитишда талабаларнинг ўқув - билиш фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштиришга имкон беради.

РЕЗЮМЕ

В работе представлен определённый опыт реализации совокупности инновационных методов обучения при изучении прикладной механики в высших учебных заведениях. Описанные инновационные технологии обучения позволяют в значительной степени активизировать учебно-познавательную деятельность студентов в обучении курса «Прикладная механика».

SUMMARY

The paper presents exact experience in the implementation of a set of innovative teaching methods in the study of applied mechanics in higher educational institutions. The described innovative teaching technologies make it possible to significantly intensify the educational and cognitive activity of students in teaching the course "Applied Mechanics".

STEREOMETRIYALÍQ MÁSELELERDI SHESHIWDEGI ÁHMIYETLI BAYLANÍS

S.M.Daniyarova – doktorant

Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch soʻzlar: geometriya, fazo, geometrik figura, burchak, bogʻlanish.

Ключевые слова: геометрия, пространство, геометрическая фигура, угол, связь.

Key words: geometry, space, geometric figure, angle, connection.

Mektep oqıwshılarında keńislik túsınıklariniń qalıplesiwi bilim beriw sistemasındaǵı baslı máselelerden esaplanadı. Eger oqıwshılarda keńislik túsıniklari jaqsı qalıplesken hám rawajlanǵan bolsa, olardıń geometriyani ózlestiriwi ańsat boladı hám olar bir qansha qızıqlı máselelerdi óz betinshe sheshe aladı [1].

Ilm menen texnikanıń rawajlanıwına say oqıwshılardıń keńislik túsınıklariniń qalıplestiriw olardı ámeliy ish háreketke, qásip-óner tarawında miynet etiwge, fizika, astronomiya, kosmonavtikanıń házirgi mashqalaların túsiniw jetiwge eń zárurli elementleri bolatuǵınlıǵı túsınikli [2].

N.F.Chetveruxin «Jaqsı keńislikli oylaw jańa mashinalardı dóretetuǵın konstruktorǵa, jer astı baylıqların

izertlewshi geologqa, jańa qalalardıń jayların quratuǵın arxitektorga, xirurgqa, xudojniklerge hám t.b. júdá zárur» dep ekenligin atap kórsetedi.

Mektep oqıwshılarında keńislik túsınıklariniń qalıplesiwi hám rawajlanıwında geometriyalıq figuralardıń sızılmaların jasaw úlken áhmiyetke iye. Oqıwshılardıń keńislik túsiniǵı qansha joqarı bolsa, olarǵa geometriyani úyretiw sonshelli ańsat, olardıń aldına hár qıylı qıyın hám qızıqlı máselelerdi qoyıw múmkin. Tilekke qarsı, keńislik geometriyalıq faktlerin modellestiriwde hám olardı taxtada súwretlewde oqıwshılardıń qıynalatuǵınlıǵın bayqaymız. Keyingi jıllarda mektep pitkeriwshileriniń matematikalıq tayarlıǵındaǵı bul kemshilikler jiyi-jiyi bilinedi. Bul

kemshiliklerdiń kópshiligi oqıwshılardıń keńislik túsiniqleriniń jeterli dárejede rawajlanbaǵanlıǵı menen baylanısh.

Oqıwshılardıń máseleler sheshiwde, ásirese, stereometriyalıq máseleler sheshiwiniń qáliplesiwı tómen bolıwınıń sebeplerin úsh topaǵa bóliwge boladı:

1. Psixologiyalıq faktorlar menen baylanısh sebepler (psixologiyalıq funkciyalardıń itibar, yadta saqlaw, oylawdıń tómenlewi);

2. Oqıw programması hám sabaqlıqlardıń jetispewshiliginen kelip shıǵatúǵın sebepler;

3. Oqıw procesiniń durıs shólkemlestirilmegenliginen kelip shıǵatúǵın sebepler; [3:11].

Orta bilimlendiriw mekteplerinde oqıwshılar geometriya izertleytuǵın kóp figuralardıń ataması menen tanısadı: «sheńber» «tuwrı múyeshlik» «úshmúyeshlik» «kópmúyeshlik» «parallelepiped» «sfera» «shar» «prizma» «cilindr» «konus» hám t.b. Bul kórsetilgen atamalardıń ayırımları menen oqıwshılarda keńislik figuraları assosociyalanadı. Hár bir sabaqta planimetriya túsiniqleri, keńislik geometriyalıq figuraları hám qorshap turǵan haqıyqatlıq predmetleri arasındaǵı baylanıslardı izlew hám anıqlaw úlken áhmiyetke iye. Solay etip, orta bilimlendiriw mektepleriniń, akademiyaqı liceyler hám kásip-óner kolledjleriniń oqıwshılarında keńislik túsiniǵın rawajlandırıw matematikanı, sonıń ishinde, geometriyanı oqıtıw metodikasınıń áhmiyetli máseleleriniń biri.

Keńislikti geometriyalıq túrlendiriw degenimizde, keńislikti óz-ózine bir mánili sáwlelendiriwge aytamız.


Eger, P túrlendiriwde F figura F_1 figuraǵa ótse, onda berilgen túrlendiriwde F_1 figura F figuranıń obrazı delinedi hám tómendegishe jazıladı: [4:5]. $F_1 = P(F)$, $F \rightarrow F_1$.

Sızba geometriya kursında figuralardıń sızılmaların jasawdıń hár qıylı usılları qaralǵan. Mektep kursında geometriyalıq máselelerdi sheshiwde olardıń sızılmaların dál jasaw tiykarǵı maqset emes. Ol sızılma durıs bolıwı hám onı jasawǵa az waqıt talap etiletuǵın bolıwı kerek. Sol ushin geometriya sabaǵında berilgen figuranıń sızılmasın jasaw erikli parallel proekciya járdeminde orınlanadı. Al, bul bolsa proekciya tegisligine qarata originaldıń jaylasıw awhalı hám usı tegislikke qarata proekciyalaw baǵıtı anıq emes bolıp qaladı degen sóz.

Originaldı erikli parallel proekciyalaw járdeminde jasalǵan sızılma boyınsha jasawǵa bolmaydı, biraq mektep kursı geometriyasında bul talap etilmeydi.

Eki jaqlı múyesh penen baylanısqa ayırım sinusları arasında kóp stereometriyalıq máselelerdi sheshiwde effektiv paydalanılatuǵın ápiwayı baylanıs bar. Bul baylanıstı keltirip shıǵarıw ushin tómendegi másele ni sheshemiz.

1-másele. α ǵa teń eki jaqlı múyesh tiń jaqlarınıń birinde eki jaqlı múyesh tiń qabırǵası menen β múyesh jasaytuǵın tuwrı sızıq júrgizilgen. Usı tuwrı sızıqtıń ekinshi jaq penen dúzetuǵın múyeshin tabıń.



1-súwret

Sheshiw: Meyli, $\angle ABC$ -berilgen eki jaqlı múyesh tiń sızıqlı múyeshli (eki jaqlı múyesh tiń jaqların σ hám δ

háripleri menen belgileybiz) hám $AB - \sigma$ tegislikte jatıwshı tuwrı sızıq bolsın (1-súwret). Shárt boyınsha $\angle ABC = \alpha$, $\angle ADC = \beta$, $AC \perp \delta$ bolǵanlıqtan $\angle ADC$ -izlenip atırǵan múyesh.

$\angle ADC = \gamma$ hám $AD = x$ den belgileybiz. Tuwrı múyeshli $\triangle ADB$, $\triangle ABC$, $\triangle ADC$ úshmúyeshliklerinen

$$AB = x \cdot \sin \beta, \quad AC = x \cdot \sin \beta \cdot \sin \alpha,$$

$$\sin \gamma = AC : AD = \sin \alpha \cdot \sin \beta$$


Solay etip: $\sin \gamma = \sin \alpha \cdot \sin \beta$ (1)

(1) baylanıs atı atalǵan baylanıs, onıń sóz benen bayanlanıwın beremiz “Eki jaqlı múyesh tiń bir jaǵınıń tegisliginde jatıwshı tuwrı sızıqtıń ekinshi jaǵı menen jasaǵan múyeshiniń sinusı eki jaqlı múyesh tiń qabırǵası menen jasaǵan múyeshiniń sinusınıń kóbeymesine teń”.

Biz berilgen eki jaqlı múyesh suyır múyesh bolǵan jaǵdaydaǵı másele niń sheshiliwin berdik. Eki jaqlı múyesh doǵal múyesh bolǵan jaǵdayda da (1) baylanıs orınlı bolatúǵını isenim arttırıw qıyın emes. Eger eki jaqlı múyesh tuwrı múyesh bolsa, onda geometriyalıq pikirlewlér hám (1) formuladan $\gamma = \beta$ bolatúǵını kelip shıǵıldı.

(1) baylanıstıń máselelerdi sheshiwge qollanıwın kórsetemiz.

2-másele. $ABCD$ kvadrat tegisligi hám bazı bir δ tegisligi arasındaǵı múyesh α ǵa, al AB tárepi menen sol tegislik arasındaǵı múyesh β ǵa ($\beta < \alpha$) teń. AD tárepi hám δ tegisligi arasındaǵı múyesh ti tabıń.



1-súwret

Sheshiw: $ABCD$ kvadrat tegisligi σ tegisligi, másele niń shárti boyınsha, δ tegisligi menen α ǵa teń eki jaqlı múyesh jasaydı. Ulıwmalıqtı taratpastan kvadrattıń A tóbesi qaralıp atırǵan eki jaqlı múyesh tiń qabırǵasında jatadı dep alıwǵa boladı (1-súwret). BFB_1 hám DED_1 bul eki jaqlı múyesh tiń sızıqlı múyeshleri, sonlıqtan $\angle BFB_1 = \angle DED_1 = \alpha$. AB_1 hám AD_1 kesindileri AB hám AD kesindileriniń δ tegisligine proekciyaları. Shárt boyınsha $\angle \hat{A}\hat{A}\hat{A}_1 = \beta$ bolıp, $\beta < \alpha$.

Meyli, $\angle \hat{A}AF = \varphi$ hám $\angle DAD_1 = \gamma$ bolsın. Máselede γ múyesh ti tabıw talap etiledi.

(1) baylanıstı AD tárepi menen baylanısqa múyeshlerge qollanıw hám $\angle DAE = 90^\circ - \varphi$ ekenligi esapqa alıp, $\sin \gamma = \sin \alpha \cdot \sin(90^\circ - \varphi) = \sin \alpha \cdot \cos \varphi$ teńligine iye bolamız.

Endi (1) baylanıstı AB tárepi menen baylanısqa múyeshlerge qollanıw,

$\sin \beta = \sin \alpha \cdot \sin \varphi \Rightarrow \sin \varphi = \frac{\sin \beta}{\sin \alpha}$ ekenin kóremiz.

$\cos \varphi$ diń mánisin esaplap

$\sin \gamma = \sqrt{\sin(\alpha + \beta) \cdot \sin(\alpha - \beta)} \Rightarrow$
 $\Rightarrow \gamma = \arcsin \sqrt{\sin(\alpha + \beta) \cdot \sin(\alpha - \beta)}$ formulasın alamız.

Ádebiyatlar

1. Баймуратов Х.А., Валиева Ж., Оқыўшыларда кеңислик түсиниклеринин қәлиплесиўи . Өзбекстан Республикасы Илимлер Академиясы Қарақалпақстан белиминиң ХАБАРШЫСЫ. № 4. –Нөкис: 2002, 112-б.
2. Мадияров Н.К., Тотикова Г.А., Дошанова М.К., Бастауыш мектеп математикасын оқытуда оқушылардың кеңистіктік түсиниктерін қалыптастырудың дидактикалық негіздері. Л.Н. Гумилев атындағы Еуразия ұлттық университетінің Хабаршысы. Гуманитарлық ғылымдар сериясы. -Астана: № 5(120). 2017. 169-173-б.
3. Далингер В.А., Методика обучения стереометрии посредством решения задач: учеб. пособие для СПО 2-е изд., испр. и доп. –М.: «Юрайт», 2017. –С. 370.
4. Рогоновский Н.М., Рогоновская Е.Н., Тавгень О.И. Геометрия.11 класс. Многообразие идей и методов: пособие для учащихся общеобразоват. учреждений с белорус. и рус. яз. обучения. (Факультативные занятия). -Минск: «Аверсэв», 2011. –С.202.
5. Якиманская И. С., Развитие пространственного мышления учащихся. -Москва: «Просвещение», 2014. –С. 221.

REZYUME

Мақоллада о’қувчиларда фазо тushunchasi va uning rivojlanishining ijobiy tasiri ko’rib chiqiladi. Shu bilan birga stereometrik masalalarni yeshishdagi ahamiyatli bog’lanishlar tadqiq qilinadi va misollar yordamida tahlil qilingan.

РЕЗИМЕ

В статье рассматривается понятие пространство и его положительное влияние на развитие учащихся. А также, исследованы важнейшие связи решения стереометрических задач и приводятся примеры.

SUMMARY

The article deals with conception of the space and its’ positive influence to development of the students. More over, investigated the most important connections of the solution of stereometric problems and analyzed by examples.

ASTROFIZIK JARAYONLARNI O’RGANISHDA YADRO FIZIKASI BILAN FANLARARO INTEGRATSIYANING AHAMIYATI

E.N.Xudayberdiyev – fizika - matematika fanlari nomzodi, dotsent

L.Q.Samandarov – tadqiqotchi

Navoiy davlat pedagogika instituti

Tayanch so’zlar: oliy ta’lim, fizika o’qituvchilari, integratsiya, astrofizika, yadro fizikasi, kvant mexanikasi, vakuum, yulduzlar, g’alayonlanish, gravitatsiya, qizilga siljish, neytron yulduzlar, qora tuynuklar, oq karliklar.


Ключевые слова: высшее образование, учителя физики, интеграция, астрофизика, ядерная физика, квантовая механика, вакуум, звезды, возмущения, гравитация, красное смещение, нейтронные звезды, черные дыры, белые карлики.

Key words: higher education, physics teachers, integration, astrophysics, nuclear physics, quantum mechanics, vacuum, stars, perturbations, gravity, red shift, neutron stars, black holes, white dwarfs.

Ma’lumki kosmologiya fanining asosiy vazifasi koinotning kelib chiqishi, rivojlanish qonuniyatlari va shu qonunlar asosida uning keyingi bosqichlarini aniqlash masalasiga yechim topishdan iborat. Albatta, kosmologiya fan sifatida shakllanmagan qadimgi davrlarda ham odamzod dunyoning yaratilishi haqida turli mushohadalar yuritgan. Lekin bu mushohadalar aniq bir ilmiy asosga ega emas edi. Aslida esa olamning paydo bo’lishi va tadqiqoti masalasi falsafiy - ilmiy masala bo’lib, uning yechimi borliq koinot qonuniyatlarini o’rganishda XIX asrlargacha ham uning Xudo tomonidan yaratilganligi va ilmiy izlanishlarning asosiy vazifasi Olohd tomonidan yaratilgan olamning mukammal mutanosibliği – olam garmoniyasini aniqlashdan iborat deb qaralar edi. Bunday qarashlarni o’rta asr sharq mutafakkirlari asarlarida hamda XVII-XVIII asr Yevropa olimlari ilmiy asarlarida ko’rish mumkin. XIX asrga kelib koinot va uning tashkil etuvchilarining fizik tabiatini, fizikaviy qonuniyatlarini o’rganuvchi astrofizika fani shakllana boshladi. Bu fanning shakllanishini shu davrda ma’lum bo’lgan bir qancha fanlarning sintezi sifatida qarash mumkin. Ilmiy tadqiqotlar tarixidan ma’lumki tabiatni bilish jarayoni turli yo’nalishlarda olib borilgan bo’lib bu yo’nalishlar dastlab tabiatshunoslik fanidan ajralib chiqib bir qarashda bir-biriga bog’liq bo’lmagan hodisalarni o’rganadi. Lekin bu hodisalarni qanchalik chuqur o’rganish ular orasidagi uzviy bog’lanishlar shunchalik ko’proq namoyon bo’ladi. Shu jihatdan olib qaraganda zamonaviy fanning turli yo’nalishlarida olingan ilmiy natijalarning bir-biriga bog’liqligi, ya’ni tabiat hodisalarining uzviy bog’lanishda ekanligi ularni o’rganish va tahlil etishda ham fanlararo integratsiya tamoyiliga amal qilish lozimligini ko’rsatadi.

Ushbu maqolada bo’lajak fizika o’qituvchilarini tayyorlashda olamning paydo bo’lishi, tuzilishi va taraqqiyoti bo’yicha astrofizik tadqiqotlar natijalarini fanlararo integratsiya asosida tahlil etish metodikasi bayon etiladi.

Olamning kelib chiqishi va tuzilishi haqidagi ilmiy dunyoqarashlar taraqqiyotining O’rta asrlar va undan keying bosqichlarini 1- rasmdagi sxema asosida tasavvur etish mumkin [1].



1-rasm: Olamning kelib chiqishi va tuzilishi haqidagi ilmiy dunyoqarashlar taraqqiyotining bosqichlari.

Astrofizik jarayonlarning tub mohiyatini o’rganish va o’qitish jarayonida seminar, amaliy mashg’ulotlar yoki kurs ishlarida ushbu tarixiy biografik ma’lumotlarni tahlil etish, fan taraqqiyoti xronologiyasini o’rganish ta’lim samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.


Hozirgi kunda koinot tuzilishi haqidagi asosiy modelardan biri, Eynshteynning umumiy nisbiylik nazariyasi hamda uning yechimidan kelib chiqadigan kengayayotgan koinot modelining tarkibiy qismi *katta portlash nazariyasi*dir. Shuni ta’kidlash joizki, koinot tuzilishi va uning xossalari qancha ko’p o’rganish javobi qiyin bo’ladigan yangi savollar shunchalik ko’paymoqda. Shunday savollar-

dan biri, koinotning o'zi nima va katta portlashdan avval koinot qanday holda bo'lgan? degan savoldir.


Olamning paydo bo'lishi haqidagi ilmiy asoslangan fikrlardan biri akademik Ya.B.Zeldovich tomonidan ilgari surilgan. Uning fikriga ko'ra "olamning paydo bo'lishi uchun hozirgi vaqtda bizga ma'lum bo'lgan materiyaning hech qanday moddiy shakli talab etilmaydi. Olam yo'qdan paydo bo'lgan, boshqacha qilib aytganda dastlabki holatda faqatgina vakuum mavjud bo'lgan" [2]. Shu o'rinda ilmiy anjumanlardan birida jurnalistlarning "nisbiylik nazariyasini biz uchun soddalashtirib tushuntira olasizmi?"- degan savoliga Eynshteyn shunday javob bergan edi: "Nisbiylik nazariyasidan ilgari koinotdan borliq materiya yo'qolsa bo'sh fazo qoladi deb tushunardik, Nisbiylik nazariyasiga ko'ra esa materiya yo'qolsa fazo ham yo'qoladi". Bu javobni hisobga olgan holda Zeldovich gipotezasidagi bo'shliq klassik vakuum emas, degan xulosaga kelish mumkin [3]. Demak, hozirgi zamon kvant fizika xulosalariga ko'ra vakuum materiyaning mavjudlik shakllaridan biri deb qaralar ekan. G'alayonlanmagan holatda bu vakuum o'zini sezdirmaydi va klassik bo'shliq bilan mos tushadi. G'alayonlangan vakuum esa materiyaning maydon va moddiy shakllariga aylanadi. Mana shu nuqtai - nazardan Zeldovich gipotezasi hozirgi zamon fizikasining fundamental nazariyasi bilan qarama-qarshilikka uchramaydi. Agar biz Zeldovich aytgan "yo'q" ni materiyaning bizga ma'lum bo'lmagan shakli - vakuum deb tushunsak, bu gipoteza falsafiy nuqtai nazardan ham qarama - qarshilikka uchramaydi.

Zeldovich gipotezasiga asoslangan tasavvurlar asosidagi olamning hosil bo'lish evolutsiyasini ko'plab fanlarning zamonaviy yutuqlari asosida tushuntirish mumkin. Shuning uchun ham bu jarayonda fanlararo integratsiyaning o'rni muhim ahamiyatga ega. Talabalarga koinotning hosil bo'lishi va evolutsiyasini tushuntirish jarayonida turli fanlarning o'rmini ko'rsatish ularning fan mavzulari bo'yicha chuqur bilim olishlari va boshqa fanlarda olingan bilimlarning qo'llanishini ko'rish orqali bilimlarini mustahkamlashga xizmat qiladi. 2 va 3- rasmlardagi sxemalarda olamning paydo bo'lishi va evolutsiyasi fanlararo va fan mavzulari orasidagi integratsiya kesimida keltirilgan.

1-sxema



2-rasm. Olam evolyutsiyasi jarayonida parayulduz (yulduzsimon shar) larning hosil bolish bosqichi. 2-sxema.



3-rasm. Olam evolyutsiyasi jarayonida parayulduzlardan yulduzlarning tug'ulishi va koinotning kengayishi.

Sxemada ko'rsatilganidek vakuumning g'alayonlanishiga olib kelgan "turki" – birlamchi sabab ma'lum emas. G'alayonlanish natijasida materiyaning maydon va moddiy ko'rinishlarga o'tishini kvant mexanikasi va yadro fizikasi qonuniyatlari asosida tushuntirish mumkin. Vakuumning g'alayonlanishi jarayonida hosil bo'lgan birlamchi jism – singulyarlik nuqtalarida zichlik va harorat o'ta yuqori bo'lishi kerak. Akademik Ya.B.Zeldovich fikriga ko'ra katta portlash momentida bu jismning zichligi 10^{33} g/sm³, harorati 10^{13} gradus, bosimi 10^{54} dina/sm² = 10^{48} atmosfera bosimiga teng bo'lgan [2,3]. Bunday sharoitda jism har xil zarrachalar va antizarrachalar aralashmasidan iborat bo'lib, molekularlar, atom va yadrolar haqida gap bo'lishi mumkin emas [2]. Og'ir zarralar va antizarralar annigilyatsiyalanib (o'zaro qo'shilib) tinchlikdagi massasi nolga teng bo'lgan kvant-fotonga aylanadi va tarkibida proton, neytron, foton va neytrinolardan iborat aralashma hosil bo'ladi. Zamonaviy astrofizika nuqtai nazaridan taxminan 12-18 mlrd yil avval koinotda katta portlash ro'y bergan. Bu portlash bizga yerda ma'lum bo'lgan bitta markazdan boshlanuvchi va fazoda tarqaluvchi portlash bo'lmasdan koinotning hamma joyida bir vaqtda boshlangan portlashdir [4]. Bu portlash nuqtalari yuqorida ko'rsatilgan singulyarlik nuqtalari bilan mos tushishi kerak. Bu vaqtda koinotdagi har bir zarra boshqasidan qochishga harakat qilgan. Katta portlashning dastlabki momentida singulyarlik nuqtalaridan yuqori zichlik, harorat va bosimning mavjudligi olamning qaynoq modelida o'z aksini topdi. Bu modelning to'g'riligi 1965-yilda kashf etilgan va koinot kengayishining dastlabki bosqichida hosil bo'lgan fotonlar va neytrinning relikativ nurlanishi bilan isbotlandi. Katta portlash davomida hosil bo'lgan elementar zarralar galaktikalarning markazi (yadrosi)da hosil bo'lib xuddi shu markazlarda koinotning asosiy qurilish materiali hisoblangan vodorod ishlab chiqariladi. Vodorod atomining hosil bo'lishida proton va elektron orasidagi elektromagnit tortishuv asosiy sabab bo'lishi kerak. Keyingi bosqichda vodorod atomlarining tashqi elektromagnit maydonlar bilan ta'sirlashuvi hisobiga fazoning ma'lum bir nuqtalarida vodorod atomlarining to'planishi (quyuqlashuvi) yuz beradi. Bu esa fazodagi gaz tumanliklari hosil bo'lishiga olib keladi. Gaz tumanliklari hajmi va massasining vaqt o'tishi bilan ortib borishini Nyutonning gravitatsion tortishuv nazariyasi orqali tushuntirish mumkin. Xuddi shu gravitatsion tortishuv tufayli sharsimon shaklga kirgan gaz tumanligi markazida bosim va zichlik orta boradi. Bunday gaz tumanliklari yulduzlar hosil bo'lishining dastlabki shakli - parayulduzlar deb yuritiladi. Parayulduzlarda haroratning ortish mexanizmi fanda kvant mexanikasi qonunlari kashf etilgandan so'ng ma'lum bo'ldi. Ma'lumki kvant mexanikasida mikrozarralarning holati Paulining ta'qiqlash prinsipi bilan belgilanadi va unga ko'ra ikkita fermion ayni bir xil kvant holatni egallashi mumkin emas. Gravitatsion siqilish va zichlikning ortishi tufayli parayulduz markazidagi zarralar Pauli prinsipi bajarilishi sababli bir-biridan qochishga harakat qiladi. Bu esa o'z navbatida markazda harorat ko'tarilishiga olib keladi va harorat bir necha o'n million gradusga yetganda modda plazma holatiga o'tadi. Parayulduz evolutsiyasining keyingi bosqichlarini yadro fizikasi sohasidagi ilmiy yutuqlar va tadqiqotlar orqali tushuntirish

mumkin bo'ldi. Plazma holatdagi moddaning gravitatsion siqilishi natijasida elektron qobig'idan ajralgan yadrolar bir-biriga yadro o'lchamlaridagi masofagacha yaqinlashadi. Bunday yaqin masofada nuklonlar orasidagi elektromagnit itarishuv kuchidan 137 marta katta bo'lgan yadroviy tortishish kuchlari ta'sir qiladi. Bu tortishuv natijasida yengil yadrolarning bir-biriga qo'shilishi-termoyadro sintezi reaksiyasi boshlanadi.

Shu o'rinda tabiatda termoyadro sintezi reaksiyasi – yengil yadrolarning bir-biriga qo'shilishi energetik jihatdan qulayligi, yadro fizikasida massa defekti tushunchasining kiritilishi va Eynshteynning massa va energiya orasidagi ekvivalentlik formulasi orqali kashf etilganligini ta'kidlash lozim. Tezmoyadro sintezining boshlanishi yulduzning tug'ilishi bo'lib uning bir necha o'n yoki yuz milliard yil davom etuvchi hayoti boshlanadi. Bu holatga kelib yulduz ichidagi bosim va tashqi gravitatsion bosim tenglashib yulduzning ma'lum bir stasionar radiusli hajmi saqlanadi [5].

Olam tuzilishi va evolutsiyasi bo'yicha astrofizik tadqiqotlarning keyingi bosqichi Eynshteynning umumiy nisbiylik nazariyasi –gravitatsiya nazariyasining yaratilishi bilan bog'liq. Eynshteynning fikricha umumiy nisbiylik nazariyasining asosiy tenglamasi yechimi koinotning stasionar modeliga, ya'ni koinotdagi qo'zg'almas yulduzlar modeliga mos kelishi kerak edi. Lekin Eynshteyn tenglamasining Fridman tomonidan amalga oshirgan yechimiga ko'ra koinot nostatsionar holatda, ya'ni yulduzlar bir biridan uzoqlashayotgani ma'lum bo'ldi. Dastlab Eynshteyn bu yechimda xatolikka yo'l qo'yilgan deb hisoblasada, keyinchalik hisoblashlarni tekshirib ko'rib Fridmandan davriy nashrlardan birida rasman kechirim so'raganligi ma'lum. Ayni shu bosqichda fizik ilmiy tadqiqotlar rivojida matematika fani bilan integratsiyaning ahamiyati yaqqol namoyon bo'ldi.

Bundan tashqari Eynshteyn va Fridman orasida insoniylik munosabatlari, buyuk shaxslarning fan yo'lida hech bir moddiy manfaatni ko'zlamasdan xizmat qilish xislatlari yosh avlodni, ayniqsa, bo'lajak o'qituvchilarni tayyorlashda alohida urg'u berib ko'rsatilishi, uqitirilishi zarur bo'lgan jihatdir.

Nostatsionar koinot modelining tajribada tasdiqlanishi kosmonavtikaning rivojlanishi, yer sun'iy yo'ldoshlariga teleskoplar o'rnatish orqali amalga oshirildi. Astrofizik Xabblning shunday teleskoplarda o'tkazgan tajribalarida gravitatsion "qizilga siljish" hodisasi, ya'ni kuzatilayotgan yulduz nurlanish chastotasining vaqt o'tishi bilan kichik chastotalar tomoniga o'zgarishi kuzatildi. Agar mexanikadagi Doppler effektini "qizil siljish"ga tatbiq etsak osmon jismlari – yulduzlar bir –biridan uzoqlashganligi ma'lum bo'ladi. Demak, biz yashab turgan koinot stasionar emas, balki vaqt o'tishi bilan kengayib boruvchi nostatsionar koinot ekan. Shunday qilib, astrofizik tadqiqotlarda fizika fanining turli sohalarida erishilgan yutuqlar va fanlararo integratsiya asosida yulduzlarning hosil bo'lishi, ularning keyingi bosqichlari haqida yaxlit nazariya yaratildi.

Olam evolutsiyasining yuqorida tahlil qilingan kvant tasavvurlarining ta'lim jarayonida innovatsion texnologiyalar asosida qo'llanilishi yetuk mutaxassislar tayyorlashda, ayniqsa bo'lajak fizika va astronomiya o'qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar tayyorlashda muhim ahamiyatga ega.

Adabiyotlar

1. Qodirov O., Baydedayev A. Kvant fizikasi III.T.2006. 213-221-b.
2. Zeldovich. Я.В. Вселенная. Физика- Математика журнал "Квант". 1984. №3. –С. 2-9.
3. Новиков И.Д. Эволюция Вселенной. -М.: «Мир», 19. –С. 110-113.
4. Садохин А.П. Концепции современного естествознания. –М.: 2006. -С. 447.
5. Фраунфельдер Г., Хенли Э. "Субатомная физика" (пер. с англ). -М.: "Наука".1998.
6. Гинзбург Н. Л. Pulsars" Soviet Plus"Usp. 1483 (1971).

REZYUME

Ushbu maqolada pedagogika oliy ta'lim muassasalarida bo'lajak fizika o'qituvchilarini tayyorlashda olamning paydo bo'lishi, tuzilishi va taraqqiyoti bo'yicha astrofizik tadqiqotlar natijalarini fanlararo integratsiya asosida tahlil etish metodikasi bayon etiladi. Astrofizik jarayonlarning kvanto mexanik hamda yadro fizikasi nuqtai nazaridan talqini ularning qonuniyatlarini mukammal o'rganishga va ta'lim samaradorligini oshirishga xizmat qilishi ko'rsatiladi.

В данной статье изложена методика анализа результатов астрофизических исследований: возникновения, строения и развития Вселенной на основе междисциплинарной интеграции при подготовке будущих учителей физики в педагогических высших учебных заведениях. Показано, что интерпретация астрофизических процессов с точки зрения квантовой механики и ядерной физики способствует совершенному изучению их закономерностей и повышению эффективности обучения.

This article describes the methodology for analyzing the results of astrophysical studies of the origin, structure and development of the Universe on the basis of interdisciplinary integration in the training of future physics teachers in pedagogical higher educational institutions. It is shown that the interpretation of astrophysical processes from the point of view of quantum mechanics and nuclear physics contributes to the perfect study of their laws and increases the effectiveness of training.

НОРАВШАН МОДЕЛЛАР АСОСИДА ЎЗАРО БОҒЛАНГАН ЧОРРАҲАЛАРДА ТРАНСПОРТ ОКИМЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Р.М.Жалелов – таянч докторант

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: норавшан мантик, светофор бошқарувчиси, лингвистик ўзгарувчи, тегишлилик функциялари.

Ключевые слова: нечеткая логика, контроллер светофоров, лингвистическая переменная, функции принадлежности.

Key words: fuzzy logic, traffic lights controller, linguistic variable, membership functions.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишида йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Глобаллашув жараёнларининг ривожланиши аҳоли урбанизациясини ва шаҳарларнинг кенгайишини белгилайди. Урбанизация туфайли шаҳар ичидаги автомобилларнинг катновлари ҳажми ва кўлами ошиб бормоқда, бу эса ўз навбатида кўча-йўл тармоғида тирбандликларга сабаб бўлади.

Тирбандликлар асосан йўл тармоғининг туташган жойлари – чорраҳаларда ҳосил бўлмоқда. Йўл тармоғида тирбандликлар бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради: йирик шаҳарларда автотранспорт оқимининг тезлиги энг юқори соатларда 10-15 км/соатни ташкил қилади, шу билан бирга йўл-транспорт ҳодисалари сони кўпаяди, атмосферага зарарли моддаларнинг чиқарилиши сезиларли даражада ошади, одамлар ишга кечикади, юклар ўз вақтида етказилмайди, яъни юзага келган тирбандликдан катта иқтисодий зарар бор [1]. Ҳозирги вақтда тирбандликларни камайтириш учун светофорлардан фойдаланган ҳолда транспорт оқимларини тартибга солиш вазифаси катта аҳамият касб этмоқда.

Шундай қилиб, тадқиқотнинг долзарблиги светофорлар асосида шаҳарларда транспорт оқимларини бошқариш жараёнида қабул қилинадиган қарорларнинг асослиги ва самарадорлигини ошириш, мавжуд бўлган вақтни тежашни таъминлаш муаммосига янги илмий ёндашувни топиш зарурати билан боғлиқ.

Ушбу мақсадга эришиш қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишни талаб қилди:

-Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида, шу жумладан автоматлаштирилган йўл ҳаракати бошқаруви тизимларини таҳлил қилиш;

-транспорт оқимларини бошқариш бўйича чоратадбирларни амалга оширишдаги аҳамиятини аниқлаш учун шаҳарнинг автомобиль йўллари ва чорраҳаларини таснифлаш моделини шакллантириш;

- светофорнинг айланиш давомийлигини сошлаш ва тартибга солиш босқичида ёқиш сигналларининг фойдаланилмаган вақтини минималлаштириш;

-светофор объектлари ишининг оптимал режимларини аниқлаш имконини берувчи симуляция модели асосида автомобиль йўллари ва чорраҳаларнинг ҳолатини башорат қилиш механизмини синтез қилиш;

Светофор объектларини бошқариш зонасида ва бутун шаҳар кўча-йўл тармоғида транспорт оқимини ўрганишнинг асосий усуллари сифатида биз стационар ва мобил кузатув усуллари, шунингдек, транспорт детекторларини қўллашимиз. Литтл қонунига кўра, бошқариладиган чорраҳадан ўтадиган транспорт воситаларининг умумий сони $N = \lambda T$ га тенг, бу ерда

λ - тушган талаб тезлиги (талаблар / сонияда), T - автомобилнинг навбатда тургандан чорраҳани кесиб ўтишгача бўлган ўртача вақти. Навбатда туришининг ўртача вақтини - w ва q – транспорт воситалари навбатини белгилаймиз, кейин Литтл формуласидан фойдаланиб, $N_q = \lambda w$ навбатда турган транспорт воситаларининг ўртача сонини топамиз. Автомобилнинг чорраҳадан ўтиш учун сарфлаган ўртача вақти x билан, бошқариладиган чорраҳанинг ўзи эса S билан белгиланади, кейин $N_s = \mu x$ чорраҳадан ўтган транспорт воситаларининг ўртача сонини топамиз. $T = w + x$ тенглама ҳар доим ўринли бўлса, унда $w + \mu \rightarrow \min$ га эришиш керак.

Баланс тенгламасидан фойдаланиб, биз тахминан $N_q = N_s$ бўлганда бошқариладиган чорраҳа ҳолати идеал бўлади деб тахмин қилишимиз мумкин, шу билан бирга светофорнинг умумий вақт айланиши коммутация ранглари йиғиндисига тенг эканлигини ҳисобга олиш керак, яъни,

$$Q = t_{\text{сарик}} + t_{\text{яшил}} + t_{\text{сарик}} + t_{\text{кизил}} = t_{\text{яшил}} + 2t_{\text{сарик}} + t_{\text{кизил}}$$

чорраҳани фақат яшил ранг пайтида кесиб ўтиши мумкин. Бундан ташқари, Хинчин-Полячек

формуласидан фойдаланиб $T = \lambda \left[\frac{\rho(1+C^2)}{2(1-\rho)} \right]$ чорраҳада

транспорт воситасининг ўртача қолиш вақтини

олишингиз мумкин, бу ерда $C = \frac{\sigma_x}{x}$ - хизмат

вақтининг ўзгаришининг коэффициенти ва ρ - чорраҳадаги транспорт юки.

Навбат чорраҳани кесиб ўтмаган машиналардан иборат бўлади

$$n_{\text{кесиб.утм}} = Q \lambda - (t_{\text{яшил}} - 2t_{\text{сарик}} - t_{\text{кизил}}) / \tau, \text{ бу ерда}$$

$\tau = T - Q$ ва янги келганлар. Чорраҳанинг маълум

бир йўналиши бўйича тирбандлик чизиғини шакллантиришни кўриб чиқамиз. Светофорнинг биринчи циклида, агар чорраҳанинг ўтказувчанлиги транспорт воситасининг келиш интенсивлигига мос

келмаса, рухсат этилмаган $\eta_{\text{кесиб.утм}1}$

автомашиналаридан навбат ҳосил бўлади, кейин унга яна бир оз транспорт воситалари - $n_{кесиб.утм 2}$ кўшилади ва ҳоказо. Навбат экспоненциал тақсимот қонунига мувофиқ ўсади, чунки юк коэффициенти 1 га интилади, бу охир-окибатда тўлиқ транспорт фалажига олиб келиши мумкин. Навбатнинг ўсиши транспорт воситасининг келиш интенсивлиги ёки светофорнинг маълум бир йўналишда вақт параметрлари ўзгармагунча давом этади.

$$t_{яш.у.з} = \frac{2 N_q (1 - \rho)}{\lambda \rho (1 + C^2)}$$

формуладан жорий чорраҳада светофорни алмаштириш учун оптимал вақт оралиғини аниқлаймиз, бу йерда $N_q = \lambda w = \lambda x \frac{\rho (1 + C^2)}{2(1 - \rho)}$ га тенг. Худди шу тарзда ки-

зил ва сарик ранглар учун интервалларни аниқлаймиз. Барча усуллардан энг самарали ва амалга ошириш энг қийини светофорнинг иш режимларини оптималлаштиришдир. Шундай қилиб, характерис-тикалари қуйидаги иккита параметрни каноатлантирадиган мувофиқлаштирилиб ишлайдиган светофор тармоғини яратиш керак [2]:

- Биринчидан, светофор объектларининг мувофиқлаштирилган иши фазовий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини ва транспорт оқимлари талабларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши керак.

- Иккинчидан, светофорларнинг ишлаш режимлари транспорт оқимлари параметрлари бўйича ишончли статистик маълумотлар асосида белгиланиши ва йўл ҳаракати тизимидаги юкдан келиб чиқиб оптималлаштирилиши керак.

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлашнинг мавжуд усуллари транспорт ва йўл комплексини ўз ичига олган мураккаб ташкилий-техник тизимларда қонуниятларни аниқлаш ва жараёнларни таҳлил қилиш имконини беради [3]. Ушбу мақсадлар учун ахборот тизимлари, қарорларни қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимлари яратилади, симуляция моделлаштириш, статистик таҳлил ва прогнозлаш қўлланилади. Бироқ, таҳлил ўтказиладиган маълумотлар тўлиқ, яхши тузилган ва расмийлаштирилган тақдирдагина бундай тадқиқотлар натижалари тўғри бўлади.

Ҳозирда светофорнинг икки тури кенг қўлланилади. Биринчи турда сигнални ўзгартириш учун белгиланган цикли вақтидан фойдаланилади. Иккинчи турида цикл вақтларига таъсир қилиши датчиклар билан белгиланган цикл вақтларини бирлаштиради.


Агар датчик йўл қисмида транспорт ҳаракати йўқлигини аниқласа, светофор яна ҳаракат пайдо бўлгунча чироқни ўзгартиради. Ушбу турдаги бошқариш цикл вақтини ва транспорт воситасининг жойлашувини сошлаш учун чорраҳа ҳақида маълум маълумотларни талаб қилади [4]. Светофорни бошқаришда норавшан тизими чорраҳа моделларида кенгроқ қўлланилиши мумкин бўлган муқобил бошқарув тизимидир [5]. Бундай тизим фақат транспорт воситаларининг яқинлашишини аниқлаш учун эмас, балки транспорт воситаларини ҳисоблаш учун ҳам датчиклардан фойдаланади. Бу тизимда транспорт зичлигини ҳисобга олиш имконини беради, бу эса йўлларда ўзгарувчан вазиятни яхшироқ баҳолаш имконини беради. Трафик тақсимои ўзгарганда, норавшан бошқарув тизими ёруғлик сигнални мос равишда ўзгартириши мумкин.

Йўлнинг ҳар бир бўлаги учун иккита датчик мавжуд [6]. Светофор орқасидаги биринчи датчик светофордан

Д масофадаги чорраҳага келган транспорт воситалари сонини ҳисоблайди. Автомобиллар сони иккита сенсорнинг маълумотлари орасидаги фарқ билан ҳисобланади. Бу норавшан бошқарув тизимини анъанавий тизимдан ажратиб туради, бунинг учун светофор олдида фақат транспортнинг яқинлашишини қайд этадиган битта датчик ўрнатилади. Д масофаси чорраҳанинг маълум бир қисмида транспорт ҳаракат оқими тартибига асосланиб белгиланади. Норавшан бошқарув тизими светофорнинг ҳар бир босқичининг узунлигига жавоб беради. Светофорнинг ҳар бир босқичи учун битта ҳолат мавжуд. Транспорт мавжуд бўлмаган ҳолатлар учун стандарт киймат ҳам мавжуд. Икки йўлнинг ажратилган чорраҳаси учун норавшан мантиқий бошқарув тизимини ишлаб чиқиш керак: шимолий-жанубий, ғарбий-шарқий. Тизимда иккита кириш ўзгарувчиси мавжуд: келиш томонидаги трафик сони (Келиш) ва йиғиладиган навбат томондан келаётган трафик сони (Навбат) [7]. Айтайлик, шимолий-жанубий йўлда яшил ранг ёқилган бўлса, у ҳолда бу йўл келиш томони бўлади, ғарбий-шарқий йўл эса йиғиладиган навбатнинг томони бўлади ва аксинча.

Норавшан чиқиш ўзгарувчиси яшил чироқнинг давомийлигини ошириш вақти бўлади. Шундай қилиб, норавшан регулятор қоидаларини шакллантиришда, шу ҳолатдаги транспорт шароитлари асосида яшил чироқнинг давомийлигини ошириш ёки оширишмаслик тўғрисидаги қарор қабул қилинади. Агар ўсиш бўлмаса, светофор дарҳол ҳолатни ўзгартириб, қарама-қарши томонда ҳаракатланишга имкон беради.

Моделлаштириш учун биз Matlab норавшан мантик дастурий пакетида фойдаланамиз. Норавшан модель 1-расмда кўрсатилганидек иккита кириш ўзгарувчиси-дан иборат.




1-расм. Тавсия этилган норавшан модель


Светофор билан бошқариш учун кириш ва чиқиш ўзгарувчиларининг ҳар бири учун тўртта тегишлилик функцияси мавжуд. Қуйидаги жадвалда лингвистик ўзгарувчиларнинг атамалари ва уларнинг кискартмалари келтирилган.

Келиш		Навбат		Вақтни ошириш	
Деярли нолга тенг	P Z	Деярли нолга тенг	P Z	Нол	Z
Оз	S	Оз	S	Оз	S
Ўрта ча	M	Ўрта ча	M	Ўрта ча	M
Кўп	B	Кўп	B	Катта	L

Лингвистик ўзгарувчиларнинг тегишлилик функцияларининг график тасвири 2 ва 3-расмда кўрсатилган.




2-расм – “Келиш” киритиш ўзгарувчисининг тегишлилик функцияси графиги.



3-расм – “Навбат” киритиш ўзгарувчисининг тегишлилик функцияси графиги.


“Вактни ошириш” чиқиш ўзгарувчисининг тегишлик функциясининг графиги 4-расмда кўрсатилган [9].



4-расм. “Вактни ошириш” чиқиш ўзгарувчисининг тегишлилик функцияси графиги.


Турли вазиятларда ушбу норавшан тўпламларнинг тегишлилик функцияларининг кенглиги ва маркази турли вазиятлар ва ҳаракатлар шартларига мувофиқ ўзгартирилиши ва созланиши мумкин [8]. Бошқариш тизимининг норавшан мантиқидаги хулоса қилиш механизми инсоннинг фикрлаш жараёнига ўхшайди. Бу йерда норавшан мантиқ сунъий интеллект билан боғлиқ. Одамлар ўз ҳаракатларида билмаган ҳолда қоидалардан фойдаланадилар. Мисол учун, агар чорраҳада ҳаракат хавфсизлиги ходими томонидан тартибга солинса, у куйидаги фикрларга амал қилиши мумкин: АГАР шаҳарнинг шимолидан келадиган оқим КАТТА бўлса ва шарқдан келадиган оқим КИЧИК бўлса, шимолдан келадиган оқим УЗОҚ утиб турсин.

Норавшан мантиққа асосланган бошқарув тизимини ишлаб чиқишда 5-расмда кўрсатилган қоидалар қўлланилади:





5-расм. Норавшан қоидалар

Ушбу қоидалар чорраҳада ҳаракатланиш шароитларидан келиб чиққан ҳолда осон тузилади. Норавшан бошқарув тизими, чиқиш ўзгарувчисининг тегишлилик функцияси (бу ҳолда “Вактни ошириш”) норавшан кичик тўпламлар (бу ҳолда “Келиш” ва “Навбат”) шартларига асосланиб қоида бажарилганда ўрналади. Норавшан бошқарув тизими маҳсмин композицияси ёрдамида қоидаларнинг ҳар бир кичик хулосасининг ҳақиқат даражасини топади. Ҳар бир норавшан чиқиш ўзгарувчисининг аҳамиятлилик даражаси топилса, улар битта норавшан тўпламга бирлаштирилади. Шундан сўнг деффазификация босқичи келади, натижаси ҳақиқий сон пайдо бўлади. Симуляция натижалари 6-расмда кўрсатилган.



6-расм. Симуляция натижалари

Ақлли светофор тизими фақат чорраҳа самарадорлигини максимал даражада оширишга имкон беради. Чорраҳада транспорт оқимининг ҳар хил қийматларида оддий светофор ва ақлли светофорларда олинган натижалар 4-расмда келтирилган. Бу натижадан кўриниб турибдики, ақлли светофорларда “Келиш” ва “Навбат”лар оптимал таризда тақсимланган.



а) Оддий светофор б) Ақлли светофор
7-расм. Оддий ва ақлли светофорларда “Келиш” ва “Навбат” графиги

Хулоса килиб айтаганда, ақлли светофорлар ўзгарувчан тирбандлик ҳолатига мослашади. Транспортнинг келиши тўғрисидаги қирувчи маълумотларга асосланиб, дастур маълум бир вақтда транспортнинг қайси йўналишда кўпроқ ўтиши кераклигини ҳал қилади. Норавшан бошқарув тизими

транспортнинг кутиш вақти ва чорраҳанинг ҳар бир томонида пайдо бўладиган навбат узунлиги бўйича юқори ўтказувчанликни таъминлайди. Қисқа кутиш вақти нафақат ёқилги тежашга ҳисса қўшади, шуниндек атроф-муҳит ифлосланишини камайиши ҳисобига шаҳардаги экологик ҳолат анча яхшиланади.

Адабиётлар

1. [Капский Д.В.](#), [Навой Д.В.](#), [Пегин П.А.](#) Разработка модели транспортных потоков на улично-дорожной сети города <https://doi.org/10.21122/2227-1031-2019-18-1-47-54>
2. Распоряжение Федерального дорожного агентства от 27 февраля 2013г. №236-р «Об издании и применении ОДМ 218.6.003-2011 «Методические рекомендации по проектированию светофорных объектов на автомобильных дорогах»: [Электронный ресурс], режим доступа URL: <https://docs.cntd.ru/document/1200098292>
3. Макарова И.В., Хабабуллин Р.Г., Шубенкова К.А. Совершенствование управления транспортными потоками города с использованием имитационного моделирования // 4-я Всероссийская научно-практическая конференция по имитационному моделированию ИММОД 2009 / С.-П., 2009
4. Murat Y.S., A New Approach for Fuzzy Traffic Signal Controls. / Y.S.Murat, E.Gedizlioglu. – Turkey: Pamukkale University, 2011. [Электронный ресурс] Режим доступа: http://www.iasi.cnr.it/ewgt/13conference/31_murat.pdf
5. Пегат А., Нечеткое моделирование и управление: учеб. пособие / А.Пегат. - М.: «Бином», 2013. –С. 798.
6. Nellore K., A Survey on Urban Traffic Management System Using Wireless Sensor Networks / K. Nellore, G. P. Hancke. Pretoria: University of Pretoria, 2016. [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.mdpi.com/1424-8220/16/2/157/pdf>
7. Ge, Y. A Two-Stage Fuzzy Logic Control Method of Traffic Signal Based on Traffic Ungency Degree / Qingdao: Qingdao University of Science and Technology, 2014. [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.hindawi.com/journals/mse/2014/694185/>
8. Алтунин А.Е., Модели и алгоритмы принятия решений в нечетких условиях: учеб. пособие / А.Е. Алтунин, М.В. Семухин. — Т.: Издательство Тюменского гос. ун-та, 2009. –С. 352.

РЕЗЮМЕ

Шаҳар чорраҳаларида светофорни бошқариш йўл тармоғи самарадорлигини ошириш ва тирбандликни бартараф этишниги муҳим усули ҳисобланади. Ушбу мақола норавшан мантиқ технологиясига асосланган ақлли светофор бошқарувчисини лойиҳалаш ва амалга оширишга бағишланган.

РЕЗЮМЕ

Регулировка светофоров на городских перекрестках - важный метод повышения эффективности дорожной сети и уменьшения заторов на дорогах. В данной статье рассматривается разработка и реализация интеллектуального контроллера светофоров на основе технологии нечеткой логики.

SUMMARY

City intersection traffic signal control is an important method to improve the efficiency of road network and alleviate traffic congestion. This paper addresses the design and implementation of an intelligent traffic lights controller based on fuzzy logic technology.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ОПТИМАЛЬНЫХ ПАРАМЕТРОВ МАТЕРИАЛА СОЛНЕЧНОГО ЭЛЕМЕНТА С НАНО РАЗМЕРНЫМИ ГЕТЕРО ПЕРЕХОДАМИ ПО ЕГО СВЕТОВОЙ ВОЛЬТАМПЕРНОЙ ХАРАКТЕРИСТИКЕ

Э.З.Имамов – доктор физико-математических наук, профессор

Х.Н.Каримов – младший научный сотрудник

Ташкентский университет информационных технологий

Р.А.Муминов – доктор физико-математических наук, академик

Физико-технический институт, НПО «Физика-Солнце» АН РУз

М.А.Аскарров – докторант

Каракалпакский государственный университет имени Бердаха

Таянч сўзлар: эквивалент схемаси, фототок, турлантирғич, вольт ампер характеристикаси.

Ключевые слова: эквивалентная схема, световой ток, преобразователь, вольтамперная характеристика.

Key words: equivalent circuit, light current, converter, voltage characteristic.

Введение. В работе проводится оптимизация параметров материала солнечного элемента с нано размерными гетеро переходами (СЭ с НРП) по световой вольтамперной характеристике (СВАХ). Особенностью исследований является то, что нано размерные гетеро переходы созданы на поверхности подложки из технического кремния. Обычно, для преобразования солнечного излучения в электричество эта модификация кремния практически не используется. Однако, в наших предыдущих работах [1-4]

- подробно обоснован выбор технического кремния (после дополнительного нано технологического воздействия) в качестве подложки солнечного элемента,

- рассмотрена технология создания на его поверхности гетеро контактных структур,

- определены требования, предъявляемые к контактирующим материалам,

- оценены условия, при которых эффективность солнечного элемента с нано размерными гетеро переходами, будет соизмерим с эффективностью традиционных солнечных элементов на основе кристаллической модификации кремния.

ческой модификации кремния.

Солнечный элемент с нано размерными гетеро переходами создается в соответствии с физическим явлением самоорганизации [5,6], которое сопровождается естественным ростом на поверхности полупроводника «островков» нано включений с последующим формированием на их основе нано гетеро эпитаксиальных систем. В работе [7] показано, что халкогениды свинца по кристаллической структуре близки к монокристаллам кремния и способны на поверхности солнечного элемента, на основе явления самоорганизации создавать нано размерные гетеро контактные системы. Исследование структуры реального однородного технического кремния [8] показало наличие в нем таких кристаллических участков в малых пропорциях (в пределах одного процента и даже меньше).

Анализ оптических свойств солнечного элемента со многими нано размерными гетеро переходами. Как показано в работе [9] световая вольтамперная характеристика одиночного нано размерного гетеро перехода, степень кристалличности р- и n- областей которого

близки друг другу, можно рассматривать в модели идеального диода (как это принята в работах [10-12]) обычно с самостоятельным «генератором» G светового тока I_L (см. рис.1).




Рис.1. Эквивалентная схема одного солнечного элемента с нано размерным гетеро переходом.

При исследовании оптических свойств солнечного элемента с многими нано размерными гетеро переходами (на квадратном сантиметре до нескольких сотен миллионов) его будем рассматривать в виде электрической цепи из n параллельно соединенных друг с другом одиночных и однородных контактных структур (см. рис.2) [13,14].




Рис.2. Эквивалентная схема солнечного элемента со многими нано размерными гетеро переходами.

В этой электрической цепи солнечного элемента со многими нано размерными гетеро переходами ток I через внешнюю нагрузку R формируется за счет самостоятельного источника электродвижущей силы \mathcal{E} (или функции генератора G светового тока I_L) из независимых и идентичных микро токов каждого из них I_s . Поэтому этот ток можно представить в виде алгебраической суммы n независимых микро токов I_s ($I_d = I_{oo} \cdot (e^{\alpha U_p} - 1)$ - диодный ток):

$$I = n \cdot I_s = n \cdot \left(I_L - I_d - \frac{U_p}{R_p} \right).$$

Наличие в формуле очень больших и трудно определяемых параметров n и R_p (R_p - внутреннего параллельного сопротивления диода), осложняет исследование вольтамперной характеристики солнечного элемента с нано размерными гетеро переходами. Это осложнение, однако, устраняется заменой их на два легко экспериментально измеряемых максимальных величин световой вольтамперной характеристики: I_{sc} - тока короткого замыкания солнечного элемента ($I_{sc} = n \cdot I_L$) и U^* - величины его напряжения холостого хода.

В итоге для вольтамперной характеристики солнечного элемента с нано размерными гетеро переходами получим соотношение:

$$I = I_{sc} \cdot \left[1 - \frac{U_p}{U^*} + \frac{I_d^*}{I_L} \cdot \left(\frac{U_p}{U^*} - \frac{I_d}{I_d^*} \right) \right].$$

Соответственно, P - мощность солнечного элемента с n независимыми одиночными нано размерными гетеро контактными структурами определяется произведением текущего тока $I = n \cdot I_s$ на текущее напряжение U_p , то есть $P = I \cdot U_p = n \cdot I_s \cdot U_p$.

Введя ряд удобных коэффициентов:

$$\gamma = \frac{I_{oo}}{I_L} \quad \alpha = \frac{e}{A \cdot k \cdot T} \quad \Omega = \frac{1 + \gamma}{\gamma} \quad a = \frac{e^{\tau} - \Omega}{\Omega} > 0$$

$$\tau = \alpha \cdot U^* \quad e^{\alpha \cdot U^*} = e^{\tau} \quad e^{\alpha \cdot U_p} = e^{\tau y} \quad \frac{I_L}{I_s} = \frac{I_{sc}}{I_{sc}} = 1$$

$$f = \frac{I}{I_{sc}} \quad y = \frac{U_p}{U^*} \quad \Psi = \frac{P}{U^* \cdot I_{sc}} = \frac{U_p \cdot I_s}{U^* \cdot I_{sc}} = y \cdot f$$

а также поделив текущие U_p , и I на соответствующие граничные величины U^* и I_{sc} , полученные соотношения удобно представить в нормированном и безразмерном виде:

$$f = \frac{\Omega \cdot (1 + ay) - e^{y\tau}}{\Omega - 1} \quad \text{- СВАЗ} \quad (1)$$

$$\Psi = \frac{P}{U^* \cdot I_{sc}} = y \cdot f = \frac{y}{\Omega - 1} \cdot [\Omega \cdot (1 + ay) - e^{y\tau}] \quad \text{- мощность СЭ с НРГП} \quad (2)$$

Параметры максимума мощности солнечного элемента. Главными показателями эффективности солнечного элемента являются параметры максимума мощности: I_m , P_m и U_m (или в безразмерном и нормированном виде Ψ_m , f_m и y_m). Найдя напряжение этого максимума y_m , по формулам (1) и (2) находится f_m и Ψ_m . Положение максимума определяется из условия равенства нулю $\frac{dP}{dU_p}$ - первой производной от мощности солнечного элемента по напряжению U_p (или в безразмерной форме $\frac{d\Psi}{dy}$).

Оно однозначно определяет y_m :

$$e^{y_m \tau} = \frac{\Omega (1 + 2 \cdot y_m \cdot a)}{1 + \tau \cdot y_m}. \quad (3)$$

Решив его, определяется y_m , а затем f_m и Ψ_m (или U_m , I_m и P_m). В безразмерном виде результат имеет вид:

$$\Psi_m = f_m \cdot y_m \quad y_m \quad f_m = \frac{y_m \cdot \Omega \cdot \tau + a (\tau \cdot y_m - 1)}{\Omega - 1 + \tau \cdot y_m}. \quad (4)$$

Мощность солнечного элемента, поделенная на $I_{sc} \cdot U^*$, определяет его КПД - коэффициент полезного действия $\eta = \frac{P}{I_{sc} \cdot U^*}$, который в безразмерной фор-

ме совпадает по определению с нормированной мощностью и имеет вид:

$$\eta = y \cdot f = \frac{P}{I_{sc} \cdot U^*} = \frac{y}{\Omega - 1} \cdot [\Omega \cdot (1 + ay) - e^{\tau y}]. \quad (5)$$

В точке максимальной мощности коэффициент полезного действия в безразмерной форме равен:

$$\eta_m = \frac{y_m^2 \cdot \Omega}{\Omega - 1} \cdot \frac{\tau + a(\tau \cdot y_m - 1)}{1 + \tau \cdot y_m}. \quad (6)$$

Физический смысл введенных приближений. При выводе (1) и (2) приняты ряд физически обоснованных модельных требований:

- Ток через внешнюю нагрузку формируется во многих параллельно соединенных, независимых и одиночных контактных структурах.

- Ток определен просто как алгебраическая сумма идентичных микро токов от каждой ячейки эквивалентной схемы.

- Экспериментально измеряемые параметры вольт-амперной характеристики (ток короткого замыкания, напряжение холостого хода) считаются известными и вводятся как расчетные параметры.

- Ток через внешнюю нагрузку во всем диапазоне изменения напряжений считается положительным.

- Мощность всей электрической цепи солнечного элемента с нано размерными гетеро переходами при граничных параметрах ($y = 0$ и $y = 1$) равна нулю. С ростом y (напряжения) увеличивается от нуля до некоторого максимума Ψ_m (при некотором токе f_m и напряжении y_m). Затем она быстро уменьшается до нуля при $y = 1$ (или $U_p = U^*$).

Анализ полученных результатов. Анализ полученных результатов показывает, что величина максимальной мощности коэффициент полезного действия существенно определяется параметрами солнечного элемента с нано размерными гетеро переходами: Ω , τ и соотношением между ними.

Из трансцендентного уравнения (3) следует, что левая растущая экспоненциальная часть $e^{y_m \tau}$ равняется правой, асимптотически уменьшающейся относительно y_m части: $\frac{\Omega(1 + 2y_m a)}{1 + \tau y_m}$. Но из (1) следует, что во

всем интервале изменения напряжения от 0 до U^* ($y \leq 1$), величина нормированного тока f должна быть положительной. А это возможно при условии $e^{\tau y} > \Omega$, которое гарантированно выполняется вблизи границы $y \leq 1$. Отметим, что $e^{\tau y}$ и Ω сами по себе большие, но достаточно близкие друг другу числа.

Поскольку $\Omega > 1$ и $a = \frac{e^\tau}{\Omega} - 1$, то убывание правой части (3) возможно при $\frac{1 + 2y_m a}{1 + \tau y_m} < 1$. Сочетание всех

этих условий: $e^{\tau y} > \Omega$, $\Omega > 1$, $\frac{1 + 2y_m a}{1 + \tau y_m} < 1$ и

$2a < \tau$, позволяет получить соотношение связывающее Ω , τ и y в обобщенном виде:

$$e^{\tau y} > \Omega > \frac{2e^\tau}{2 + \tau}. \quad (7)$$

Из этого неравенства следует, что наибольшая эффективность солнечного элемента с нано размерными гетеро переходами проявляется, когда

$$\Omega = \frac{I_L}{I_{oo}} + 1 \geq \frac{2 \cdot e^{\frac{e \cdot U^*}{A \cdot k \cdot T}}}{2 + \frac{e \cdot U^*}{A \cdot k \cdot T}} = \frac{2 \cdot e^\tau}{2 + \tau}. \quad (8)$$

Из условия $\Omega \geq \frac{2e^\tau}{2 + \tau}$ следует, что величина макси-

мального напряжения U_m должна быть близка к граничному напряжению U^* , то есть $U_m \leq U^*$.

Именно при одновременном выполнении неравенств (7) и $U_m \leq U^*$ возможно достижение максимальное значение η_m - показателя эффективности солнечного элемента с нано размерными гетеропереходами.

Перечислим ряд комбинаций чисел $\Omega = 1 + \frac{I_L}{I_{oo}}$ и

$e^\tau = e^{\frac{e \cdot U^*}{A \cdot k \cdot T}}$, подстановка которых в (6) дадут высокую эффективность солнечного элемента с нано размерными гетеро переходами. При этом для определения высокой эффективности необходимо чтобы e^τ и Ω были практически близки друг другу по величине, несмотря на условие $e^\tau > \Omega$.

$\Omega = 8$ и $e^\tau = 10$; $\Omega = 21$ и $e^\tau = 24$; $\Omega = 51$ и $e^\tau = 56$; $\Omega = 101$ и $e^\tau = 111$; $\Omega = 201$ и $e^\tau = 203$

Заключения. Определены оптимальные соотношения параметров солнечного элемента с нано размерными гетеро переходами обеспечивающие максимальной мощности коэффициент полезного действия. Из полученных соотношений следует, что солнечный элемент с нано размерными гетеро переходами можно построить таким образом, что его эффективность будет иметь всегда требуемый высокий уровень. Показано, что такая управляемая ситуация возможна применительно к солнечному элементу с нано размерными р-п переходами, созданные в силу явления самоорганизации на подложке из технического кремния. Подобные солнечные элементы могут способствовать повышению эффективности гелиоэнергетики, формированию высоко эффективных, дешевых фото преобразователей.

Благодарности. Авторы благодарны академику Р.А.Захидову и профессорам М.Н.Турсунову, К.А.Исмайлову за стимулирующее обсуждение полученных результатов.

Работа выполнена в рамках двух проектов Программы фундаментальных исследований: ФА-Ф3-004 «Изучение фундаментальных новых физических моделей, механизмов, способов» и № БВ-Ф3-005 «Теоретические исследования параметров солнечного элемента и влияния нано технологической обработки его поверхности на повышение эффективности гелиоэнергетики».

Литература

1. Джалалов Т.А., Имамов Э.З, Муминов Р.А., Рахимов Р.Х. // Computational nanotechnology. Выпуск №1, -С. 155-167, 2018.
2. Имамов Э.З., Муминов Р.А., Джалалов Т.А., Каримов Х.Н., Эргашев Г. //Узбекский физический журнал. №3. -С. 173 -179, 2019.
3. Имамов Э.З., Муминов Р.А. Джалалов Т.А. Каримов Х.Н. //«Физика полупроводников и микроэлектроника». №4 -С.14-21. 2019.
4. Imamov E.Z., Muminov R.A., Rakhimov R.Kh. //Scientific-technical journal (STJ FerPI, 2020, T.24, №5) –P. 31-36, 2020.
5. Haken H. // Synergetics // Springer. -Berlin-Heidelberg: 1997.
6. Леденцов Н.Н., Устинов В.М., Щукин В.А. и др. Гетеро структуры с квантовыми точками: получение, свойства, лазеры. ФТП.1998. Т. 32. №4. -С.385-410.
7. Stancu V., Pentia E., Goldenblum A., Buda M., Iordache G., Botila T. Romanian journal of information science and technology. Vol.10, №1, - P. 53–66, 2007.
8. Раскин А.А., Прокофьева В.К. Технология материалов микро, опто и нано электроники, в двух томах БИНОМ, Лаборатория знаний. –Москва: 2010.
13. Weinstock B.M. Continuous boundary values of analytic functions of several complex variables// Proc. Amer. Math. Soc. - 1969. - V. 21, 2. -P. 463-466.
14. Kytmanov A.M., Dzhumabaev D.Kh., Utemuratov B.P., Prenov B.B. Jump theorems for the Bochner-Martinelli integral in domains with a piecewise smooth boundary // Bulletin of National University of Uzbekistan: Mathematics and Natural Sciences. 2020. Volume 3. -P. 1-19.
15. Кытманов А.М. Мысливец С.Г. Сингулярный интегральный оператор Бохнера-Мартинелли на гиперповерхностях с особыми точками // Вестник НГУ. Сер. математика, механика, информатика, 7(2007), вып. 2, -С. 17-32.
16. Джумабаев Д.Х. Голоморфное продолжение функций с замкнутых гиперповерхностей с сингулярными ребрами. // Известия вузов. Математика. -Казань: 2012. №1. -С. 12-21.
17. Джумабаев Д.Х. Граничное поведение интеграла Бохнера-Мартинелли для ограниченных областей с сингулярными ребрами. // ДАН РУз. 2012. №3, -С. 12-15.

РЕЗЮМЕ

Гартогс-Бохнер теоремасининг аналогиси исботланган. Бўлак-бўлак силлиқ чегаралари бўлган соҳаларда узлуксиз функциялар учун Бочнер-Мартинелли интеграллари билан ифодаланган функцияларнинг голоморфияси бўйича теоремалар олинади.

РЕЗЮМЕ

Доказан аналог теоремы Гартогса-Бохнера. Получены теоремы о голоморфности функций, представимых интегралом Бохнера-Мартинелли для непрерывных функций в областях с кусочно-гладкой границей.

SUMMARY

An analogue of the Hartogs-Bochner theorem is proved. Theorems on the holomorphism of functions represented by the Bochner-Martinelli integral are obtained for continuous functions in areas with fragmentary smooth boundaries.

Фойдаланувчини Идентификациядаш ва Аутентификациядаш Жараёнларини Такимилаштиришда Блокчейн Технологиясининг Қўлланилиши

Қ.Б.Рахимбердиев – таянч докторант

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: идентификация, аутентификация, блокчейн, блок, биометрик маълумот, криптография, шифрлаш, дешифрлаш.

Ключевые слова: идентификация, аутентификация, блокчейн, блок, биометрические данные, криптография, шифрование, дешифрование.

Key words: identification, authentication, blockchain, block, biometric data, cryptography, encryption, decryption.

Ҳозирги кунда ахборот технологияси жамиятимизнинг турли жабҳаларига жадал кириб бориши мамлакатимизда индустриал жараёнларнинг ривожланишига сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу ҳолат сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий соҳаларини янада ривожлантиришда ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, иқтисодиётнинг кўпчилик тармоқларини рақамлаштириш муаммоси билан боғлиқ. Шу ўринда рақамли иқтисодиёт, рақамли тиббиёт, ақлли уйлар каби мисолларни келтириш мумкин. Иқтисодиёт соҳаларини рақамлаштириш жамият ривожланишининг юқори чўққиларига эришиш

ва мамлакатимизни барча соҳалар бўйича ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашига имконият яратади. Лекин, ахборот коммуникация воситаларининг кенг кўламдаги жорий қилиниши алоқа тармоқларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосини келтириб чиқаради. Жумладан, компьютер тизимларида ахборот ресурсларига ва фойдаланувчи маълумоларига рухсатсиз кириш хавфи унинг натижасига нисбатан хавфлироқ бўлиб ҳисобланади. Сабаби, компьютер тармоқларида битта эмас балки миллионлаб фойдаланувчиларнинг ахборотлари сақланади [1].


Рухсат этилмаган киришларда ёвуз ниятли фойдаланувчи одатда қуйидагилардан фойдаланади:

- Компьютер тизими ва унинг ишлаш принциpidан;
- Ахборотларни химоялаш тизимлари ва алгоритмлари хақидаги билим ва кўникмалардан;
- Техник ва дастурий воситаларни бузиш ва уларнинг ишлаш принципи бузилишидан.

Ахборотларни рухсат этилмаган киришлардан химоялаш учун тармоқдаги фойдаланувчи абонентлар томонидан белгиланган қоида ва киришга рухсат турлари бўйича тизимнинг ахборот ресурсларига ихтиёрий талабларни назорат қилувчи чегаралаш тизимлари қўлланилмоқда. Албатта, бу жараён ҳар бир компьютер тизимларида субъект (фойдаланувчи ёки фойдаланувчи номидан амалга ошириладиган қандайдир жараён) ни идентификациялайдиган ахборотларга боғлиқ бўлади. Бу шу субъектни аниқлаш сөн ёки символлар қатори бўлиши мумкин. Бундай маълумот субъектнинг идентификатори деб аталади. Компьютер тизимларида рўйхатга олинган идентификаторга эга фойдаланувчилар тизимга киришга ҳуқуқли деб, қолганлари эса ҳуқуқсиз деб саналади [2].


Компьютер тизимлари ресурсларидан фойдаланишга рухсат олиш учун фойдаланувчи дастлаб компьютер тизими билан ўзаро муносабат ўрнатувчи бошланғич жараёндан ўтиши лозим. Бу жараён икки босқичда - идентификациялаш ва аутентификациялаш орқали амалга оширилади.

Ҳозирги замонавий технологиялар асосидаги тизимларда идентификациялаш ва аутентификациялаш алгоритмларидан фойдаланган ҳолда тармоқ хавфсизлиги таъминланмоқда. Лекин, кўпчилик соҳаларда тармоқ операцияларига аралашувлар ва абонентлар ўртасидаги воситачиларнинг кўпайганлиги, тизимлардан фойдаланишда тўғридан – тўғри ташкилот билан эмас, балки воситачилар орқали амалларни бажариш бир қанча ишончсизлик ва хавфсизлик муаммоларини келтириб чиқармоқда (1-расм).



1-расм. Компьютер тармоқларида фойдаланувчи ва воситачилар муносабатлари.

Юқорида таъкидланган муаммоларни ҳал қилишда блокчейн технологиясини қўллаш анча самарали натижаларга олиб келади. Блокчейн технологияси хар хил турдаги активлар, шартномалар, ихтиёрий турдаги маълумотлар ва тизимдаги фойдаланувчи маълумотларини ўз блокларида сақловчи кўп функционалли ва кенг қамровли ахборот технологияси бўлиб ҳисобланади. Компьютер тизимларида блокчейн технологиясидан фойдаланган ҳолда очик алоқа тармоқларида ахборотлар устида амаллар бажаришда асосан HTTP, SMTP, FTP ва TCP/IP протоколларидан фойдаланилади. Чунки, бу протоколлардан фойдаланган ҳолда тармоқ орқали блоklar яратиш ва мавжуд блоklarга ахборотларни жойлаштириш мумкин. Блокчейн технологиясининг ишлаш принципи 2-расмда келтирилган [3].




2-расм. Блокчейн технологиясининг ишлаш принципи

2-расмдан кўриниб турибдики, блокчейн технологияси тармоқда асосий бажарилувчи алгоритм бўлиб ҳисобланади. 1. Шакллантирилган блок 2. Сўров реег - то - реег компьютерлар тармоғи ёки тугунларга узатилади 3.Транзакциялар компьютер тармоғида алгоритмлар ёрдамида тасдиқланади 4. Текшириш жараёни якунлангач, транзакциялар бошқалари билан бирлаштирилгач янги блокка жойлаштирилади. 5. Янги блок ўзгартирилмаган ҳолда блоklar занжирига қўшилади. 6. Транзакция жараёни тугатилади.

Юқорида келтирилган алгоритм асосида масофавий шартномалар, битимлар, блоklar, коинлар, каш электрон пуллар, махсус механизми консенсус, давлат органлари механизми хавфсиз маълумотлар базаларини яратиш ва ундан фойдаланиш мумкин. Келтирилган маълумотларнинг ҳар бири битта блокда сақланади ва бу блок ташкилот ёки қандайдир шахсга тегишли бўлади. Шакллантирилган блоklar биргаликда блоklar занжирини ҳосил қилади. Албатта, ҳозирги кунда бу технология кундан кунга оммалашиб бормоқда. Сабаби, блокчейн технологиясига асосланган блоklar занжирини тузиш, яъни хавфсиз маълумотлар базасини шакллантириш давлат органлари ва молиявий ташкилотларда, хусусан, банк ташкилотларида фойдаланувчи (мижоз) идентификацияси ва аутентификацияси янада такомиллаштирилиши мижозларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш, уларнинг молиявий маълумотларининг конфеденциаллигини таъминлашда катта имконият яратади [5]. Бу масалаларни амалга оширишда блокчейн технологиясига асосланган фойдаланувчиларни идентификациялаш ва аутентификациялашнинг математик моделини тузиш лозим бўлади.

Фойдаланувчиларнинг умумий физиологик, яъни биометрик, психологик (ҳатти ҳаракатлар) ва биологик маълумотлари асосида идентификациялаш ва аутентификациялаш масаласини тадқиқ қилиш талаб этилсин. Бунинг учун дастлаб фойдаланувчининг юқоридаги маълумотлари ҳақида қуйидаги схемани ўрганиш мақсадга мувофиқ (3-расм).



3-расм. Фойдаланувчиларнинг умумий физиологик, такрорланмайдиган маълумотларини қисқача таснифи.

Фойдаланувчининг умумий биометрик хусусиятларига юз тузилиши, бармоқ излари, кўз тўр пардаси ўлчамлари, товуш тўлқинлари киради. Биологик

хусусиятларини эса қон босими, юрак уриш частотаси, қон томирлари, ДНК маълумотлари ташкил қилади. Психологик маълумотлар сифатида фойдаланувчи хатти-ҳаракатлари - клавиатурани босиш тезлиги, ҳаракатланишдаги такрорланмас психологик ўзгаришлар қабул қилиниши мумкин. Бунда асосан идентификациялаш қалити сифатида фойдаланувчиларнинг юқоридаги маълумотлари олинади. Биометрик маълумотлар асосида идентификациялашда бир қанча муаммоли вазиятлар ҳам келиб чиқиши мумкин. Масалан, фойдаланувчи тизимдан идентификациялашдан ўтишда бармоқ изларидан фойдаланган бўлсин. Кейинчалик, бармоқ излари ёрдамида аутентификациялаш жараёнида шахс бармоқ изи орқали тизимга кира олмаслиги мумкин. Фойдаланувчиларнинг бармоқ изларига шикаст етиши, масалан, ишқаланишлар сабабли бармоқ излари ўз хусусиятини ўзгартириши мумкин. Шу боис, бу каби муаммоларни қўп ҳолларда учратиш мумкин. Бундай ҳолларда динамик идентификациялаш ва хавфларни бошқаришнинг аутентификациялаш моделидан фойдаланиш етарли. Блокчейн технологияси асосида фойдаланувчини идентификациялаш-аутентификациялашнинг математик модели қуйидагича бўлади.

Математик модел. Фараз қилайлик, бизга фойдаланувчининг n та биометрик ва хатти-ҳаракатлари сони берилган бўлсин. У ҳолда, фойдаланувчининг юқоридаги барча физиологик маълумотлари вектори T_i билан белгиланади. T_i вектори мос ҳолда қуйидагича бўлади

$$T_i = (T_1, T_2, T_3, \dots, T_n). \quad (1)$$

Q_j – маълумотлар йиғиндиси қуйидагича ҳисобланади:

$$Q_j = T_1 + T_2 + T_3 + \dots + T_n. \quad (2)$$

Бу тенгликни каноник кўринишда қуйидагича ёзиш мумкин:

$$Q_j = \sum_{i=1}^n T_i. \quad (3)$$

Фойдаланувчининг физиологик маълумотлари қанчалик қўп бўлса, аутентификациялаш жараёни шунчалик ишончли бўлади. Мисол учун, ёвуз ниятли абонент ёки шахслар сизнинг бармоқ изингиздан фойдаланган ҳолда тизимга кира олишмайди. Чунки, бу шахсларда сизнинг блоклардаги бошқа хусусият маълумотларингиз мавжуд эмас. Албатта, тизимга кириш учун айнан сизнинг ўзингиз бўлишингиз лозим бўлади. Хусусиятлар параметрларининг кўплиги блоклардаги маълумотлар ишончилигини юқори

даражада таъминлайди. Бунда тизим ишончилиги ўртача баллар билан аниқланади. Ушбу идентификациялашнинг ўртача бали қуйидагича ҳисобланади.

$$K_i = \frac{C_{11}T_1 + C_{12}T_2 + C_{13}T_3 + \dots + C_{in}T_n}{T_1 + T_2 + T_3 + \dots + T_n}. \quad (4)$$

Бу ерда C_{ij} – ҳар бир i фойдаланувчининг j ўлчовдаги аутентификация балларини аниқлатади. (4) тенгликни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$P_i = C_{11}T_1 + C_{12}T_2 + C_{13}T_3 + C_{in}T_n \quad (5)$$

(5) тенгликни қуйидаги кўринишда ифодалаш кулай

$$P_i = \sum_{j=1}^n C_{ij}T_j. \quad (6)$$

Юқоридаги белгилашларга асосан (4) тенгликни қуйидаги содда кўринишга келтириш мумкин:

$$K_i = \frac{P_i}{Q_i}. \quad (7)$$

Бу ерда K_i – ҳар бир i фойдаланувчи аутентификациясининг ўртача баллари, T_i – ҳар бир i фойдаланувчи физиологик хусусиятлари (биометрик, биологик, психологик хоссалари) параметрлари.

Математик моделдан кўриш мумкинки, ҳар бир кадамда фойдаланувчиларнинг K_i ўртача баллари ҳисобланади. Ҳисоблаш жараёнлари бажарилгандан сўнг фойдаланувчининг ҳар бир ўлчови бўйича идентификаторини тасдиқлаш баллари C_{ij} ва якуний ҳисобга олиш идентификатори ўртача бали ҳешланади. Ҳеш қийматлари блокчейн занжирларидаги блокларда сақланади. Фойдаланувчиларни идентификациялашда жорий идентификация ўртача бали энг паст балл билан солиштиради. Агар фойдаланувчи ўртача бали блокдаги энг паст қийматдан юқори бўлса, аутентификациялаш амалга оширилади, акс ҳолда аутентификациялаш амалга оширилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, идентификациялаш ва аутентификациялаш масалаларини ҳал қилишда, фойдаланувчининг биометрик ва бошқа турдаги махфий маълумотларини сақлашда блокчейн технологиясини қўллаш самарали натижаларга олиб келади. Бу натижалар асосида банк, кредит масалаларини автоматлаштиришда шахсни тасдиқлаш масалаларида юқоридаги блокчейн технологиясига асосланган идентификациялаш – аутентификация-лашнинг математик моделидан фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар

1. «Elektron hukumat tizimi doirasida axborot kommunikatsiya texnologiyalari sohasidagi loyihalarni ishlab chiqish va amalga oshirish sifatini yaxshilash chora tadbirlari to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ– 4328, qarori. 21may, 2019.
2. Grassi P., Garcia M., & Fenton J. (2017). Digital identity guidelines (No. NIST Special Publication (SP) 800-63-3 (Draft)). National Institute of Standards and Technology.
3. Malik N., Nanda P., Arora A., He X., & Puthal D. (2018, August). Blockchain based secured identity authentication and expeditious revocation framework for vehicular networks. In 2018 17th IEEE International Conference On Trust, Security And Privacy In Computing And Communications/12th IEEE International Conference On Big Data Science And Engineering (TrustCom/BigDataSE) (pp. 674-679). IEEE.
4. Sutherland, A. (2018). Does credit reporting lead to a decline in relationship lending? Evidence from information sharing technology. *Journal of Accounting and Economics*, 66(1), 123-141.
5. Akins, B. (2017). Financial reporting quality and uncertainty about credit risk among ratings agencies. *The Accounting Review*, 93(4), 1-22.
6. Zhu, X., & Fan, T. (2019, April). Research on Application of Blockchain and Identity-Based Cryptography. In IOP Conference Series: Earth and Environmental Science (Vol. 252, No. 4, p. 042095). IOP Publishing.
7. Kim, J., Kim, H., & Kang, P. (2018). Keystroke dynamics-based user authentication using freely typed text based on user-adaptive feature extraction and novelty detection. *Applied Soft Computing*, 62, 1077-1087.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада фойдаланувчини идентификациялаш ва аутентификациялаш масалаларини ҳал қилиш ғоялари, идентификациялаш ва аутентификациялаш жараёнларида блокчейн технологиясининг қўлланилиши, блокчейн технологиясини қўллашнинг асосий моҳияти, идентификация ва аутентификациялашда фойдаланувчи биометрик маълумотларидан фойдаланишнинг самарадорлиги, асосий биометрик маълумотларни блокларда сақлашнинг математик модели келтирилган.

В данной статье представлены идеи решения проблем идентификации и аутентификации пользователей, использование технологии блокчейн в процессах идентификации и аутентификации, суть использования технологии блокчейн, эффективность использования биометрических данных пользователя при идентификации и аутентификации, математическая модель хранения базовых биометрических данных. данные в блоках.

This article presents ideas for solving user identification and authentication issues, the use of blockchain technology in identification and authentication processes, the essence of using blockchain technology, the effectiveness of using user biometric data in identification and authentication, mathematical model of storing basic biometric data in blocks.

УДК 53:001.890

ЯРИМЎТКАЗГИЧЛИ КУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ ФИЗИКА ТАЪЛИМИГА ЖОРИЙ ЭТИШ

А.А.Сатторов – катта ўқитувчи

Тошкент давлат техника университети

Таянч сўзлар: ноанъанавий энергия манбалари, куёш энергияси, физика таълими, фотоэффект, куёш электростанциялари, инвертор.

Ключевые слова: нетрадиционный источник энергии, солнечная энергия, обучение физики образование, фотоэффект, солнечные электростанции, инвертор.

Key words: unconventional energy source, solar energy, teaching physics, photoelectric effect, solar power plants, inverter.

Сўнгги йилларда бутун дунёда мавжуд энергия ресурсларнинг камайиб бораётганлиги яққол сезилиб қолди. Бунга асосий сабаб, ер шароитида мавжуд энергия манбалари хомашё захираларининг тугаб бораётганлиги, ҳамда инсониятнинг энергия манбаларига бўлган эҳтиёжининг ортишидир. Шундай экан, бугун соҳа мутахассислари олдида иктисодиётни барқарор ривожлантириш билан бирга, глобал экологик офатларнинг олдини олиш, иқлим ўзгариши ва атмосфера ҳавоси исиб кетишини камайтириш ҳамда мамлакатнинг энергия хавфсизлигини таъминлаш каби глобал муаммолар ечими кутиб турибди [1].

Ҳозирги кунда дунё олимлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларини такомиллаштириш ҳамда улардан барча соҳаларда кенг фойдаланиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Энергия тежамкорлиги масалаларини ечиш ва айниқса, аҳолини барқарор, узлуксиз энергия билан таъминлашда қайта тикланувчан энергия манбалари, хусусан, куёш энергиясидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти жуда катта. Шунинг учун ҳозирданок бу долзарб масала, яъни келажак энергияси ҳисобланган куёш энергиясидан фойдаланишнинг муаммо ва ечимларини ўрганиб бориш давр талаби ҳисобланади [2,3].

Аммо сўнгги йилларда энергия манбалари ва уларнинг замонавий асослари тўғрисидаги билим ва кўникмаларни узлуксиз таълим жараёнида шакллантиришда баъзи бир камчиликлар кўзга ташланиб қолмоқда. Мисол тариқасида лицей ва ўрта таълим мактаблари физика таълими ўқув дастури, ўқув адабиётларида энергия ҳосил қилиш ва ундан фойдаланишнинг анъанавий усуллари, уларнинг физик қонуниятлари, фойдаланиш имкониятлари, умуман олганда фундаментал ва амалий асосларига доир маълумотлар мавжуд. Бироқ ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари, яъни куёш энергияси ва ундан фойдаланиш ҳақида фундаментал ва амалий асосларига доир етарлича билимлар, замонавий фан ва техника янгиликларига доир маълумотлар келтирилмаган.

Шу нуқтаи назардан, мақолада академик лицей ва умумтаълим мактаблари физика таълимида ноанъанавий энергия манбалари бўлган куёш энергиясига оид элементар ва асосий тушунчалрни шакллантиришга доир баъзи методик тавсиялар ҳавола этилади [4,5].

Физика таълимида куёш элементи уларнинг турлари, замонавий конструкциялари, ишлаш принципи ва тузилишлари ҳамда улардан кенг соҳада самарали фойдаланиш имкониятлари тўғрисидаги билим ва кўникмаларни нисбатан содароқ ва тушунарли тарзда

баён этиш, шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бундай тушунчаларни шакллантиришда кўргазмани воситалар, иш ҳолатидаги макетлардан фойдаланиш дарс самарадорлиги ва ҳам ўқувчиларнинг бу соҳага кизиқишининг янада ортишига олиб келади.


Энди ноанъанавий энергия манбаларидан самарадорлиги нисбатан анча юқори бўлган куёш энергия манбаси тўғрисида қисқача маълумотлар келтирамиз [6,7].

Куёш энергетикаси дейилганда куёш оптик нурланиш энергиясини электр энергиясига айлантириш соҳаси тушунилади. Куёш нурланиши қандай қилиб электр энергиясига айлантирилади? Бунда асосан куёш элементи ёки куёш батареяларидан фойдаланилади. Куёш элементлари яримўтказгичли материаллар асосида ҳосил қилинади. Масалан: Si (кремний), Ge (германий), GaAs (галий арсениди), CdTe (кадмий теллур) ва бошқалар. Куёш элементи ёруғлик нурларни ютиб, уни электр энергияга айлантириб беради. Ёруғлик нури (фотон) куёш элементи юза соҳасида ютилгандан сўнг, элемент ичида ҳосил қилинган потенциал тўсиқда (p-n ўтиш соҳасида) ички фотоэффект қонуни асосида иккига ажралади. Бунда элемент ичида бир томонга электронлар ва иккинчи томонга коваклар ҳаракати вужудга келади, натижада фотоэлектрик электр юритувчи куч пайдо бўлади. Бу эса электр токини ҳосил бўлганлигини билдиради. Элемент юза ва орқа томонларида ҳосил қилинган контактларида ток оқа бошлайди. Бу жарайён 1-расмда ифодалаб берилган.



1-расм. Куёш элементининг ишлаш тамойили
Маълумки, 1м² юзага (ер шароитида) куёшдан ўртача 1370Ж энергия тушиши аниқланган. Бундан кўринадики, куёш энергияси энергетик жиҳатдан

самарали, экологик жихатдан тоза энергия манбаси хисобланади. Шунингдек, куёш элементларидан турли кувватли куёш электростанцияларини барпо этиш мумкин.



2-расм. Яримўтказгичли куёш элементидан ташкил топган куёш электростанциясининг схематик кўриниши.

Куёш электростанцияси деганда, куёш элементи (панели) дан бошлаб то исстеъмолчигача бўлган умумий ҳолат тушунилади. Куёшдан электр энергия олишни хамамиз эшитганмиз ва биламиз, лекин ундан қайси турдаги электр манбаи ҳосил бўлади ва уни қандай қилиб биз исстеъмолчилар фойдаланишимиз мумкинлиги ҳақида кўпчилигимиз тасаввурга эга эмасмиз. Куёш энергиясини электр энергияга айлантиришнинг технологияси 3-расмда келтирилган бўлиб, унинг ишлаш принципи қуйидагича:



3-расм. Куёш энергиясини электр энергияга айлантиришнинг технологияси

1. Куёш элементи (панели)га тушган ёруғлик энергияси ўзгармас электр энергияга айланади.
 2. Ҳосил бўлган ўзгармас электр энергияси зарядланишни назорат қилувчи қурилма (контроллер) орқали (3) аккумуляторга берилади. Контроллернинг вазифаси аккумуляторни зарядланиши ҳамда разрядланишини назорат қилиб туради.
 4. Биз исстеъмолчиларга уйимиздаги свет (лампочка)миз ёниши, телевизоримиз ишлаши, музлаткичимиз ишлаши учун, ўзгарувчан ток манбаи керак бўлади, бу ишни амалга ошириш учун биз инвертор деган қурилмадан фойдаланамиз.
- Инвертор-бу қучланиш қийматини ўзгартирган ҳолда (12---220 В) ўзгармас токни ўзгарувчан токга айлантириб берувчи қурилма ҳисобланади.

Юқорида келтирилган куёш энергияси ва ундан электр энергияни ҳосил қилиш фундаментал ва амалий асосларини ўрганиш ва ўқитувчиларга етказишда иш ҳолатидаги макетлардан фойдаланиш зарурият мавжуддир. Чунки фақат назарий маълумотлар, тушунчалар ўқувчиларнинг бу соҳалар бўйича керакли билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишларига етарли бўлмайди. Дарс жараёнини олиб боришда ўқувчиларнинг диққат эътиборини жалб этиш учун ҳар бир тушунчанинг моҳиятини қизиқарли тарзда баён этиш, яъни уларда шу тушунчани мукамал эгаллашларига иштиёқ туғдиришда назарий ва амалий

билимларни ўқувчиларга биргаликда, ўзаро уйғунликда етказиш талаб этилади.

Бундай ишчи ҳолатдаги қурилмаларини ўрганаётганда, ўқувчи ва талаба қуйидаги муаммолар ҳақида фикр юрита бошлайди: қуёш нури бу экологик тоза, текин, хавфсиз ва доимий энергия манбаси эканлиги - энди ундан қандай йўл билан унумли фойдаланиш лозим, қуёш элементи - бу қуёш энергиясини тўғридан-тўғри электр энергиясига айлантириб берадиган электрон қурилма экан, энди унинг фаоллигини қандай ошириш лозим, бу нималарга боғлиқ, уларни қандай ҳал қилиш мумкин, қуёш элементидан олинаётган электр энергия қуввати-асосан унинг юзасига боғлиқ экан, демак тўрмўшда ишлатадиган ҳар хил маиший электр асбобларини тўла ишлатиш учун энди қанча кўламда қуёш элементлари керак бўлади, қуёш ботганда қуёш элементларидан фойдаланиш мумкинми, қуёш нури қанча бўлган қунарларда қуёш элементларидан қандай фойдаланиш керак, қуёш элементларининг ишлаш муддати қанча? Мана шунга ўхшаган саволлар талаба ва ўқувчиларга тинчлик бермайди. Уларнинг ҳар бирида муқобил энергия манбалари ёрдамида қуйидаги ғояларни амалга ошириш мақсадлари юзга келиши мумкин, яъни масалан: уйни ёритиш, сувни қуёш фотоэлементлардан фойдаланган ҳолда юқорида кўтариб бериш, компьютерни доим ишлашини таъминлаш, ўзлари яшаётган қишлоқни электр энергия билан таъминлаш учун зарур маълумотлар йиғиш билан бирга ўзларига хос ҳисоб китоблар, лойиҳалар, техник ечимлар билан берилиб шуғуллана бошлайди. Бу нарсалар уларга нима беради деган савол туғилади. Биринчидан - ўқувчи ва талабаларда ижодий фикрлаш ва тафаккур қилиш ҳиссиётини оширади, иккинчидан - инсон ҳаракат қилса, ҳар қандай муаммолар ечимини топиши мумкинлиги, учинчидан - ҳозирги замон электр технологияси билан танишиш ва ниҳоят инсоният келажакда доимий, экологик тоза, арзон энергия билан таъминланиши мумкин эканлиги келиб чиқади.

Шунингдек ўқитувчи учун ҳам бир қатор афзалликлари бор:

1. Оптимал иш шароитида меҳнат самарадорлигининг максимал, одам организмнинг минимал зўриқиши таъминланади.
 2. Йўл қўйилган меҳнат шароитида атроф-муҳитнинг ва иш жараёнининг шундай даражаси билан тавсифланадики, у иш жойлари учун ўрнатилган гигиеник меъёрларидан ошиб кетмаслиги таъминланади.
- Инсон иш фаолиятининг самарадорлиги кўп жихатдан иш қуролларига, организмнинг ишлаш қобилиятига, иш жойини ташкил этиш ва ишлаб чиқариш муҳитининг гигиеник факторларига боғлиқдир. Иш фаолиятининг самарадорлигини оширувчи энг муҳим факторлардан бири меҳнат фаолиятида кўникма ва моҳирликнинг тақомиллашуви ҳисобланади.

Умуман олганда, қуёш энергияси ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги бугунги изланишлар келажак энергетикаси истиқболларини белгилаб беришига шубҳа йўқ. Шу нуқтаи назардан, умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицейларда таҳсил олувчи ўқувчиларни бу маълумотлар билан таништириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, қуёш энергиясидан юксак даражада фойдаланиш иқтисодиётимизнинг янада жадал ривожланишига, энг муҳими, халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Баходирханов М.К., Ильхом Носир Ойдин, С.А. Тачилин “Фотоэнергетика и инновационные направления использования солнечной энергии”// ТашГТУ. –Ташкент: 2018, -С.135.

2. Абдиев У.Б., Исмоилов Э.О. Физика таълими дастурида ноанъанавий энергия манбалари технологик асосларини шакллантириш. // “Замонавий таълим” 2014, № 9, 38-42-б.
3. Бердиева Ф.Х. “Узлуksиз таълим тизимида замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш усуллари”. // “Замонавий узлуksиз таълим муаммолари” халқаро конференция. –Тошкент: 2018, 102-103-б.
4. Қурбанова Ў.Х., Сатторов А.А., Рахмонов Б.Р., Зикриллаев Х.Ф. “Нурнинг квази заррачалар-фотонлар окимидан иборат эканлигини намойиш этувчи ўқув лаборатория қурилмаси”// “Fizika, matematika va informatika” ilmiy-uslubiy jurnali. №3 2019. 3-12-б.
5. Исмаилов К.А., Кенжаев З.Т., Физика фанини ўқитишда куёш энергетикасига доир лаборатория ишларини жорий қилиш, Материалы РНТК «Актуальные проблемы энергосбережения при использования альтернативных источников энергии». 28-29 апрель 2017. –Карши: -С. 417-418.
6. Бахадирханов М.К., Қурбанова Ў.Х., Сатторов А.А., Рахмонов Б.Р. “Разработка и создание принципиально новых учебных лабораторных приборов с использованием физических возможностей фотоэлементов”. –Т.: “Высшая школа”. №2, 2019, -С.31-34.
7. Qurbonova O’H., Sattorov A.A. “Uzluksiz ta’lim tizimida fizika fanining o’ziga xos jihatlari”. // “Xalq ta’limi”. № 4 2019, 48-53-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада умумтаълим мактаблари ҳамда лицейлар физика таълими дастурида ноанъанавий энергия манбалари физик асосларини шакллантириш имкониятлари ўрганилган. Шунингдек, куёш энергиясини электр энергиясига айлантиришнинг физик-технологик асосларини ўқитишга доир бир қатор методик тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье изучены возможности формирования физических основ нетрадиционных источников энергии в образовательной программе общеобразовательных школ и лицеев. А также, приводятся ряд методических рекомендаций относительно обучения физико-технологических основ превращения солнечной энергии в электрическую энергию.

SUMMARY

The article studies the possibilities of forming the physical foundations of non-traditional energy sources in the educational program of general schools and lycеums. And also, a number of methodological recommendations are given regarding the teaching of the physical and technological foundations of the conversion of solar energy into electrical energy.

МОНИТОРИНГ ПО УМЕНЬШЕНИЮ РАДИОЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВЛИЯНИЯ НА ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ

С.С.Тимофеева – доктор технических наук, профессор ИРНИТУ

М.Н.Мусаев – кандидат технических наук, профессор

Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

А.А.Бобоев - старший преподаватель

Навоийский государственный горный институт

Таянч сўзлар: мониторинг, экология, тупрок, хавф, атроф-мухит.

Ключевые слова: мониторинг, экология, почва, риск, окружающая среда.

Key words: monitoring, ecology, soil, risk, environment.

Необходимость проведения оценки условий на рабочем месте, и оценки потенциального воздействия, которое может оказать на персонал и окружающую среду в горнодобывающем предприятии. Поэтому необходимо четко различать мониторинг, проводимый с целью оценки защиты от радиационной облучений работников и количественной оценки потенциального воздействия этих факторов на окружающую среду.

Радиационный мониторинг окружающей среды является проведения оценки значений радиационных факторов и обеспечения окружающей среды от вредного воздействия ионизирующей излучений. Обычно это достигается с помощью мониторинга территории, отбора проб почвы, воды и воздуха.

Что касается программы мониторинга, объем рассматриваемых элементов программы зависит от конкретных производственных факторов локальной местности или участка, по переработки полезных ископаемых. Концентраций радионуклидов, факторов и количество сотрудников, участвующих на разных этапах по переработке полезных ископаемых учитывается в составление мате тематической модели процессов.

В нормативных документах, таких как СанПиН №0193-06, действующего на территории РУЗ, который составлен в соответствии с международными нормативами, твердых проб по удельной эффективной активности разделяется на IV класса.

I-класс. Если $A_{эфф} < 370$ (Бк/кг), то разрешается использовать данных строительных материалов для стройки жильё и социальных объектов;

II-класс. Если $A_{эфф} \leq 740$ (Бк/кг),то разрешается использовать данных строительных материалов для стройки жильё, дорог и объектов производственных помещений;

III-класс. Если $A_{эфф} \leq 1350$ (Бк/кг),то разрешается использовать данных строительных материалов для стройки дорог вне населенных пунктов;

IV-класс. Если $1350(Бк/кг) \leq A_{эфф} \leq 4000(Бк/кг)$, то для использования данных строительных материалов нужна получить разрешения из санитарно-эпидемиологической службы.

Детальная оценка поведения радионуклидов необходима для установления возможных путей облучения работников в горнорудной промышленности и окружающей среды, а также для оценки любых изменений этих путей.

В ситуациях, когда имеет место только физическая переработка руды (например, гравиметрическое или электростатическое разделение, дробление и т.д.), Изменение поведения радионуклидов маловероятно. Следовательно, только это может быть рассмотрено, и возможно увеличение концентрации радионуклидов в обрабатываемом материале или в пыли на рабочем месте. Там, где происходит измельчение минерала, возможность вдыхания пыли значительно возрастает, а также повышается уровень радона в воздухе.

В ситуации, когда переработка полезных ископаемых является сложной или проводится их обогащение (включая химическую или термическую обработку, либо и то, и другое), требуется подробное исследование, чтобы определить, происходят ли изменения в поведении радионуклидов и изменения векового равновесия распада урана и тория.

Например:

- Полоний и свинец из некоторых минералов могут улетучиваться при сравнительно низких температурах (выше 250-300°C) и прикреплены к частицам пыли.

- На некоторых стадиях химической обработки

Таблица 1.

Норма 370 бк / кг для строительных материалов.		
МЭД	Для населения	0.11
МЭД А	Для категории	11.76
МЭД Б	Для категории	2.50
ЭРОА А	Для категории	1250 бк/м3
ЭРОА Б	Для категории	310 бк/м3
ЭРОА В	Для категории	18 бк/м3
ДАН А	Для категории	800 мбк/м3
ДАН Б	Для категории	200 мбк/м3
ДАН В	Для категории	12 мбк/м3

Рассчитывают значение удельной эффективной активности - $A_{эфф}$ естественных радионуклидов – (ЕРН) по формуле:

$$A_{эфф} = A_{Ra} + 1,31A_{Th} + 0,09A_{K}; \quad (1.1)$$

Рассчитывают значение абсолютной погрешности измерения удельной активности - $A_{эффj}$ -того радионуклида и абсолютную погрешность определения ($\Delta_{эфф}$) по формуле:

$$\Delta_{эфф} = \sqrt{\Delta_{Ra}^2 + (1,31 \times \Delta_{Th})^2 + (0,09 \times \Delta_{K})^2} \quad (1.2)$$

Рассчитывают значение удельной эффективной активности - $A_{эфф}$ ЕРН по формуле:

$$A_{эфф} = \eta * A_{Ra} + 1,31A_{Th} + 0,09A_{K}; \quad (1.3)$$

где: R-коэффициент, учитывающий возможного отсутствия радиоактивного равновесия в ряду радия (принятое значение R=1,3).

Рассчитывают значение абсолютной погрешности измерения удельной активности - $A_{эффj}$ -того радионуклида и абсолютную погрешность определения ($\Delta_{эфф}$) для счетных образцов, не подвергавшихся временной выдержке, по формуле:

$$\Delta_{эфф} = \sqrt{(\eta \times \Delta_{Ra})^2 + (1,31 \times \Delta_{Th})^2 + (0,09 \times \Delta_{K})^2} \quad (1.4)$$

Мониторинг параметров окружающей среды широко используется в целях обследования, когда есть соответствующие тенденции в области мониторинга, а также имеет важное значение при мониторинге радиации в окружающей среде.

атомы радия могут стать подвижными и затем переноситься различными технологическими потоками через перерабатывающую установку. Затем, на более поздней стадии, например, после обработки серной кислотой, радий может осаждаться накипью внутри труб или осаждаться внутри обрабатывающих сосудов.

Накопление радона и тарона в зданиях является фундаментом стройки и стены (почва, щебень, песок, гипс, кафел, гранит, кирпич). Активность радона и радиоактивных излучений испускающих из строительных материалов зависят из количества содержащих естественных радионуклидов (^{232}Th , ^{238}U , ^{226}Ra и ^{40}K) в них. Для стройки домов и производственных помещений используются строительные материалы из различных природных минералов и горных пород. Данные природные минералы и горные породы содержат определенное количество естественных радионуклидов, являющихся источниками ионизирующих излучений. Кларковское содержание урана на поверхности почвы имеет приблизительное значения ≤ 50 г/т. Радон образованный из урана просачивается через поры Земли и накапливается в атмосферном воздухе помещений.




Рисунок 1. Норма А-эфф - это допустимая норма 370 бк / кг для строительных материалов.

Литература

1. Возжеников Г.С., Бельшев Ю.В. Радиометрия и ядерная геофизика. Учебное пособие. - Екатеринбург: 2006. –С. 418.
2. Музафаров А.М., Темиров Б.Р., Саттаров Г.С. Оценка влияния техногенных факторов на экологию региона. Горный журнал. –Москва: 2013. №8.(1). – С.65-68.
3. Музафаров А.М., Саттаров Г.С., Ослоповский С.А. Радиометрические исследования техногенных объектов. «Цветные металлы». –Москва: 2016. №2. - С. 15-18.
4. «Нормы радиационной безопасности (НРБ-2006) и основные санитарные правила обеспечения радиационной безопасности (ОСПОРБ-2006). -Ташкент.: 2006. –С.136.
5. Музафаров А.М., Саттаров Г.С., Кист А.А. Исследование поведения радия в технологическом процессе добычи урана //Инновационные технологии горно-металлургической отрасли. Тез. док. Рес. кон. Навои. 21 октябрь. 2011. - С.227-229.
6. Тимофеева, С. С., Бобоев, А. А., & Дроздова, И. В. (2021). Профессиональные риски персонала золотоизвлекательной фабрики в Узбекистане. Journal of Advances in Engineering Technology, (1), 3-9.
7. Музафаров А.М., & Бобоев А.А. (2020). Радиоэкологические факторы и методы их определения в урановых техногенных объектах. XXI век. Техносферная безопасность. 5(3 (19)).
8. Timofeeva S.S., Timofeev S.S., & Boboev A.A. (2020, November). Phytoremediation potential of aquatic plants in Uzbekistan for the treatment of cyanide-containing wastewater. In IOP Conference Series: Materials Science and Engineering (Vol. 962, No. 4, p. 042096). IOP Publishing.
9. Timofeeva S.S., Drozdova I.V., & Boboev A.A. (2020). Assessment of occupational risks of employees engaged in open-pit mining. In E3S Web of Conferences (Vol. 177). EDP Sciences.

РЕЗЮМЕ

Профессионал радиация мониторингинг максади ходимларни ва атроф-мухитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсирдан таъминлаш ва ийллик самарали дозанинг меъърий ийллик чегарасини белгилашдан иборат. Бу, одатда доимий мониторинг ёки ишлаб чиқариш хуудлари анкеталар орқали еришилади.

РЕЗЮМЕ

Целью профессионального радиационного мониторинга является обеспечение персонала и окружающую среду от вредного воздействия ионизирующего излучения и установления нормативного годового предела годовой эффективной дозы. Обычно это достигается с помощью проведением непрерывного мониторинга или обследований производственных территорий.

SUMMARY

The purpose of professional radiation monitoring is to protect personnel and the environment from the harmful effects of ionizing radiation and to establish a normative annual limit of the annual effective dose. This is usually achieved by conducting continuous monitoring or surveys of production areas.

ЮПҚА ПАРДАЛИ ГЕТЕРОСТРУКТУРАГА АСОСЛАНГАН КҮЁШ ФОТОЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ФИЗИКАВИЙ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Д.Х.Тошпулатова – ўқитувчи


А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: куёш энергетикаси, мукобил энергия манбалари, электр энергия, фотоволтаика, куёш элементи, монокристалл ва поликристалл кремний, юпқа парда, аморф кремний, куёш модули.

Ключевые слова: энергетика солнца, возобновляемые источники энергии, электрическая энергия, солнечный элемент, монокристаллический и поликристаллический кремний, тонкая пленка, аморфный кремний, солнечный модуль.

Key words: power engineering specialist of a sun sources, proceeded in energy, electric energy, sunny element, mono crystalline and poly crystalline silicon, thin tape, amorphous silicon, sunny module.

Кириш. Куёш нурлари – бу водороднинг 4 дона ва гелийнинг бир дона атомининг кўшилганидир. Термаядро реакцияси куёшнинг ичида температура $t_0=20$ млн.С0 га этганда бошланади. Шунинг учун термаядро энергияси ер юзидagi барча энергетик ресурсларнинг биринчи манбаи ҳисобланади; кўмир, нефт, газ; гидро-энергия; шамол ва океанлар энергияси. Куёш ер юзидa барча энергия турларининг манбаи ҳисобланади. Куёш ҳар секундда ўртача 88×10^{24} калория иссиқлик ёки 368×10^{12} ТВт энергия тарқатади. Аммо бу энергия микдорининг атиги 2×10^{-6} %, яъни 180×10^6 ТВт микдоригина ер юзасига этиб келади. Шу микдор ҳам ер юзидagi барча доимий энергия ишлаб чиқарувчи қурилмаларнинг энергиясидан тахминан 5000 баробар кўдир [1:305].



Расм 1. Куёш энергиясидан фойдаланишни ҳисоблашда асосан, куёш нурининг 1 м^2 майдонга бераётган энергия микдори

Масаланинг қўйлиши. Коинотнинг атмосфера қатламидан юқори қисмига тушаётган куёш радиациясининг энергияси ёки инсоляция микдори $1,395 \text{ кВт/м}^2$ ни ташкил қилади ва бу микдор куёш доимийси деб аталади. Аммо бу микдор ер юзасига этиб келгунча ҳар хил қаршилиқларга учрайди ҳамда йилнинг фасли ва ҳисоб қилинаётган ҳудуднинг кенглигига нисбатан унинг микдори ўзгариб туради. Масалан, ер юзасига тушадиган куёш нурларининг ўртача интенсивлиги:

- Европа мамлакатларида – 2 кВт соат/м^2 ;
- Тропик ва Осиё мамлакатларида – 6 кВт соат/м^2 га тенг.

Ўзбекистон Республикаси серкуёш мамлакатлардан ҳисобланади. Бир йилда ўртача:

- 300 кун куёшли кун ҳисобланади;
- $2980 \div 3130$ соат температуранинг ўртача микдори $+420\text{С}$ ни, куннинг узунлиги 14-16 соатни ташкил қилади;
- чўл районларида температура $+700\text{С}$ гача кўтарилади;
- ҳар бир м^2 майдонда 1 йилда $1900-2000 \text{ кВт}$ гача куёш радиацияси (инсоляция) ҳосил бўлиши мумкин.



Расм 2. Коинотнинг атмосфера қатламидан юқори қисмига тушаётган куёш радиация (инсоляция) сининг энергияси

Маълумки куёш нурини электромагнит тўлкинлари деб қараш мумкин. Квант назариясига асосан, электромагнит тўлкинларига нол массали элементар заррачалар - фотонлар деб қаралади. Куёш энергиясини фотоэлектрик энергияга қайта айлантириш асосида 1887 йилда Герц томонидан яратилган, ёруғлик фотонларининг баъзи бир металлларнинг электронлари билан киришуви натижасида электронлар маълум микдордаги энергияга эга бўладилар. Мана шу энергиядан фойдаланган ҳолда куёш энергиясидан тўғридан-тўғри электроэнергия олиш мумкин. Бу жараёнга фотоэффект ҳодисаси дейилади.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Куёш энергетика қурилмалари турли фотоэлементлар ячейкалари ёрдамида куёш нурларини энергия ташувчининг юқори ҳароратли иссиқлик энергия манбаига айлантиради. Фотоэлементларнинг биринчи авлоди моно ёки поликристалл кремний бўлиб, уларнинг фойдали иш коэффициенти 11-16 фоизни ташкил этади; Фотоэлементларнинг иккинчи авлоди аморф кремний, кадмий-теллурид ёки мис-индий-селендан тайёрланган юпқа плёнкадир. Ушбу қурилмаларнинг фойдали иш коэффициенти қарийб 8 фоизни ташкил этади. Фотоэлементларнинг учинчи авлодининг фойдали иш коэффициенти 30-60 фоизга ошириш учун улар устма-уст ўрнатилиши мумкин.

Одатда бу ячейкалар гетероструктуралардан иборат бўлади ва ҳар бирининг фойдали иш коэффициенти 9 фоизни ташкил этади. Электр тармоқда ишлаш учун мўлжалланган гетероструктурали тизимлар кўплаб ячейкалардан тайёрланади. Энергия тизимига уланган гетероструктурали фотоэлектр тизимлари 20-30 вольтли доимий ток модули учун стандарт кучланишга эга 60-80 та ячейкадан тузилади. Бундан юқори кучланишга кўплаб модулларни кетма-кет улаш орқали эга бўлиш мумкин.



Расм 3. Куёш фотоэлементнинг гетероструктурли кристаллардан ташкил топган панеллари

Ҳозирги кунда гетероструктурали фотоэлектр тизимларидан тайёрланадиган ячейкалар, масалан A_3B_5 , бутун дунёда ўрнатилган тизимларнинг 80 фоизини ташкил этади. Уларнинг фойдали иш коэффициенти $35 \div 40$ фоизни ташкил этади. Кейинги вақтларда GaAs-AlGaAs гетероструктурали фотоэлектр тизимлари аморф кремний, кадмий – теллурид юпқа плёнкалар шаклида тайёрлана бошланди. Уларнинг фойдали иш коэффициенти қарийб 9 фоизни ташкил этади, бироқ моно ёки поликристалл кремнидан тайёрланадиган фотоэлектр ячейкаларга қараганда тайёрланиши арзонроқдир [3:24].

Мисол учун, гетероструктурали куёш фотоэлементи (900) ячейкадан иборат бўлсин. Унинг қуввати $1,5 \text{ Вт}$

бўлсин. Бу холда фотоэлемент ўлчами 20-30 см дан иборат бўлади. Фотоэлементдаги оқим зичлиги $G = 500 \text{ Вт/м}^2$ деб ҳисоблаймиз ва фотоэлементнинг фойдали иш коэффициентни топамиз. Бизга маълумки, батареянинг қуввати қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаймиз

$$P = n \cdot 15$$

Бу ерда n гетероструктурали куёш батареяси фотоэлементларнинг умумий сони. У холда фотоэлементнинг фойдали иш коэффициентини қуйидаги формула оркали топамиз

$$\eta = \frac{P}{S \cdot G}$$

Формулага зарур катталикларнинг қийматларини қўйиб

$$P = 900 \cdot 15 = 1350 \text{ Вт}$$

$$S = 0.06 \text{ м}^2 \cdot 900 = 54 \text{ м}^2$$

фотоэлементнинг фойдали иш коэффициентни топамиз

$$\eta = 1350 / 54 \cdot 500 = 0.05$$

Демак,

$$\eta = 5\%$$

экан. Фараз қилайлик, куёш батареясининг юзаси $S=0.25 \text{ м}^2$, ток кучи $I=3 \cdot 10^{-3} \text{ А/см}^2$, нурланиш зичлиги эса $G = 300 \text{ Вт/см}^2$ бўлсин. Фойдали иш коэффициентининг қиймати $\eta = 0.3\%$ бўлади [1:306].

У холда зарурий катталикларнинг қийматидан фойдаланиб, куёш батареясининг электр юритувчи

кучини топамиз. Батареянинг қуввати қуйидаги формула билан топилади

$$P = E \cdot I = S \cdot G \cdot \eta$$

Бу ердан, электр юритувчи куч ифодасини оламиз

$$E = \frac{S \cdot G \cdot \eta}{I} = \frac{300 \cdot 10^{-4} \cdot 0.3}{3 \cdot 10^{-3}} = 3 \text{ В}$$

Охирги формуладан олинган натижалардан кўринадики, гетероструктурали куёш батареясининг электр юритувчи кучи берилган доимий параметрлар уун 3 в ташкил этар экан.

Ҳозирги вақтда гетероструктурали куёш фотоэлементи ячейкаларининг фойдали иш коэффициентини 50÷60 фоизга ошириш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун гетероструктурали плёнкаларни 4÷8 марта устма-уст ўрнатиш зарур бўлади [2:113]. Ушбу тадқиқотлар натижасида қурилма қуввати оширилади ҳамда ишлаб чиқариш нархи кескин пасаяди. Тахминларга кўра, оддийлиги ва арзон материаллардан тайёрланганлиги туфайли келажакда гетероструктуралардан ташкил топган қурилмаларни ишлаб чиқаришда янада кам маблағ талаб қилинади.

Хулоса. Ушбу мақолада куёш энергетика қурилмасининг гетероструктурага асосланган фотоэлементларнинг физикавий хоссалари ўрганилди. Гетероструктурали куёш батареяси фотоэлементининг фойдали иш коэффициентни, қуввати ҳамда электр юритувчи кучининг қийматлари аналитик йўл билан ҳисобланди.

Адабиётлар

1. Удалов Н.С. Возобновляемые источники энергии. – Новосибирск : Изд-во НГТУ, 2009. -С. 305-306, 412.
2. Виссарионов В.И. Солнечная энергетика : учебное пособие для вузов. – Москва: Издательский дом МЭИ, 2008. -С. 113-115, 320.
3. Тайланов Н. Гетероструктурали куёш батареяси фотоэлементининг фойдали иш коэффициентни. //Физико-технологическое образование. 2020. №. 1.

РЕЗЮМЕ

Мақолада куёш энергиясини электр энергиясига айлантирадиган ҳозирги кунда мавжуд юпка пардали технологиялар бир бири билан таққосланган. Аморф микрокристаллик кремний асосидаги куёш элементларини рақобатбардошлигини таъминлайдиган ишлаб чиқариш технологиясининг ўзига хос асосий хусусиятлари келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье проведён сравнительный анализ существующих на сегодняшний день тонкопленочных технологий для преобразования солнечной энергии в электроэнергию. Приведены основные особенности технологии производства на основе аморфного и микрокристаллического кремния солнечных элементов, обеспечивающие их конкурентные преимущества.

SUMMARY

The article deals with comparative analysis of existing to date thin pellicle technologies for transformation of sunny energy to electric power is conducted. Basic features over technology of production are brought on the basis of amorphous and microcrystalline silicon of sunny elements, providing them competitive edges.

ВЛИЯНИЕ УЛЬТРАЗВУКОВОГО ОБЛУЧЕНИЯ НА РЕКОМБИНАЦИОННЫЕ ПАРАМЕТРЫ В СТРУКТУРЕ Al-Al₂O₃-p-CdTe-Mo

А.К.Утениязов – доктор философии по физико-математическим наукам, доцент

Каракалпакский государственный университет имени Бердаха

Б.К.Даулетмуратов – доктор технических наук, доцент

М.Т.Нсанбаев – ассистент преподаватель

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажиянзия

А.Т.Асанова – магистрант

Каракалпакский государственный университет имени Бердаха

Таянч сўзлар: ультратовуш нурланиши (УТН), пленка, МОЯЎ - тузилма, инъекция, жуфтлашган рекомбинация комплекси, токнинг тез ўсиши.

Ключевые слова: ультразвуковое облучение (УЗО), пленка, МОП – структура, инъекция, парный рекомбинационный комплекс, быстрый рост тока.

Key words: ultrasonic irradiation (UST), film, MOS - structure, injection, pair recombination complex, rapid current growth.

Общеизвестно, что кремний до сих пор является основным материалом полупроводниковой электроники. Известно так же, что он исчерпал свои возможности, в частности в области быстродействия. В силу этого во всем мире ведется интенсивный поиск новых материалов, которые могли бы заменить кремний и в чем-то превзойти его. И тут первое место занимают полупроводники групп А²В³ и А²В⁶, причем среди полупроводников группы А²В⁶ особое место занимает теллурид

кадмия, поскольку ширина его запрещенной зоны (1.45 eV) совпадает с максимумом солнечного спектра, в силу чего по теоретическим оценкам КПД солнечного элемента (СЭ), изготовленного на основе CdTe, может достигать 29% [1]. В тоже время, как и все полупроводники группы А²В⁶, CdTe содержит очень много дефектов самой различной природы, что, безусловно, ухудшает характеристики как СЭ, так и других приборов (в частности детекторов рентгеновского и γ - излучений)

[2, 3]. На данный момент солнечные элементы на основе материалов A^2B^6 главным образом создаются на основе гетероперехода $nCdS-pCdTe$. Главным недостатком такой структуры является спонтанное формирование на границе раздела слоя твердого раствора Cd_xTe_{1-x} , составом которого очень трудно управлять. На решение этой проблемы направлен ряд работ [4-6].

В то же время, на наш взгляд, необходимо вести исследования и по другому направлению, используя МОП-структуры. При этом следует помнить, что фотоэлектрические и электрофизические свойства как гетеропереходов, так и МОП-структур сильно зависят от процессов на поверхности полупроводников, которые влияют непосредственно на надежность и стабильность практически всех полупроводниковых приборов. При разработке СЭ на основе CdTe обычно используются крупноблочные поликристаллические пленки CdTe со столбчатой структурой зерен, называемых обычно кристаллитами. Уникальной особенностью этого материала является то, что эти кристаллиты в направлении вертикального роста являются, по сути, монокристаллами, а в направлении горизонтального роста – поликристаллами. Данная работа посвящена изучению влияния ультразвукового облучения (УЗО) на рекомбинационные параметры в $Al-Al_2O_3-p-CdTe-Mo$ – структуре.

Пленочные структуры $p-CdTe$ со столбчатой структурой зерен на Mo подложке методом сублимации в потоке водорода. На поверхности полученных пленок $p-CdTe$ была создана МОП-структура путем напыления алюминия в вакууме ($\sim 10^{-5}$ Torr) [7]. Пленки $p-CdTe$ имели удельное сопротивление $\rho \approx 10^9 - 10^{11}$ $\Omega \cdot cm$ и время жизни неосновных носителей-электронов $\tau \sim 10^8 - 10^7$ s. Проведенный рентгеноструктурный анализ показал [8, 9], что в проведенном технологическом процессе образуется тонкий окисный слой Al_2O_3 с толщиной ~ 30 nm, но этот слой играет очень важную роль в работе полученной структуры. Именно благодаря ему здесь получается не структура металл – полупроводник, а МОП-структура, а именно $Al-Al_2O_3-p-CdTe$ (металл Al, окисел Al_2O_3 , полупроводник CdTe).

В работе [10] нами были исследованы влияние ультразвукового облучения на электрофизические свойства структуры $Al-Al_2O_3-p-CdTe$. Ультразвуковое облучение проводилось на частоте 2.5 MHz с мощностью $P=1$ W/cm² в течение 15 минут. Было показано, что УЗО существенно влияет на флуктуации поверхностных зарядов на границе раздела и устраняет нестабильные точечные дефекты, находящиеся в приповерхностном слое полупроводника.

Для установления закономерности протекания тока рассмотрим вольтамперные характеристики структуры в прямом направлении тока до и после УЗО (см. рис. 1).




Рис.1. Вольтамперные характеристики типа $J \sim V^\alpha$ с различными наклонами при прямом направлении тока до и после УЗО. I: 1-1, 2-2, 3-5.3, 4-2; II: 1-1, 2-2, 3-5, 4-2.

Проведенное исследование показывает, что имеет место степенная зависимость тока от напряжения типа

$J=AV^\alpha$, причём показатели степени- α до и после УЗО практически не отличаются. Из рисунка 1 видно, что обе вольт-амперные характеристики имеют четыре участка, которые описываются степенными зависимостями тока от напряжения смещения типа $J \sim V^\alpha$ с различными значениями показателя степени « α », а именно $J \sim V$, $J \sim V^2$, $J \sim V^{5.3}$, $J \sim V^2$. В [11] такая последовательность ВАХ была объяснена изменением условий рекомбинационных процессов. Рекомбинационные процессы происходят сначала через простые локальные центры, затем, при больших плотностях тока – через сложные комплексы, внутри которых происходит обмен неравновесными носителями. В частности, линейный участок $J \sim V$ и следующая за ним зависимость $J \sim V^2$ хорошо объясняются в рамках представлений о рекомбинации, идущей через простые локальные примесные центры. Но далее идёт участок резкого роста тока $J \sim V^\alpha$, где $\alpha > 2$, и за ним второй квадратичный участок $J \sim V^2$, которые в эту модель не укладываются. Видимо, рекомбинационные процессы идут через сложные комплексы.

Такие сложные комплексы могут быть различной природы. Они могут изначально содержаться в материале, как например донорно-акцепторные пары, существующие в полупроводниках A^2B^6 , или возникать в результате рекомбинационно-, температурно- или фото-стимулированных процессов. Возможно также возникновение сложных парных комплексов и в результате радиационных и других внешних воздействий. В работе [12] были собраны различные модели таких комплексов и показано, что статистика рекомбинации неравновесных носителей в этом случае будет отличаться от классической статистики Шокли-Рида. В результате скорость рекомбинации неравновесных носителей, происходящей через такой сложный комплекс имеет вид: Это могут быть донорно-акцепторные пары, комплексы типа примесь+вакансия, примесь+междоузельный дефект или дефекты типа пар Френкеля, возникающие в результате рекомбинационно-стимулированных или фото-стимулированных процессов. В [12] собраны различные модели таких сложных комплексов. При этом схема рекомбинации, происходящей через такой двухуровневый комплекс, будет примерно одинаковой для всех моделей. Она показана на рис.2.




Рис.2. Схема рекомбинации через парный рекомбинационный комплекс. Пунктирами показаны не учтенные переходы

1 - $c_{n1}N_R(1 - f_1)$; 2 - $c_{n1}N_R f_1 n_{11}$ – обмен уровня E_1 с зоной проводимости.
 3 - $c_{p2}N_R f_2 p$; 4 - $c_{p2}N_R(1 - f_2) p_{12}$ – обмен уровня E_2 с валентной зоной.
 5 - $c_{12}N_R f_1(1 - f_2)$; 6 - $c_{12}N_R f_2(1 - f_1) e^{\frac{E_2 - E_1}{kT}}$ – обмен между уровнями E_1 и E_2 , где $(c_{12})^{-1} = \tau_{ii}$ – время внутрикомплексного обмена. Предполагается, что разница $E_1 - E_2$ очень мала, так что $e^{\frac{(E_2 - E_1)}{kT}}$ можно не учитывать. В [12] показано также, что скорость реком-

бинации U , идущей через все такие комплексы, может быть представлена в виде:

$$U = N \frac{c_{n1} c_{p2} (pn - n_i^2)}{c_{n1}(n + n_{11}) + c_{p2}(p + p_{12}) + \tau_i c_n pn}. \quad (1)$$

Здесь N - концентрация комплексов, c_{n1} - коэффициент захвата электрона из зоны проводимости на верхний уровень E_1 , c_{p2} - коэффициент захвата дырки из валентной зоны на нижний уровень E_2 , τ_i - время внутри-комплексного обмена электронами, т.е. время обмена электронами между уровнями E_1 и E_2 , n_{11} и p_{12} - аналоги статистических факторов Шокли-Рида для уровней E_1 и E_2 , лежащих внутри запрещенной зоны и образующих парный рекомбинационный комплекс:

$$n_{11} = N_c e^{-\frac{E_c - E_1}{kT}}, \quad p_{12} = N_v e^{-\frac{E_2 - E_v}{kT}}.$$

В выражении (1) последний член в знаменателе описывает внутрикомплексный обмен электронами. Когда этот член мал, то есть

$$c_{12} pn \ll c_{n1}(n + n_{11}) + (p + p_{12}), \quad (2)$$

то выражение (1) практически ничем не отличается от обычного выражения статистики Шокли-Рида. В этом случае ВАХ для достаточно длинного диода ($d/L \gg 1$) описывается известным законом Ламперта:

$$V = \sqrt{\frac{8d^3 J}{9q \mu_p \mu_n \tau_n N_A}} = B_0 \sqrt{J}. \quad (3)$$

Здесь μ_n , τ_n - подвижность и время жизни электронов, μ_p - подвижность дырок, J - плотность тока, d - толщина базы.

Как уже отмечалось в [13] структура Al-Al₂O₃-p-CdTe-Mo может рассматриваться как n^+ - p -структура с двумя омическими металлическими контактами и длинной базой ($d/L_n \sim 10-20$, где d -длина p -базы, т.е. слоя CdTe, а L_n - диффузионная длина неосновных носителей, т.е. электронов). В силу этого выражение (3) хорошо объясняет первый квадратичный участок.

Как видно из рис.1, на прямой ветви ВАХ при малом уровне возбуждения ток от напряжения описывается линейной зависимостью, затем появляется квадратичный участок.

Используя экспериментальные результаты, вычисляем значение произведения подвижности на время жизни электронов до УЗО: $\mu_n \tau_n \approx 6.15 \cdot 10^{-6} \text{ см}^2/\text{В}$. При этом сначала по наклону зависимости $J \sim V^2$ (см.рис.1) определяем величину $B_0 \approx 95 \text{ В} \cdot \text{см} \cdot \text{А}^{-1}$, а значение $N_A \approx 10^{10} \text{ см}^{-3}$ находим из линейного участка ВАХ. Эти параметры после УЗО оказались равными: $\mu_n \tau_n \approx 5 \cdot 10^{-6} \text{ см}^2/\text{В}$, $B_0 \approx 68 \text{ В} \cdot \text{см} \cdot \text{А}^{-1}$, $N_A \approx 2.4 \cdot 10^{10} \text{ см}^{-3}$. По этим данным вычисленные значения τ_n , при значении $\mu_n = 100 \text{ см}^2/\text{В} \cdot \text{с}$, оказались равными: $\tau_n \approx 6.15 \cdot 10^{-8} \text{ с}$ и $\tau_n \approx 5 \cdot 10^{-8} \text{ с}$, соответственно, до и после УЗО. Такая величина постоянного времени почти совпадает с литературными данными [14]. Таким образом, полученные экспериментальные данные указывают, что у нас в результате воздействия УЗО немного растёт время жизни электронов τ_n и концентрация легирующих примесей N_A , что хорошо объясняет небольшое увеличение тока на первом квадратичном участке.

На рис.1 после квадратичного участка следует участок резкого роста тока, который описывается степенной зависимостью типа $J \sim V^a$, где $a > 2$. Согласно теории

[12], такой участок резкого роста тока реализуются, когда рекомбинация неравновесных носителей тока идет с задержкой, т.е. с участием комплексов, внутри которых происходит электронный обмен. В этом случае ВАХ имеет следующее аналитическое выражение:

$$V = \frac{(b+1)d^2 N_R}{N_A \mu_n \tau_i} + \frac{d \sqrt{J}}{q \mu_n (b+1) C} - \frac{2(b+1)d^2 N_R}{N_A \mu_n c_p \tau_i C \sqrt{J}} = A + B \sqrt{J} - \frac{D}{\sqrt{J}}. \quad (4)$$

В исследуемой структуре база является сильно компенсированным полупроводником (p -CdTe), поэтому $N_A = N_A - N_d$ - концентрация мелких акцепторных центров, а параметр C связан с концентрацией электронов соотношением [12, 15]:

$$n(0) = C \sqrt{J}. \quad (5)$$

где $C = \frac{n_n}{q(b+1)V_p^*}$, V_p^* - параметр, обусловленный не-

идеальностью n^+ - p -перехода.

Из выражения (4) можно определить такие параметры, как N_R / τ_i , $n(0)$, $c_n / a \tau_i$ (τ_i - время задержки внутри комплекса, N_R - концентрация комплексов). Зависимость (4) позволяет описать любые значения наклона ВАХ типа $J \sim V^a$, в том числе участка резкого роста. Составляя уравнение прямой линии для двух заданных экспериментальных точек (J_1, V_1 и J_2, V_2), определяем значение напряжения

$$V = V_1 - \frac{V_1 - V_2}{J_2 - J_1} J_1, \quad (6)$$

которое приравняем к значению $A = \frac{(b+1)d^2 N_R}{N_A \mu_n \tau_i}$ из

формулы (4), затем при помощи этого выражения определяем параметр N_R / τ_i . Для определения параметров из участка резкого роста тока выбирались три экспериментальные точки (V_1, J_1), (V_2, J_2), (V_3, J_3), и для них составляли два уравнения для определения коэффициентов B и D

$$B = \frac{V_2 - V_1}{\sqrt{J_2} - \sqrt{J_1}} - \frac{D \left(\frac{1}{\sqrt{J_1}} - \frac{1}{\sqrt{J_2}} \right)}{\sqrt{J_2} - \sqrt{J_1}}, \quad (7)$$

$$D = \frac{(V_3 - V_2) - (V_2 - V_1) \frac{\sqrt{J_3} - \sqrt{J_2}}{\sqrt{J_2} - \sqrt{J_1}}}{\left(\frac{1}{\sqrt{J_2}} - \frac{1}{\sqrt{J_3}} \right) - \left(\frac{1}{\sqrt{J_1}} - \frac{1}{\sqrt{J_2}} \right) \frac{\sqrt{J_3} - \sqrt{J_2}}{\sqrt{J_2} - \sqrt{J_1}}}, \quad (8)$$

затем приравняли их к аналитическим значениям из формулы (4). Далее, подставляя $d = 10 \text{ мкм}$, $\mu_n = 100 \text{ см}^2/\text{В} \cdot \text{с}$ и $N_A \approx 10^{10} \text{ см}^{-3}$ в эти выражения, определяем параметры: $\mu_n C$, $1/c_p \tau_i$. После чего при помощи формулы (5) определяем концентрацию инжектированных электронов $n(0)$ в начале и в конце третьего участка. Все вычисленные параметры из данного участка ВАХ приводятся в таблице 1.

После участка резкого роста тока вновь появляется квадратичный участок. Такая последовательность участков ВАХ, согласно теории [12], появляется тогда, когда скорость рекомбинации на комплексах выходит на полное насыщение $U \approx N_R / \tau_i$, и в этом случае квадратичный участок ВАХ описывается выражением [12]:

$$V = \frac{(b+1)d^2 N_R}{2N_A \mu_n \tau_i} + \frac{d\sqrt{J}}{q\mu_n(b+1)} \quad (9)$$

Параметры, определенные из данного участка до и после облучения, соответственно, равны: $N_R / \tau_i \approx 2.45 \cdot 10^{17} \text{ cm}^{-3} \cdot \text{s}^{-1}$, $N_R / \tau_i \approx 5.6 \cdot 10^{17} \text{ cm}^{-3} \cdot \text{s}^{-1}$, которые также занесены в табл.1. Полученные значения N_R/τ_i показывают, что при одном и том же значении напряжения ток на втором квадратичном участке должен практически не меняться, что хорошо подтверждает ВАХ, приведённая на рис.1.

Таким образом, проведённое экспериментальное воздействие УЗО на структуру Al-Al₂O₃-p-CdTe-Mo показывает, что при прямом направлении приложенного напряжения ток в результате воздействия УЗО сначала немного возрастает, а затем практически не меняется. Эти факты однозначно указывают на то, что физическая природа рекомбинационных процессов меняется в процессе возрастания тока. Сначала рекомбинационные процессы происходят в условиях, когда внутрикомплексный обмен несущественен, и парный сложный

комплекс ведёт себя как простая ловушка Шокли-Рида. А затем, при более высоких уровнях инжекции роль внутрикомплексного обмена электронами возрастает, тогда появляются участки более быстрого роста и второй квадратичный участок. Хочется особо подчеркнуть, что эти два участка, несмотря на внешнюю схожесть, имеют разную физическую природу. Это ясно видно из сравнения формул (3) и (9). В (9) мы видим величину τ_i – время внутрикомплексного обмена, которого нет в выражении (3). Именно этим объясняется различное влияние УЗО на первый и второй квадратичные участки. По-видимому, УЗО убирает не только поверхностные эффекты, о чём отмечалось в [10], но также и объёмные, в результате чего возрастает концентрация легирующих примесей и рекомбинационных комплексов, что и приводит к увеличению тока на первом участке и мало меняет его на втором.

В заключение хотелось подчеркнуть, что проведённое исследование влияния УЗО на рекомбинационные параметры в Al-Al₂O₃-p-CdTe-Mo – структуре однозначно подтверждает справедливость предположения о том, что рекомбинационные процессы в этой структуре происходят через сложный парный рекомбинационный комплекс.

Таблица 1. Параметры, определенные из участков ВАХ

Номер образца	Участок ВАХ	$\frac{\mu_n \tau_n}{\text{cm}^2 \cdot \text{V}^{-1}}$	$N_R/\tau_i, \text{cm}^{-3} \cdot \text{s}^{-1}$	$n(0), \text{cm}^{-3}$	N_A, cm^{-3}	$\frac{1}{c_p \tau_i}, \text{cm}^{-3}$
Прямая ВАХ						
1. До УЗО	$J \sim V$	$6.15 \cdot 10^{-6}$	$5.6 \cdot 10^{16}$	$2.26 \cdot 10^{10} - 5 \cdot 10^{11}$	10^{10}	$1.02 \cdot 10^{10}$
	$J \sim V^2$ (Закон Ламперта)					
2. После УЗО	$J \sim V^{5.28}$	$5 \cdot 10^{-6}$	$1.35 \cdot 10^{17}$	$3.8 \cdot 10^{10} - 5.7 \cdot 10^{11}$	$2.4 \cdot 10^{10}$	$1.22 \cdot 10^{10}$
	$J \sim V^2$					
	$J \sim V$					
	$J \sim V^2$ (Закон Ламперта)					
	$J \sim V^5$		$5.6 \cdot 10^{17}$	$3.95 \cdot 10^{13} - 1.2 \cdot 10^{14}$		

Литература

- Gloeckler M., Sankin I. And Zhao Z. CdTe solar cells on the doorstep up to 20% efficiency. IEEEJ.: Photovolt. vol. 3, no. 4, pp. 1389-1393, 2013.
- Харбеке Г. Поликристаллические полупроводники. -М.: «Мир»,1989, -С. 341.
- Muzafarova S.A., Aitbaev B.U., Mirsagatov Sh.A., Durshimbetov K., Zhanabergenov Z. Research of an intermediate layer on interface. n⁺-CdS/p-CdTe. Semiconductor. vol. 42, no.12, 2008. -P. 1409-1414.
- Khrvunov G. Development organic backcontact for thin-film CdS/CdTe solar cell / G. Khrvunov, S. Bereznev, A. Meriuts, G. Kopach, N. Kovtun, N. Devneko // Physics And Chemistry of Solid State. 2010. Vol. 11, Issue 1. –P. 248-251.
- Wu. H. p-CdTe/n-CdS photovoltaic cells in the substrate configuration / H. Wu. – Rochester, -N-Y.: 2014. -P.104.
- Zeng. G. Effects of different CdCl₂ annealing methods on the performance of CdS/CdTe polycrystalline thin film solar cells / G. Zeng, J. Zhang, B. Li, W. Li, L. Wu, W. Wang, L. Feng / Science China Technological Sciences. 2015. Vol. 58, Issue 5. –pp. 876–880. DOI: 10.1007/s11431-015-5787-2
- Mirsagatov Sh.A., Uteniyazov A.K. Injection photodiode based on p-CdTe film. Techn. Phys. Lett. 2012. 38, No 1. pp. 34–37. DOI: 10.1134/S1063785012010099.
- Mirsagatov Sh.A., Музафарова С.А., Байиев М.С. Ачилов А.С. Исследование реального строения диода с барьером Шоттки Al-p-CdTe. Узб. Физический журнал. № 12. -С. 154-160, 2010.
- Ачилов А.С., Заверюхин Б.Н., Каланов М.У., Рустамова В.М. Рентгеновские исследования структуры нового типа А₂В₆ приемника электромагнитного излучения. ДАН РУз., №2. -С. 24-26, 2014.
- Uteniyazov A.K., Ismailov K.A. Effect of ultrasound irradiation on the electrophysical properties of the structure of Al–Al₂O₃–CdTe. // Semiconductor Physics, Quantum Electronics & Optoelectronics. vol. 22, no 2, -P. 165-170, 2019. <https://doi.org/10.15407/spqeo22.02.165>
- Mirsagatov Sh.A., Uteniyazov A.K. The mechanism of current transport in the structure Al-p-CdTe-Mo with different thickness of the base. // PSE, 2015, vol. 13, № 3, -P. 325-329.
- Leyderman A.Yu., Minbaeva M.K. Direct rapid growth mechanism current in semiconductor diode structures. //Semiconductors, vol.30, no. 11, -P. 1729-1738, 1996.
- Leyderman A.Yu., Uteniyazov A.K., Nsanbaev M.T. Recombination processes in the Al-n-Al₂O₃-p-CdTe-Mo structure]. // International Scientific journal “Global science and innovations 2020: Central Asia” Nur-Sultan, KAZAKHSTAN, Feb-March 2020, № 3(3), -P. 29-32.
- Ламперт М., Марк П. Инжекционные токи в твёрдых телах. –Москва: «Мир», 1972. –С. 416.
- Адилович Э.И., Карагеоргий-Алкалаев П.М., Лейдерман А.Ю. Токи двойной инжекции в полупроводниках. –Москва: «Советское радио», 1978, -С.320.
- Mirsagatov Sh.A., Uteniyazov A.K., Achilov A.S. Mechanism of Current Transport in Schottky Barrier Diodes Based on Coarse-Grained CdTe Films. // Physics of the Solid State. 2012. 54, № 9. -P. 1643-1654.

РЕЗЮМЕ

Бу мақолада Al-Al₂O₃-p-CdTe-Mo структуранинг рекомбинацион параметрларига ультратовуш нурланишининг (УТН) таъсири ўрганилган. Аниқландики, бундай структурада мувозанатсиз ташувчиларнинг рекомбинацияси мураккаб жуфтлашган рекомбинация комплекслари орқали содир бўлади ва ультратовуш таъсири натижасида ҳам майда акцепторлар миқдори ҳам чуқур рекомбинация марказлари сони ортади.

РЕЗЮМЕ

В статье исследованы влияние ультразвукового облучения (УЗО) на рекомбинационные параметры в Al-Al₂O₃-p-CdTe-Mo – структуре. Установлено, что рекомбинация неравновесных носителей в такой структуре происходит через сложные парные рекомбинационные комплексы и в результате ультразвукового воздействия увеличивается количество как мелких акцепторов, так и глубоких рекомбинационных центров.

SUMMARY

In the article investigates the effect of ultrasonic irradiation (UST) on the recombination parameters in the Al-Al₂O₃-p-CdTe-Mo - structure. It was found that the recombination of nonequilibrium carriers in such a structure occurs through complex pair recombination complexes and, as a result of ultrasonic treatments, the number of both small acceptors and deeprecombination centers increases.

Biologiya. Geografiya

УЎК 595.754

ЯРИМҚАТТИҚҚАНОТЛИЛАР ҲАЩАРОТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ КИТОБИГА КИРИТИЛГАН ВА ЙЎҚОЛИБ КЕТИШ ҲАВФИ БОР ТУРЛАРИ

Ж.К.Абдуллаева – докторант

Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ

М.Ж.Медетов - катта илмий ходим

А.С.Юсупова – докторант

ЎзР ФА Зоология институти

А.Ж. Юсупова - мустақил тадқиқотчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Б.Д.Гулимбетов – докторант

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: Қизил китоб, яримқаттиққанотлилар, қандада, биологик хилма–хиллик, муҳофаза, омиллар.

Ключевые слова: Красная книга, полужесткокрылые, клопа, биологическое разнообразие, защита, факторы.

Key words: Red Book, hemiptera, bug, biological diversity, protection, factors.

Қирриш. Дунё микёсидаги, ҳудудий ва миллий тажрибалардан келиб чиқиб, биологик хилма–хиллик ҳолатини ҳисобга олиш ва назорат қилиш республиканинг барқарор ривожланишига эришиш учун ўсимлик ва ҳайвонот оламини мониторинг қилиш, сақлаш ва камайиб кетаётган ҳамда йўқолиб кетиш ҳавфи остидаги ҳашаротлар турларини IUCN рўйхати таркибига ва шунингдек, Марказий Осиёнинг Қизил китобига киритиш бўйича замонавий шароитларда экологик миниторинг олиб бориш долзарб саналади. Ўзбекистонда фаолият олиб борувчи илмий жамоатчиликнинг биологик хилма–хилликнинг таркибий компонентларини аниқлаш ва мониторинг қилиш соҳасида давлат ва халқаро жамоатчилик олдида ички ва ташқи мажбуриятларни тўлиқ бажаришлари мақсадида ҳайвонот олами ҳақидаги кадастр маълумотларни тақдим этиш жараёнини фаоллаштириш талаб қилинади. Ушбу мақсадга эришиш учун энг аввало, ушбу йўналишда давлат томонидан ишларни қўллаб–қувватлаш нисбатан муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади, бунда Ўзбекистон Республикаси миллий ва халқаро даражада ушбу соҳага етарли даражада эътибор қаратмоқда.

Сўнги бир неча ўн йилликлар давомида табиатдан фойдаланиш кучайиши натижасида Ўзбекистонда ҳайвонларининг кўпгина турларига антропоген таъсир кучли даражада таъсир кўрсатиши қайд қилинмоқда, жумладан айрим турларнинг тарқалиш ареали қисқариши ва сон миқдори камайиши кузатилмоқда, улардан айримлари йўқолиб кетиш ёки тўлиқ ҳолатда йўқолиш ҳавфи чегарасига келиб қолганлиги қайд қилинади.

Бунда кўпгина ҳайвонлар турларининг сон миқдори чегаравий даражада ўзгариши қайд қилинмаса–да, бироқ тинимсиз камайиб бориши кузатилмоқда. Бу турларнинг барчаси ёввойи табиатда йўқолиб кетиш ҳавфи юқори бўлган турлар сифатида қайд қилинади ва Ўзбекистон республикасининг Қизил китобига, бутунжаҳон табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи (БТМИ) Қизил рўйхати таркибига киритилган, шунингдек бу турлар Ўзбекистон ҳам аъзо бўлган, йўқолиб кетиш ҳавфи остидаги ҳайвонот ва ўсимлик олами турларининг халқаро савдоси ҳақидаги Конвенция (СИТЕС) иловаларида қайд қилинган.

Табиий ҳайвонот оламининг бу кўринишдаги турлари (кенжа турлари) Ўзбекистон республикасида қонунчилик йўли билан муҳофаза қилинувчи ҳолат ва фойдаланиш бўйича махсус белгиланган регламентларга эга ҳисобланади [1,2,3,4,5].

Ўзбекистоннинг биринчи Қизил китоби 1983 йилда нашр қилинган бўлиб, унга умуртқали ҳайвонларнинг 63 тури киритилган эди. Қизил китоб даврий нашрдир ва ҳар ўн йилда камида бир марта янгиланиб чоп этилиши лозим. Ушбу муддат ичида Қизил китобга киритилган турларнинг мақоми ўзгариши, олиб борилган махсус муҳофаза чоралари туфайли баъзи турларнинг сони тикланиши ва аксинча, бошқа турларнинг сони яшаш шароитининг ёмонлашуви ҳамда бошқа таъсир этувчи омиллар ҳисобига қисқаришда давом этиши ва ҳаттоки бошқа тоифага ўтиши мумкин. Фанлар академиясининг сайёҳаракатлари билан юртимиз фаунасининг шу кундаги аҳволини ва кўпгина ҳайвонлар турлари мақомини баҳолашга имкон берувчи жуда бой маълумотлардан 2016 йилда нашр қилинган Қизил китобга сўт эмизувчиларнинг 30 тури (кенжа турлар билан 32), кушларнинг 48 тури (кенжа турлар билан 51), судралиб юривчиларнинг 16 тури, балиқларнинг 17 тури (кенжа турлар билан 18), халқасимон чувалчангларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 14 тури (кенжа турлар билан 15) ва бўғимоёқлиларнинг 60 тури (кенжа турлар билан 61) киритилган. Мазкур нашрда қўлланилган турларнинг табиатда йўқ бўлиб кетиш ҳавфи тоифаларининг миллий тизими ТМХИ нинг (2001) миқдорий мезонлардан фойдаланилган замонавий 3.1-талқинига асосланган [6,7,8].

Материал ва усуллар. Тадқиқотлар 2018-2021 йиллар давомида Қизил китобда картадаги нуқталарда ва Ўзбекистон республикасининг барча табиий ва антропоген ҳудудларида олиб борилди. Тадқиқотларда Кириченко (1951), Kerzhner (1962), Асанова ва Искаков (1977) ҳамда Голуб (2012) ларнинг усуллари асосида олиб борилди. Қандалаларни йиғишда диаметри 34-40 см бўлган энтомологик туткич (сачок) ва диаметри 1X1 бўлган оқ мато лардан фойдаланилди. Бунда даласининг 5 та нухтасидан сачокнинг 20 та ҳаракати орқали намуналар олинади. Олинган намуналардаги қандалалар сони алоҳида ҳисоб қилиниб сачокнинг 100

та ҳаракатидаги қандалаларнинг ўртача сони ҳисоб қилинди. Турлар тарқалиши ва уларнинг зичлиги бўйича қуйидагича шартли белгилашлар қабул қилинди, яъни энтомологик тутқич билан бир соат давомида 1-3 дона ҳашарот йиғилган ҳолатда уларнинг микдори “жуда кам”, агарда бир соат давомида 4-10 ҳашарот йиғилган ҳолатда “кам”, ва шунингдек, “доимий тур” (1 соат давомида 11 - 20 дона ҳашарот), “кўп учрайдиган тур” (1 соат давомида 20 – 100 дона ҳашарот).

Олинган натижалар. Ўзбекистон қизил китобига яримқаттиққанотлиларнинг уч тури *Reduvius fedtschchenkianus* Oshanin, 1871, *Stenolemus bogdanovi* Oshanin, 1896, *Cercinthus lehmanni* Kolenati, 1891 1-жадвал. Яримқаттиққанотлиларнинг Ўзбекистон Қизил китобига киритилган ҳамда муҳофазага муҳтож турлари.

кабилар киритилган. Бу турлардан фақат *Reduvius fedtschchenkianus* мониторингда аниқланди. Мазкур турнинг замонавий ҳолати олдинги даврга солиштирганда ортгани кўзга ташланади ва буни мақоминини 2 (VU:R) дан 3 (NT) га ўзгартиришни тавсия қилинади. *Reduvius fedtschchenkianus* тарқалиш ареали моҳ равишда шимоли - ғарб томон N 44°38'48.52 , E 58°15'20.99 координатга кенгайганлиги аниқланди.

Stenolemus bogdanovi Oshanin, 1896, *Cercinthus lehmanni* Kolenati, 1891 турлари мониторинг даврида учрамаганлиги бу тур устида яна экологик мониторинглар олиб бориш ва мақоминини 2 (VU:R) дан 1 (CR), 1 (EN) га ўзгартириш тавсия қилинади.

№	Турлар	Қайд этилиши	Мақоми	Қим томонидан киритилган ёки тавсия қилинган	Ҳозирги ҳолати
1.	<i>Reduvius fedtschchenkianus</i> Oshanin, 1871*	+	2 (VU:R)	Д.Б.Даминова	3 (NT)
2.	<i>Stenolemus bogdanovi</i> Oshanin, 1896*	-	2 (VU:R)	Д.Б.Даминова	1 (CR)
3.	<i>Cercinthus lehmanni</i> Kolenati, 1891*	-	2 (VU:R)	А.В.-А. Крейцберг	1 (EN)
4.	<i>Reduvius carinatus</i> (Fabricius, 1798)**	+	2 (VU:R)	Д.М.Мусаев	2 (VU:R)
5.	<i>Reduvius ciliates</i> (Jakovlev, 1879)**	+	2 (VU:R)	М.Ж.Медетов	2 (VU:R)
6.	<i>Vachiria deserta</i> (Becker, 1867)**	+	2 (VU:R)	Д.М.Мусаев	2 (VU:R)
7.	<i>Coranus subapterus</i> (De Geer, 1773)**	+	2 (VU:R)	М.Ж.Медетов	2 (VU:R)
8.	<i>Holotrichius apterus</i> (Jakovlev, 1879)**	+	2 (VU:R)	Д.М.Мусаев	2 (VU:R)

Изоҳ: - - тур мониторинг даврида учрамади; + - тур мониторинг даврида учради; * - Ўзбекистон қизил китобига киритилган тур; ** - Ўзбекистон Қизил китобига киритиш учун тавсия қилинган тур.

Шунингдек, яримқаттиққанотлиларни экологик мониторинг қилиш давомида *Reduvius carinatus*, *Reduvius ciliates*, *Vachiria deserta*, *Coranus subapterus*, *Holotrichius apterus* турларининг экологик ҳолати баҳоланди ва бу турларни Ўзбекистон Қизил китобининг 2 (VU:R) мақомига асосан рўйхатига киритиш тавсия қилинади.

Хулоса қилиб айтганда ҳозирда, ҳашаротлар сонининг камайиши ва йўқ бўлиб кетиши, асосан, уларнинг яшаш жойлари (биотоплар) ўзгариши ёки йўқ қилиниши билан боғлиқ. Бу, айниқса, маълум бир шароитларда ҳаётга озгина мослашган ёки ҳар қандай ўсимлик тури билан ривожланиши билан боғлиқ бўлган турлар учун тўғри келади.

Адабиётлар

1. Попов Ю.А. Видовой состав и распространение настоящих полужесткокрылых (Heteroptera) Западного Тянь-Шаня // Фауна и зоогеография насекомых Средней Азии. – Душанбе: 1966. – С.76–78.
2. Кириченко А.Н. Методы сбора настоящих полужесткокрылых и изучение местной фауны. -М. Л.: Изд-во АН СССР, 1957. – С.121.
3. Азимов Д.А. Насекомые Узбекистана. -Ташкент: “Фан”, 1993. -С. 320.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби. –Ташкент: “Чинор”, 2019. –С. 392.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби. II жилд. -Т.: Ҳайвонлар “Chinor ENK” 2019. 374-6.
6. Schuh R.T. Slater J.A. True bugs of the world (Hemiptera: Heteroptera): classification and natural history. – New York: 1995. –P.336.
7. Panizzi, Antônio R., Grazia, Jocélia. True Bugs (Heteroptera) of the Neotropics. – Holland: 2015. –P. 902.
8. Kerzhner I.M. & Josifov M. Miridae. Pp. 1-577. In: Aukema B. & Rieger Ch. (eds.): *Catalogue of the Heteroptera of the Palaearctic Region. Cimicomorpha II. Vol. 3.* The Netherlands Entomological Society. –Amsterdam: 1999. –P. 577.

РЕЗЮМЕ

Тадқиқотлар 2018-2021 йиллар давомида Қизил китобда картадаги нукталарда ва Ўзбекистон республикасининг барча табиий ва антропоген худудларида олиб борилди. Ўзбекистон Қизил китобига яримқаттиққанотлиларнинг уч тури *Reduvius fedtschchenkianus* Oshanin, 1871, *Stenolemus bogdanovi* Oshanin, 1896, *Cercinthus lehmanni* Kolenati, 1891 кабилар киритилган. Бу турлардан фақат *Reduvius fedtschchenkianus* мониторингда аниқланди. Мазкур турнинг замонавий ҳолати олдинги даврга солиштирганда ортгани кўзга ташланади ва бунинг мақомини 2 (VU:R) дан 3 (NT) га ўзгартиришни тавсия қилинади.

РЕЗЮМЕ

Исследования проводились в течение 2018-2021 гг. Красной книге по точкам на карте и во всех природных и антропогенных зонах Республики Узбекистан. В Красную книгу Узбекистана занесены три вида полужесткокрылые *Reduvius fedtschchenkianus* Oshanin, 1871, *Stenolemus bogdanovi* Oshanin, 1896, *Cercinthus Lehmanni* Kolenati, 1891. Из этих видов только *Reduvius fedtschchenkianus* был обнаружен в мониторинге. Современный статус данного вида по сравнению с предыдущим периодом возрос, и рекомендуется изменить его статус с 2 (VU:R) на 3 (NT).

SUMMARY

The studies were conducted during 2018-2021 years according to the points on the map of the Red Book and in all natural and anthropogenic zones of the Republic of Uzbekistan. Three species of semi-shrubs are listed in the Red Book of Uzbekistan: *Reduvius fedtschchenkianus* Oshanin, 1871, *Stenolemus bogdanovi* Oshanin, 1896, *Cercinthus Lehmanni* Kolenati, 1891. The only *Reduvius fedtschchenkianus* was detected in monitoring. The current status of this species has increased compared to the previous period, and it is recommended to change its status from 2 (VU:R) by 3 (NT).

«ДАЎЫТКӨЛ» СУЎ САҚЛАҒЫШЫНЫҢ ҚЫСҚАША ФИЗИКА-ХИМИЯЛЫҚ ХӘМ ГИДРОБИОЛОГИЯЛЫҚ СЫПАТЛАМАСЫ

Г.Б.Алламуратова - биология илимлериниң кандидаты, доцент

Ш.К.Хожабаева - магистрант

Әженияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: сув омбори, паразитар касаллиқлар, балиқ, географик жойлашиши, сувлар температураси, минерализацияси, биоген зотлар, абориген ўсимлиқлар.

Ключевые слова: водохранилище, паразитарные болезни, географическое местоположения, температура воды, минерализация, биогенные вещества, аборигенные растения.

Key words: reservoirs, parasitic diseases, geographic location, water temperature, mineralization, nutrients, native plants.

Хәзирги ўақытлары Өзбекстанның хәр тәрәплеме раўажланыўы ушын тәбияттағы болып атырған экологиялық машқалаларды унамлы тәрәпке өзгерттип, аўыл хожалығы суў системаларынан балық жетистириў максетинде ақылылық пенен пайдаланыў талап етилмекте. Кейинги жыллары суў тамтарыслығының тез-тез қайталаныўына байланыслы көпшилик балықшылық хожалықларының суў хәўизлери истен шықпақта. Соған байланыслы соңғы ўақтлары балықшылық хожалықлары өндирисине гидротехникалық хәм балық мелиорациясы кем-кемнен кирип келмекте, хәўизлерде хәм ашық суў сақлағышларда балық өндирисин жедел раўажландырыў бойынша бир қатар жумыслар исленбекте.

Балықшылық тармағы азық-аўқат қәўипсизлигин тәмийинлеўдиң стратегиялық бағдарларынан бири есапланады. Кейинги ўақытлары бул тараўда алып барылып атырған ис-илажлар, инвестициялар киритиў себепли мәмлекет экономикасының курамында балықшылықтың үлеси избе-из артып бармақта.

Суў сақлағышларда хәм хәўизлерде балық қорларын тиклеў, арнаўлы балық хожалықларында балықтың кеселликлери хәм паразитлери менен гүресийди жолға қойыў әхмийетке ийе болмақта.

«Даўыткөл» суў сақлағышы балықларының өнімдарлығын арттырыў ушын, тийкарынан, паразитарлық кеселликлердиң келип шығыўын есапқа алмай болмайды. Буннан басқа «Даўыткөл» суў сақлағышында балықлардың раўажланыўы экологиялық көрсеткиши бойынша тәбийий суўларға жақын жайласқан [2].

«Даўыткөл» суў сақлағышы балықларының түр курамы Әмиўдәрьяның төменги ағысының улыўма гидрографикалық дизимлерине кириўши аборигенли хәм акклиматизацияланған балықлар менен берилген. Соңғы жыллардағы мағлыўматлар бойынша суў

1-кесте. Қарақалпақстан Республикасы метеостанциясының орташа айлық температуралық хәм т.б. көрсеткишлери

Айлар												Орташа жыллық	Жыллық
I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII		
Температура, град.													
-18	-2,4	6,0	14,4	21,6	26	27	28,1	19,2	11,4	5,2	- 1,6	12,6	-
Салыстырмалы ығаллық, %													
75	72	65,2	54	38	34	41,6	43	45	53	65	76	55	-
Пуўланыўы, мм													
14	20	43	101	192	152	134	106	152	89	42	18	-	1363
Жаўын-шашын, мм													
5,4	6,2	15,1	19,2	8	3,6	5,8	1,4	6,2	6,8	7,8	91	-	94,6

Бизге берилген мағлыўматлар бойынша суў бетиндеги температурасы 2016-жылы орташа 16,3⁰С, 2018-жылы 15,7⁰С болған, қалған жыллар бойынша бундай мағлыўматлар топланбаған (2-кесте).

2-кесте. Суў бетиндеги температура көрсеткиши

Жыллар	Айлар												Орташа жыллық
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
2016	4	-	-	17	23	25	23	23	18	9	5	-	16,3
2018	-	4	11	14	16	20	25	27	22	14	4	-	15,7
2020	-	-	-	-	-	-	24	27	20	12	4	-	-

«Даўыткөл» суў сақлағышы Әмиўдәрьядан «Рисовый» хәм «Қарабек жармыш» каналлары арқалы ағып келген суўларынан пайдаланады. Илимпазлардың мағлыўматларына қарағанда, Әмиўдәрья суўының химиялық курамы хәм минерализацияланыўы жылдан-жылға көбейип баратырғанын көрсетпекте. Әмиўдәрьяның ең күшли минерализацияланған суўының суў сақлағышқа келип түсиўиниң көлеми менен тығыз байланыслы хәм 1,5-3,5 г/л шекем

болып, ол дәрьяның суўлылығы ең аз дәрежеде болғанда март-апрель айларына туўры келеди, ал төмен көрсеткиши жаз айларында суўлылықтың ең аз дәуиринде 1,8-1,9 г/л тең болады [4].

Жаз айларында суўының минерализацияланыўы 1,83-1,94 г/л этирапында болады. Суўдың ионлық курамында натрий хлор (0,1-0,4 мг/л), кальций (0,1-0,5 мг/л), магний (0,05-0,2 мг/л) хэм басқаларына тең болған.

«Даўыткөл» суў сақлағышының тийкарғы физика-химиялық көрсеткиши төмендеги 3-кестеде келтирилген.

3-кесте. «Даўыткөл» суў сақлағышы суўларының тийкарғы физика-химиялық көрсеткишлери

Пробалар алынған орын	Сәне	pH	O ₂ (мг/л)	БПК ₅ , (мгO ₂ /л)	Окислениўи (мгO ₂ /л)	Ульўма қаттылығы (мг.экв/л)
т.№1	08.12.2020	7,9	6,8	-	-	29,1
т.№2	10.12.2020	8,0	6,3	-	-	21,6

«Даўыткөл» суў сақлағышы суўындағы араласып кеткен биогеолик затлардың көрсеткишлери 4-кестеде келтирилген.

4-кесте. «Даўыт көл» суў сақлағышы суўындағы араласып кеткен биогеолик затлардың көрсеткиш мугадары

Пробалар алынған орын	Сәне	Амон. азот	Нитрат-лар	Нитрат-лар	Фосфат-лар	Ульўма темир	Керем-нийдиң еки окиси
т.№1	08.12.2020	0,09	0,001	0,71	0,07	-	-
т.№2	10.12.2020	0,08	0,009	0,44	0,06	-	-

«Даўыткөл» суў сақлағышы азықлық базасы (фито-, зоопланктон, бентос) бойынша мағлыўматлары жоқ болуўына байланыслы олардың есабы фито-, зоопланктонлар г/м³ та есапланып, олардың мугдарлық көрсеткиши - жүдә жоқары, жоқары, орташа хэм төмен көрсеткишлери менен баҳаланған.

Хәзирги ўақыттағы экосистема жағдайының турақсызлығы себепли суў сақлағыштың балықлар ушын азықлық курамы хэм мугдары (зообентос хэм зоопланктон) төмен деп баҳаланған. Бирақ алдыңғы дәуирлерде органикалық затлардың өнимлери - фитопланктоны бойынша бул суў сақлағыш жоқары эвтрофлы типине кирген, бул өз нәўбетинде, бул суў сақлағышта ақ дөнмаңлай балығының жоқары өнимдарлы популяциясының раўажланыўына имканият берген.

Хәзирги ўақытта балықлардың тийкарғы аўқатлық бирлиги болып «Даўыткөл» суў сақлағышының азықлық базасын жақсылаў мақсетинде бул суў сақлағышта жоқары суў өсимликлери типини Azolla carolina хэм басқа абориген өсимликлер менен байтыўдың перспективалық жобасы алға қойылған.

Әдебиятлар

1. Жолдасова И.М., Константиновна Л.Г. и др. Реакция лимнических систем на антропогенное воздействия (на примере Дауткульского водохранилища). -Ташкент: «Фан», 1987. –С.134.
2. Юсупов О. 1988. Паразитические простейшие рыб озера водохранилища Дауыткуль в дельте Амударьи. Сб. «Болезни и паразиты в тепловодном рыбном хозяйстве». –С. 68-71.
3. Жолдасова И.М, Павловская Л.П., Любимова С.К., Уразымбетова Б.К., Темирбеков Р.У. Рыбохозяйственные водоемы дельтовой зоны Амударьи и проблемы устойчивого использования их ресурсов. //Вестник ККО АН РУз. 2002. №5-6. –С. 3-9.
4. Паспорт (водоёма «Дауткуль») рыбохозяйственного водоёма. –Нукус: 2011.

РЕЗЮМЕ

Мақолада «Дауткөл» сув омбори сувининг ҳарорати, асосий физик-кимёвий тавсифи, ундаги биогеолик моддалар, озука базаи ва бошқалари бўйича маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся температурные и основные физико-химические характеристики вод, а также данные о биогенных массах и кормовой базе Дауткульского водохранилища.

SUMMARY

The article presents the temperature and basic physical - chemical characteristics of reservoirs, as well data on biogenic masses and food resources of the Dautkul reservoir.

АНТРОПОТОПОНИМЛАР: НОМЛАШ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ҲУДУДИЙ ТАФОВУТЛАРИ ҲАҚИДА

К.М.Хакимов – география фанлари номзоди, доцент

Жиззах давлат педагогика институтини

К.М.Сейтғаниязов – география фанлари номзоди, доцент

Ажинийез номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: антропоним, антропотопоним, географик объект, жой номи, ижтимоий эҳтиёж, адреслик функцияси.

Ключевые слова: антропоним, антропотопоним, географический объект, топоним, социальная потребность, адресная функция.

Key words: antroponyms, antropotoponyms, geographical object, names of place, social needs, address function.

Кириш. Топонимик адабиётларда ҳар қандай кишининг исми, фамилияси, лақаби, тахаллуси, нисбаси - антропоним (юнонча, антропос - “одам”, оним - “ном”), улар асос бўлиб хизмат қилган географик объектнинг номи антропотопоним (юнонча, топос - “жой”, оним - “ном”) дейилади. Антропонимларнинг ҳудудий тарқалиши, келиб чиқиши, амалда қўлланилиши, этимологияси ҳамда, антропонимик тизимларнинг тузилиши ва ривожланиш босқичларини ўрганадиган соҳа антропонимика деб аталади.

Кишилар исми инсон тафаккурининг ноёб маҳсули сифатида аждоқлардан мерос бўлиб келаётган бекиёс маънавий бойлик ҳисобланади. Уларда халқнинг орзу-умидлари, илмий, диний, фалсафий қарашлари, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, маданияти ва маънавиятига оид маълумотлар мужассам. Бинобарин, кишилар исми оддий сўз эмас, балки ўз қонуниятларига эга бўлган алоҳида атоқли отлар қатламини ташкил қилади.

Ўзбекистонда антропонимларни лисоний жиҳатдан тадқиқ қилишда Э.Бегматов, Т.Нафасов, Ғ.Сатторов, И.Раҳимов, А.Омонтурдиев, Н.Охунов каби олимлар қатта ҳисса қўшганлар. Хусусан, ярим асрдан кўпроқ вақт давомида ўзбек антропонимларини ўрганган таникли олим, профессор Э.Бегматовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Географ олимлардан Ҳ.Ҳасанов ва С.Қораевлар антропонимларнинг жой номларига айланиши ва уларнинг ҳудудий тафовутларини қисман ўрганишган.

Маълумки, антропонимлар турли сабабларга кўра географик объектларга ном бўлиб ўтиши мумкин. Уларнинг тахлили шуни кўрсатадики, антропотопонимлар жой номларининг бошқа турларига қараганда анча беқарор ҳисобланади. Баъзан уларни тузилиши ва семантикаси ҳам ўзгариши мумкин, кўпинча географик объектнинг йўқолиши антропотопонимларнинг истеъмолдан чиқишига сабаб бўлади.

Ишининг мақсади ва вазифалари. Ҳозирга қадар географлар томонидан антропотопонимларнинг яратилиши билан боғлиқ қонуниятлар, уларнинг ҳудудий тафовутлари ва тарқалиш географияси илмий жиҳатдан кам ўрганилган. Шунинг учун, мазкур тадқиқот ишининг асосий мақсади антропотопонимларнинг пайдо бўлиш сабаблари, ҳудудий тафовутлари ва номлаш қонуниятларини илмий манбалар асосида ўрганишдан иборат. Ишда белгиланган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш назарда тутилган: а) антропотопонимларнинг номлаш қонуниятларини ўрганиш; б) ҳудудий тафовутлари ва минтақавий хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш; в) мемориал ва патроним номларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш.

Асосий қисм. Антропотопоним - энг аввало бу сўз ва у барча сўзлар каби лингвистика қонуниятларига бўйсунди. Аммо, уларнинг семантикаси бошқа сўзларга нисбатан тилнинг таркибий қисмларига камроқ боғлиқ бўлади. Бу ҳолат тадқиқотчидан антропотопонимларни ўрганиш жараёнида алоҳида тартиб ва қоидаларга риоя қилишни талаб қилади. Шунинг учун, улардан билиб билмасдан узоклашиш тадқиқот натижаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин [12].

Мутахассисларнинг аниқлашича, антропонимларнинг жой номига, яъни антропотопонимга айланиш жараёни турли омиллар таъсирида кечади. Бу аввало икки тизимнинг бир-бири билан яқин муносабати ва уларнинг ўзаро характерли хусусиятлари билан боғлиқ. Чунки, антропотопонимлар ҳам худди топонимлар сингари индивидуаллашади, кишини, маълум бир шахсни этник белгиси, миллий хусусиятлари, урф-одатлари, ижтимоий-сиёсий қарашларини ўзида ифода этади.

Шу сабабли, ҳам улар орасидаги ўзаро муносабат жуда қадимдан шаклланган. Кўплаб киши номларининг жой номига ёки аксинча жой номларининг киши номларига айланиши худди шу омиллар билан боғлаш мумкин. Антропонимлар топонимга айланиб, барча географик номлар каби ўзининг энг муҳим вазифаси бўлган объектни фарқловчи, бошқалардан ажратувчи, яъни адреслик функциясини бажаради.

Таниқли номшунос олим З.Дўсимовнинг ёзишича, антропонимларнинг географик номга айланишида шахс ва объект муносабати муҳим рол ўйнайди. Аввало бирор ҳудуддаги кишилар ёки шахснинг жамиятда тутган ўрни муҳим белги бўлиб хизмат қилади. Бу белгилар турлича ифодаланиши мумкин, кишиларнинг касби, машғулот, мансаби, этник таалуқлиги, лақаби каби қатор индивидуал турларда акс этади [1].

Дарҳақиқат, кўпгина ижтимоий терминларнинг, лақабларнинг ва баъзи этнонимларнинг топонимга айланишида антропонимлар муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бу хилдаги белгиларнинг кўпчилиги ўз-ўзидан жой номига айланмайди. Улар даставвал киши номи билан бирга қўлланилади. Вақт ўтиши билан турли омиллар асосида жой номига ўтади [2].

Мутахассислар киши исмларининг жой номига, хусусан аҳоли манзилгоҳлари (ойконимлар) га ўтишини хусусий мулкчилик, янги ерларни ўзлаштириш, янги қўрғонлар барпо этиш каби ижтимоий воқелик билан боғлиқлигини қайд қилишган. Масалан, профессор Ю.Аҳмадалиевнинг тадқиқотларига кўра, антропотопонимларнинг вужудга келиши жамиятда синфлар пайдо бўлиши, қулдорлик тузумининг шаклланиши каби ижтимоий воқелик билан боғлиқ. Хусусий мулкчиликка асосланган феодализм даврига келиб худуднинг асосий фарқловчи белгиси сифатида унинг кимга қарашли эканлиги нисбат қилиб олинган. Натижада катта худудлар, қишлоқ ва маҳаллаларга йирик феодаллар, уруғ ва жамоа бошлиқлари, маҳаллий ҳукмдорлар номи берилган [3].

Шу билан бирга, антропотопонимлар кўпинча ном учун асос бўлган шахснинг тарихда эгаллаган мавқеини эслатиб туради. Масалан, милoddан олдин Ўрта Осиёни

забт этган Александр Македонский ғалабаси шарафига Александрия Эсхата (Чекка Александрия) шахрини барпо қилган. Қадимий шаҳарнинг харобалари ҳозирги Хўжанд шахри атрофида топилган. Бухоролик географ олим А.Мавлоновнинг ёзишича, Марказий Осиёдаги иккита - Марғиёна Александрия ва Эсхата Александрия шахрлари ўз даврида жуда катта майдонларни эгаллаб, кўплаб халқлар ва худудларни бирлаштирган македониялик Александр номи билан аталган. Марғиёна Александрия шахрининг харобалари ҳозирги Туркменистондаги Марв шахри яқинида жойлашган [4].

Шахсларнинг исм-фамилияларига қўйилган номлар ҳақида таниқли номшунос олим Ҳ.Ҳасанов шундай ёзган эди, “агар географик карта тилга кирса эди, жами сайёҳ ва жасур йўлбосарларнинг хизматлари намён бўлар эди. Карта кўпгина олим ва денгизчилар - ўша ерни текширган, ўша ердан сузиб ўтган ёки муҳим асар ёзганларнинг номларини мангу сақлайди” [5]. Тасман денгизи, Федченко музлиги, Миклухо-Маклай қирғоғи, Гудзон қўлтиғи, Дежнёв бурни каби минглаб номлар шулар сирасига қиради.

Буюк географик кашфиётлар даврида, янги кашф қилинган географик объектларга кўпинча, янги ер оқувчи, номаълум ўлкаларга бориб, жонини гаровга қўйган тадқиқотчи олимлар, сайёҳларнинг номларини бериш анча кенг тарқалган. Улар қаторига Левингстон - шаршара; Магеллан - бўғоз; Кук - орол, бўғоз, тоғ; Стенли - шаршара; Беринг - бўғоз, денгиз; Амундсен - денгиз; Флиндерс - орол, тоғ, дарё ва бошқаларни киритиш мумкин [7].

Карталарда тарихий шахслар, саркардалар, давлат арбоблари номлари ҳам мўхрланган. Петр I, Вашингтон, Хошимин, Виктория, Мак-Кинли, Александр каби давлат ва сиёсат арбоблари номига қўйилган географик объектлар бунга яққол мисол бўлади. Яқинда, Қозоғистон пойтахти Астана шахрининг номи ҳам, мамлакатнинг биринчи президенти, елбаси Нурсултон Назарбоев шарафига Нурсултон деб ўзгартирилди.

Урта Осиёнинг энг баланд чўққиси (Помирда, 7495 м.) - Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний номи билан аталган. Прежевалский, Северцов, Корженевский, Мушкетов, Ошанин, Федченко каби атоқли олимларнинг номлари ҳам, турли географик объектларга берилган. Жаҳон фани, маданияти, маънавияти тараққиётига буюк ҳисса қўшган алломаларнинг, ватан озодлиги, мустақиллиги учун курашган, жонини фидо қилган ватанпарвар номлари ҳам жой номларида мангу сақланади. Баъзан, давлат бошлиқлари, подшоҳлар, сайёҳ ва тадқиқотчиларнинг севиқли кишилари, хатто қароқчилар номлари ҳам картада абадийлашиб қолган. Масалан, Англия қироличаси Виктория номи билан қўл, машҳур денгиз қароқчиси Дрейк номи билан бўғоз аталган [5].

Кишиларнинг исм-шарифи, тахаллуси билан боғлиқ номларни икки турга - мемориал ва оддий номларга ажратиш мумкин. Мемориал номларга ҳақиқий буюк кишилар, яъни замон, жамият қандай бўлишидан қатъий назар ҳурмат билан тилга олинадиган, бутун инсониятга хизмат қилган шахслар номларини киритиш мумкин. Бундай номлар ҳар қандай жамиятда сақланиб қолади. Аммо, қандай номлар мемориал ном эканлигини вақт белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, қадимдан Ўрта Осиё ҳудудида маълум - машҳур кишиларнинг номларини шаҳар-қишлоқларга қўйиш расм бўлмаган, аксинча шоирлар, олимлар ва бошқа машҳур кишилар ўзлари туғилиб ўсган жойнинг номини кўпинча нисба қилиб олиб, жонажон ўлкаларини дунёга машҳур қилганлар. Уларга Имом Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Абўнаср Форобий, Қафқол Шоший, Абўлайс Самарқандий каби дунёга машҳур алломалар нисбалари мисол бўлади. Ҳозирги кунда аждодларимизнинг ана шу олийжаноб аъёнасини давом эттирсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирда айрим географик объектларга уламолар, азиз-авлиёлар, ислом динининг йирик намояндалари номи берилган. Қўпинча, географик объектнинг ижтимоий-экологик мувозанатини сақлаш мақсадида антропопонимлардан фойдаланишган. Бундай номлашлар биринчидан, ўша масканларга зиёратчилар сонини кўпайиши ва диний туризмни ривожланишига замин яратган бўлса, иккинчидан, худуд табиатини асраб-авайлаш ва маҳаллий аҳолида мазкур объектга нисбатан эгалик ҳиссини шакллантириш учун хизмат қилган [14].

Шўролар даврида мафкуравий антропопонимларга катта эътибор берилган эди. Уларнинг кўпчилигини коммунистик партия дохийлари ҳамда совет тузуми жонкуярларининг номлари ташкил қилган. Ленин, Калинин, Киров, Свердлов, Дзержинский, Жданов каби кўплаб номлар ана шу давр маҳсули ҳисобланади. Маълумки, илмий пойдевори мустақкам бўлмаган ҳар қандай устқурма бир кун бўлмаса бир кун барбод бўлади. Совет давлати парчаланиб кетгандан кейин, бундай «қизил» номлардан воз кечилди, улар ўрнига янги номлар берилди ёки тарихий номлари қайта тикланди [8].

Ҳозирги вақтда антропопонимлар дунёнинг барча минтақалари топонимияси таркибида учрайди. Албатта, Ўзбекистон топонимияси бундан мустасно эмас, мамлакатимизда ҳам кўча, майдон, хиёбон, боғлар, гузар, маҳалла, корхоналар, муассасалар, аҳоли пунктлари, геологик, табиий ва бошқа бир қатор географик объектларга давлат, жамоат арбоблари, ватан химоячилари, фан, маданият арбоблари ва бошқа алоҳида хизмат кўрсатган одамларнинг номини бериш орқали антропопонимларни катта қатлами яратилган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда географик объектларга кишилар номини беришни тартибга солиш мақсадида бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида 2011 йилда қабул қилинган «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қонунда илк бор географик объектларга одамларни исми-шарифини бериш тартибга солинди. [9].

Қонунда белгиланган нормадан шундай хулоса келиб чиқадики, фақат истисно тариқасида Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг номи географик объектларга берилиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, географик объектларга кишилар номини бериш зарурияти пайдо бўлиб қолган тақдирда антропопонимлар моделининг грамматик

жихатдан ўзбек тилига мос, энг тўғри ва мукамал типни антропопоним ҳамда обод, қишлоқ, овул, маҳалла, кўрғон, тепа, дашт, боғ каби географик терминлардан иборат бўлган шакли ҳисобланади.

Географик объектларни антропопонимлар билан номлашнинг ижобий томонларини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Машҳур кишиларнинг ҳамини топонимлар сифатида абадийлаштириш аслида ёмон иш эмас, аммо бу ишни пухта ўйлаб, оқилона амалга оширилган маъқул. Мабодо, географик объектга ном сифатида антропопонимларни танлаш зарурияти пайдо бўлса, унда, қонунда белгилангандек, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар номини тавсия қилиш мумкин.

Энг аввало, улар бизга буюк аждодларимизни, замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари ва порлоқ келажагимизни доимо эслатиб туради. Қолаверса, миллий антропопонимларнинг ўзига хос жозибаси бор, улар халқимизда авлод-аждодлари кимлигини яхши билиш ва содиқ ворис бўлиш каби туйғуларни шаклланишига ёрдам беради. Бундан ташқари, антропопонимлар бошқа турдаги номлар каби тил бойлигимиз, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий қиёфамизни намоён қилиб туради. Уларнинг муҳим тарбиявий аҳамияти ҳам бор, ёшларимизда фахр ва ғурур туйғусининг пайдо бўлишига кўмаклашади.

Шунинг учун, антропопонимларни илмий жихатдан тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Улар халқларнинг этник келиб чиқиши, тили, этногеографик хусусиятлари, тарқалиш ареали, миграцияси каби масалаларни ойдинлаштириш имкониятини беради.

Хулоса. Бажарилган тадқиқот натижаларига таянган ҳолда, қуйидаги хулосаларни баён қилиш мумкин:

- антропопонимлар бугунги кунда дунёнинг барча минтақалари топонимияси таркибида учрайди;
- Ўзбекистон топонимиясининг энг устки стратиграфик (тарихий) қатлами антропопонимларнинг кўплиги билан ажралиб туради;
- яқин ўтмишда географик объектларга давлат, жамоат арбоблари, ватан химоячилари, фан, маданият арбоблари ва бошқа алоҳида хизмат кўрсатган одамларнинг номини бериш орқали антропопонимларнинг катта қатлами яратилган;
- қадимдан шарқда географик объектларга кишилар номини бериш расм бўлмаган, ҳозир ҳам амалдаги қонун талабларидан келиб чиқиб аждодларимизнинг ана шу анъанасини муносиб давом эттирсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар

1. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. -Т.: 1997.
2. Караев С. Топонимия Узбекистана с топонимическим словарём. -Т.: 2015. –С.500.
3. Ахмадалиев Ю. Фарғона вилояти топонимлари. –Фарғона: 2009.
4. Мавлонов А. Македониялик Александр бунёд этган шаҳарлар географияси. Ўзбекистон география жамияти Ахбороти. 55-сон. 2019.
5. Ҳасанов Ҳ. Танланган асарлар. -Т.: 2019. 335- б.
6. Мурзаев Э.М. География в названиях. -М.: 1987.
7. Nakimov Q.M. Toponimika. -Т.: 2016.
8. Ҳакимов Қ.М. Жиззах вилояти топонимлари. –Жиззах: 2014. 204-б.
9. Ҳакимов Қ.М. Антропопонимлар ва уларнинг худудий тафовутлари ҳақида. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. –Тошкент: 47 жилд. 2016, 138-141-б.
10. «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2011.
11. Бегматов Э. Исmlарнинг сирли олами. -Т.: 2014.
12. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1-жилд. -Т.: 2000.
13. Гафуров А. Имя и история. -М.: 1987.
14. Комилова Н.Ў. Этноэкологик маданиятнинг географик жихатлари (Фарғона водийси мисолида). География фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019.

РЕЗЮМЕ

Мақолада жой номига айланган антропопонимларнинг худудий тафовутлари, тарқалиш географияси, шаклланиш қонуниятлари ва минтақавий хусусиятлари ўрганилган. Шу билан бирга, антропопонимлар аниқ мисоллар ёрдамида тадқиқ қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются некоторые закономерности наименования и территориальное различия антропопонимов, а также, их научное, политическое и практическое значения. Кроме того на конкретных примерах изучены происхождения и этимология некоторых антропопонимов.

SUMMARY

This article is viewed some laws of names and territorial variety of antropotoponims, as well as their scientific, politic and practical significance. Also with concrete examples are researched their origins and etymology of some antropotoponims.

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

Tariyx. Huqıqtanıw. Ruwqıylıq tiykarları

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК: ФИКРЛАР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Я.А.Абдуллаева – тарих фанлари доктори, доцент

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: гендер, дунё, Марказий Осиё, Ўзбекистон, хотин-қизлар, парламент, депутат, гендер маданият, оила.**Ключевые слова:** гендер, мир, Центральная Азия, Узбекистан, женщины, парламент, депутат, гендерная культура, семья.**Key words:** gender, world, Central Asia, Uzbekistan, women, parliament, MP, gender culture, family.

Муайян ижодкорнинг услуби ўзининг бадий-эстетик мушоҳадаларини намоён қилувчи кўзгу кабидир. Унда шахс руҳияти, маҳорати, сўз танлашидан, характер яратишгача бўлган ораликдаги турли-туман изланишлари инъос топади. Назар Эшонкул ижоди борасида шуни қайд этиш жоизки, Франц Кафка каби рамзий-мажозий талқин устуворлиги нафақат ҳикояларида, балки қатор қиссаларида ҳам ёрқин рангларда зухур этилади. Бу борада тадқиқот олиб борган Н.Чўлиева шундай ёзади: “Жаҳон адабиётида метаморфоза тасвирдан машҳур ёзувчи Кафка ҳам унумли фойдаланган. Кафканинг “Эврилиш” ҳикоясида қаҳрамоннинг кераксиз ва жирканч ҳашаротга айланиб қолган одам қиёфаси тасвирланади. Кафкада бу ҳодиса бироз бошқачароқ, яъни у англаторчи бўлган ҳақиқат дажирканч жамиятда одам бўлиб яшашнинг маънисини йўқ, деган фикр кўриниб туради” [4:124]. Бадий адабиётда метаморфоза ҳодисаси антик юнон адабиётига бориб тақалади. Бундай мифологик талқинлар янги давр ҳикоячилигида “янги замон мифи”ни юзага келишига туртки бўлиши табиий. Чунки адиб ҳикояларида инсоннинг тафаккуридаги олий туйғуларнинг жамият ичқарисиди кадрисизланиши оқибатида онг ва туйғуда кечаётган эврилишлар тарзида юзага келиши очикланади. Адибнинг “Зулмат салтанатига саёҳат” номли ҳикоясида қуйидаги тасвирларга рўбарў келамиз:

“Менга машҳур адиб М. ҳақида мақола ёзиш топширилганда, ишни нимадан бошлангани билмай қаловланиб қолдим. М.бугунги кунда унутилган ёзувчига айланган бўлса-да, ҳали ҳам кўплар у ҳақида бирон жиддий хулоса айтишдан кўрқижар, ўша – олис йиллар ортида унга адабиёт фахри сифатида ўрнатилган салобатли ҳайкал ва ҳали ҳам жавонларда кўпдан бери кутиб ўқилмай қўйган ёстикдай китобларда тутиб ётган доврўғи ҳар қандай одамни эсанкиратиб кўярди. У пайтлар М.энг кўп нусхада чоп этилган ва энг кўп муқофоту унвонлар олган, энг кўп эътироф этилган ёзувчи саналар, ўша пайтда адабиётнинг тўрида ўтирган ёзувчилардан эди” [5:55].

Ёзувчи ҳикояда худди Кафка сингари воқеликни тўғридан-тўғри “ҳикоя ичида ҳикоя” қилиш усулидан бошлайди. Ислар ҳам худди бош ҳарф билан бошланиб, барча характер битта ҳар моҳиятида бирлашади. Адиб бундай усулни кўпчилик асарларида қўллаб, одат тусига айлантриб юборгани сир эмас. Энди ҳикоянинг мавзусига қайтамиз. Ҳикояда зулмат ниманинг рамзи? Ёзувчи бир пайтлар донгдор адиб ҳақида мақола ёзишни ният қилиб, М. исмли қаҳрамоннинг бутун ҳаётини худди катта роман каби нореалистик тарзда ҳикоя қилиб беради. Адиб ҳикояда катта бир романга хос бадий тафаккурни сиқик бир тарзда қайта идроклайдики, худди М.нинг “маънавий таназзул уйи”ни ўқувчи кўз ўнгиди гавдалантира олади. Бадий бўёқдорлик икки хил усулда намоён бўлади: биринчиси, М.нинг яқин сирдоши, севгилиси қиз орасида кечган аянчли ҳаёти бўлса, иккинчиси Қ. исмли разил бир душман билан боғлиқ воқеалар галерияси ташкил қилади.

Ҳикоя ичида ҳикоя қилиш Назар Эшонкулда поэтик услубни юзага чиқаришнинг энг маъқул шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Яъни ёзувчи бу усул билан ҳам қаҳрамонни бутун-мураккаблигини, ҳам ўз олдига қўйган ижодий ниятини тўла-тўқис амалга оширишга қаратилгани билан эътирофга лойиқдир. Ўқувчи мана

шу хикояда М.нинг қисмати ҳақида мақола ёзиш изидан келиб чиққан собиқ иттифоқ даврининг яққаоқимлиги, ижтимоий тенгсизлик ва адолатсизлик, мисли кўрилмаган зулмат тарихида қанчадан-қанча истеъодларнинг йўқ бўлиб кетиши назарда тутилган бўлса, ажаб эмас. Ҳикоя бошдан-оёқ рамзий усулда намоён бўлади. Ҳар бир исм бир қатта код (махфий) вазифасини бажарувчи бўлиб, инсон ботинида азалдан яшаб келаётган ёвузлик кучлари сингари талкин қилинади. Ёзувчи ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ҳикояни “Зулмат салтанатига саёҳат” деб номлаши ҳам бежиз эмас. Ҳикоя воқеалари аксарият тунда содир бўлади. Баъзан тун, зулмат, қоронғулик, ёлғизлик худди Кафка талкинлари каби жамият ҳаётини мўрмалахдай босиб келаётган ёвузлик кучларига қаратилган бир ички эҳтиёж сифатида кўриш лозим. Адиб ана шу жиҳатларни бир-бирига зид равишда тасвирлайди.

Адиб М.нинг табиатидаги шахс сифатидаги инкирозини унинг асарлари тимсолида ҳам баҳолай оладидики, буни куйидаги тасвирлар орқали ҳам билиш мумкин:

“М. шунча йил телба, мажруҳ одамлар орасида ёлғиз яшашга мажбур бўлганди. Инсонни ёруғ хилкат сифатида кўргани сайин у ўзини майиб-мажруҳлар, касал, телба одамлар орасига шунчалар кўпроқ яширганди, у сотқинлик, хиёнат, кўркувни қайта-қайта тасвирлар, асарларини сотқин кишиларнинг дунёсига айлантлар экан, ана шу йўл билан ўзини таҳлил қилар ва бу билан ўзини ҳам фош этарди. Ҳар қалай, мен шу хулосага келгандим. У зўрлик ва зулми шунчалик кўп тасвирлагандики, қаҳрамонлар нафақат шу зўрлик маҳсуллари, балки унинг ажралмас қисмига айланиб қолгандилар: зўрликни бутун даҳшати билан тасвирлаш М.кутгандек – зулмга нафрат эмас, ундан ҳайқиш, унга муҳаббат пайдо қилганди: бу қаҳрамонлар ўзларининг қул, муте эканликлари билан фахрланиш даражасига етган эдилар”[5:69].

Кўриб ўтганимиздек, адиб ҳикояларида нореалистик талкин хилма-хиллиги ва тасвир ўзига хослиги яққол намоён бўлган. Бундай тасвирларда инсоннинг маънавий инкирози билан моддий фожеаси ҳам адашишлар ва йўқотишлар бағрида қайта баҳоланади. У қаҳрамонларини бир муҳитда теран таҳлил қилади. Аввало, давр ва замон туғумларига тобе ва қул яшаган образлар тизими ёзувчининг Ғарб адибларининг XX аср бошларида қўллаган тасвир экзистенциясини барқарорлаштиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиш жоизки, ҳикоя-истиора шакли Назар Эшонқул асарларининг ажралмас бир қисмига айланди. “Ҳикоя тили рамзлар силсиласига қурилади. Асар композицияси ўрнини истиора қолипи (мегафорик модел) эгаллайди. Натижада ҳикоянинг макон-замон қамрови улканлашади. Маъно кўлами кенгайди. Шуларнинг барчасини ўзида мужассам этган кичик эпик жанрдаги асар шак-шубҳасиз ҳикоя-истиора бўла олади ва у табиий равишда қатта эпик жанрлар билан баҳса киришади”[1:260]. Бинобарин, мазкур манбага кўшимча қилиб шунини айтиш мумкинки, воқелик қанчалик сирли, сеҳрли, адабий бир стереотипга айланиши учун қарийб бир аср вақт ўтган бўлса ҳам ҳалигача бунинг тадрижий ривожланиш қонуниятлари юзга чиқаётгани сир эмас. Айниқса, талкин ва тасвирдаги кўп қатламлик адиб асарларида архитектураник бир бутунликни ҳосил қилиб бормоқда.

Зеро, услубий ўзига хослик жиҳатидан ёзувчи ҳар қанча ғарб адабий аънавалари синтезига мурожат қилмасин, ўзининг ягона фалсафий-эстетик олами, сўзи, ижодий концепцияси, адабий мушоҳадаси алоҳида бир йўналишга эврилди. Натижада ёзувчи ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, инсон руҳиятига ичдан кириб бориш малакаси салафлари қаторида олдинда эканлигини тўлалигича исботлаб улгурди. Бу жиҳати билан адабиётда янги ҳикоя қилиш тарзининг вужудга келишига кенг йўл очиб бераётгани фикримиз далилидир.

Адабиётлар

1. Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари. –Т.: “Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 2015. 260-б.
2. Пардаева З. Ўзбек романи поэтикаси. –Т.: “Фан”. 2003. 29-б.
3. Холдоров Д. Руҳий таназзул тасвири //https://jahonadabiyoti.uz/2017/12/01/ дилмурод-холдорров-руҳий-таназзул-тас/.
4. Чулиева Н. Ижодкор маҳорати ва жанр поэтикаси. (Н.Эшонқул қиссалари мисолида).Филолгия фанлари бўйича фалсафа док.дисс. –Қарши: 2020. 124-б.
5. Эшонқул Н. Момоқўшиқ. Қисса ва ҳикоялар. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 2019. 55-б.
6. Эшонқул Н. Момоқўшиқ. Қисса ва ҳикоялар. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 2019. 69-70-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек адабиётида нореалистик талкин ўзига хослигининг намоён бўлиш омиллари Назар Эшонқул ижоди негизда талкин қилинади. Адиб ҳикояларида зулмат ичра нур қидираётган қаҳрамонлар табиати таҳлилга тортилиб, жаҳон адабиёти намоёндаланиш илҳомланиш йўсинларига муносабат билдирилади. Айниқса, маънавий таназзул ва мутелик адиб қаҳрамонлари руҳиятини очиб бериш қалити эканлиги даъво қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются факторы проявления своеобразия нереалистической интерпретации в узбекской литературе на основе творчества Назара Эшанкула. В рассказах писателя анализируется характер героев, ищущих свет во тьме, и выражаются пути вдохновения представителей мировой литературы. В частности, душевный упадок и немота - ключи к раскрытию психики героев писателя.

SUMMARY

The article analyzes the factors of manifestation of the originality of unrealistic interpretation in Uzbek literature based on the work of Nazar Eshankul. In the writer's stories, the character of the heroes looking for light in the dark is analyzed, and the ways of inspiration of representatives of world literature are expressed. In particular, mental decline and dumbness are the keys to revealing the psyche of the writer's heroes.

“MASNAVIYI MA’NAVIY”DA OLGISH ASOSIDA YUZAGA KELTIRILGAN ODDIY FOLKLORIZMLAR

U.S.Azimov - *tayanch doktorant*

Buxoro davlat universiteti

Tayanch soʻzlar: maqol, matal, olqish, qargʻish, iboralar, yozma adabiyot, oddiy folklorizm.

Ключевые слова: пословица, притча, ликование, проклятие, фразеологизмы, письменная литература, народный фольклор.

Key words: proverbs, sayings, applause, curses, phrases, written literature, simple folklorism.

Folklor va yozma adabiyot munosabatlari ikki adabiyot paydo boʻlganidan buyon davom etadi. Ammo bu adabiyotlarning oʻzaro aloqasi, bir-biriga taʼsirini tadqiq etish XX asr adabiyotshunosligi bilan bogʻliq. Dunyo folklorshunosligi va adabiyotshunosligi oʻz obyektini

asrlardirki, oʻrganib kelmoqda. Ammo xalq ogʻzaki badiiy ijodining yozma adabiyotga taʼsirini oʻrganish boshlanganiga, oʻzbek adabiyotshunosligi misolida aytganki, bir asrdan oshdi. Bu jarayon XX asrning 40-60-yillarida folklor anʼanalari sifatida oʻrganilgan boʻlsa, 70-80-yillarida folk-

lorizm sifatida tadqiq etildi. Biz oddiy folklorizmning tarjimashunoslikdagi o'rnini bilan bog'liq ba'zi jihatlarda haqida fikr yuritmoqchimiz.

O'zbek adabiyotshunosligida oddiy folklorizm dastlab ustoz adabiyotshunos B.Sarimsoqov [1] maqolalarida, keyinchalik olimlar I.Yormatov [2] va L.Sharipovalarning [3] nomzodlik dissertatsiyalarida tadqiq etildi. Hozirda aksariyat tadqiqotlarda oddiy folklorizm bilan bog'liq tarzda fikr yuritib, ma'lum tahlillar amalga oshirilmoqda. Ammo tarjima jarayonida aslyatda mavjud oddiy folklorizmlarning qay taxlit tarjima qilinishi, ma'lum asar bag'ridagi bir xalqning maqoli, olqishi kabilarni qanday tarjima qilishning o'zi alohida masalaki, bu jarayon atroflicha o'rganilgan emas.

Adabiyotshunos B.Sarimsoqov yozma adabiyotda "xalq maqollari, matallari, yumuq iboralar, og'zaki nutq uchun xos ifoda hamda oborotlarning qo'llanishini oddiy folklorizm"[1] deb hisoblaydi. Olima L.Sharipova esa "Maqol va matal folklor janri, buning ustiga ularni badiiy asar tarkibidan topish oson va ular ixcham bo'lgani sabab oddiy folklorizm sanalsa, bizningcha, qarg'ish va olqishni ham murakkab folklorizmning analitik folklorizm ko'rinishiga mansub demasdan oddiy folklorizm deyish ma'qul" degan xulosani o'rta taqashlaydi hamda qarg'ish va olqishning hajman ixcham, nutqda tayyorligi, yozma badiiy asar tarkibidan topish osonligini ta'kidlash orqali fikrini dalillaydi [4]. Biz ushbu fikrlarni asosli sanab, yozma adabiyot tarkibiga kirgan olqishni oddiy folklorizm sifatida o'rganishga kirishdik. Jaloliddin Rumiyning "Masnaviyi ma'naviy"ida ko'plab olqishlardan unumli foydalanilgan.

Avvalo, olqish janriga to'xtalsak, Mahmud Qoshg'ariyning "Devonu lug'oti-t-turk" asarida "alqish" so'ziga shunday izoh beriladi: "Olqish, maqtash, duo qilish, tabrik, birovning yaxshi xislatlarini eslash"[5]. "Alqadi", ya'ni "duo qildi", "olqishladi", yani "maqtadi" fe'llari ot so'z turkumiga oid "alqish" so'zidan hosil bo'lgan. Vaqt o'tib folklorida olqish janri yuzaga kelgan. Janrga xoslik "Devonu lug'oti-t-turk"da "alqish" so'ziga berilgan izoh bilan bog'liq. Ko'rinadiki, og'zaki badiiy adabiyotga oid bu janr nekbin odamlar tomonidan duo tarzida aytilgan. Folklorida so'z magiyasiga asoslangan janr hisoblangan, xalq yaratgan olqishlar yozma adabiyot tarkibida kelar ekan, oddiy folklorizmga aylanadi.

"Masnaviyi ma'naviy"ning "Birinchii daftar"ida "Nasroniylarning vazir makr-u hiylasiga uchishi bayoni" hikoyatida shunday satrlar bor:

Ul esa noibi dajjoli la'in,

Ey Xudo, bizni balodin asragin[6].

Bu satrlardagi mohiyatni anglash uchun hikoyatni, zarur bo'lsa, undan oldingi hikoyatlarni o'qish lozim. Juhudlarning podshosi nasroniylarni o'ldira boshlaydi. Makkor vaziri ularni o'ldirish emas, dinidan qaytarish, din yo'lidan adashtirish uchun makr ishlatish lozimligini maslahat beradi. Vazirning hiylasiga ko'ra shoh vazirning qo'lini, qulog'ini kesdiradi, burnini ezdiradi. Juhud vazir hammaning oldida Iso payg'ambarni ulug'laydi. Dorga osdirishga shaylangan shoh tayyorlab qo'yilgan odamning "Avf aylang", - degan iltimosiga ko'ra vazirini olis shaharga badarg'a aylaydi. Rejaga ko'ra vazir nasroniylarning ishonchiga kirib, "qilni qirq yoruvchi as'hoblarni" ham garang aylab, "Noibi Iyso" deb madh etiladi. Shoir vazir asragidanoibi dajjoli la'in, baloga barobar ekanini ta'kidlab, Allohdan panoh so'raydi. Ayni shu o'rinda "asragin" olqishini qo'llab, oddiy folklorizmni yuzaga keltiradi. "Asragin" olqishi doimo to'ldiruvchisi bilan birgalikda birlik holatida kelib, nimadan asrash lozimligini oydinlashtirib keladi: "o'limdan asragin", "ofatdan asragin", "yomonlikdan asragin"... Ko'rinadiki, bu olqish Allohdan himoya so'rash bilan bog'liq. "Allohim asrasin!", "Rabbim, o'zing asra!" kabi shakllarda kelar ekan, "kimni, nimadan?" so'roqlariga javob bo'lsa, duo kimga, nega aytilgani ayon bo'ladi. Balo yomonlikning ofat keltiruvchi ko'rinishi

bo'lib, uni yengish uchun Allohning ko'magi zarurligi folklor namunalarida ko'p bor tasvirlangan. Makr, ayniqsa, e'tiqodni sustlashtiradigan hiyla baloga barobar. Shoiring fikrlarini tarjimon to'g'ri ifodalay olgan.

"Omon bo'l" olqishi keng tarqalgan olqishlardan bo'lib, shu holicha ham olqish sanaladi va qo'llanadi. Ammo o'z to'ldiruvchisi bilan birga kelishi ham mumkin. "Asragin" fe'li Tangridan so'rash orqali aytilgan bo'lsa, "omon bo'l" olqishi insonlarga, badiiy adabiyotda hayvonlarga, qushlarga, hatto jonsiz narsalarga nisbatan qo'llanishi mumkin. "Birinchii daftar"da "Xalifa Laylini ko'rgani hikoyati" bor. Bu hikoyatda shunday deyiladi:

Domanidin tut uni sen, begumon,

O'fati oxirzamonidin bo'l omon [6:20].

Ko'rinadiki, olqish "oxirzamon ofatidan omon bo'l" tarzida qo'llanmoqda. Ammo shoir oddiy folklorizmni yuzaga keltirar ekan, omon bo'lishning sharti borligini aytadi. Shoir avliyo Xudoning yerdagi soyasi ekanini, uning etagini tutish lozimligini ta'kidlaydi. Hikoyatni shunday yakunlaydi:

Mardi Haq bo'l, bo'l hasaddin beg'ubor,

Bizga o'xshab sen uni tuproqqa qor [6:20].

Yuqoridagi baytning birinchii satri olqish bo'lib, oddiy folklorizm yuzaga kelgan. Shoir lirik qahramonga hasaddan beg'ubor bo'lishni tilamoqqa. Ayni damda, muallif hasadni tuproqqa qorish lozimligini aytib, o'zi bu yo'lni bosib o'tganini aks ettirmoqda. Hasaddan xoli inson Allohning mardii ekanini ta'kidlamoqda. Bu o'rinda avliyoning darajasi ifoda etilgan.

Olqishlar haqida so'z ketganda, tilak bilan olqishning aloqasi haqida fikr yuritish lozim. Negaki tilak qilish asosida olqish janri yuzaga keladi, ammo hamma tilak ham olqish bo'lavermaydi. Ayrim tilaklar olqish darajasiga ko'tarilmay qoladi. Chunki bir insonning uzoq umr ko'rishi, baxtli bo'lishi kabilarni ikkinchi bir inson yaratgandan iltijo qilib so'rashi orqali olqish yuzaga keladi. Ammo shunchaki tilak bildirilsa-yu, Allohdan so'ralmasa, olqish janri namunasi yaratilmaydi:

Lablaring yum, zar to'la kaftingni och,

Ziqnalikni qo'y, saxoga ber rivoj [6:167].

Bizningcha, bu satrlarda tilak bor, ammo tilak olqish darajasiga ko'tarilmagan. Olqish ham tilakdan yuzaga kelishini inobatga olsak, janr holatiga kelgan tilak bilan olqish bo'la olmagani niyatning farqiga borish kerak. Ammo bu oson jarayon emas. Nazarimizda, tilakning yuzaga chiqishida insonning roli yetakchi o'ringa chiqsa, olqish bo'lolmaydi. Bildirilgan tilak ijrosi Allohdan so'ralsa, tilak amalga oshsin deb xudoga iltijo qilinsa, folklorning olqish janri yuzaga keladi:

O'chmasin yongan chirog'ing to shu tob,

Sen pilikni sozla, so'ng yog' qo'y shitob [6:167].

"O'chmasin yongan chirog'ing" olqish namunasi bo'lib, oddiy folklorizm yuzaga kelgan. Shoir uzoq umr tilab qilingan duoni betakror tarzda keltirmoqda. Ammo chiroq o'chmasligi uchun pilikni sozlash, yog' qo'yish lozimligini ta'kidlayotgan shoir inson o'zini o'zi isloh qilishi lozimligini uqtiradi.

Odatda, olqish -sin qo'shimchasi bilan tugaydi. Ayrim o'rinlarda "inshoalloh", "xudo xohlasa" so'z yoki so'z birikmasi keltiriladi. She'riyatda esa olqish yuzaga keltirgan oddiy folklorizmlar vaznga solinadi va qofiya tartibiga amal qilingan holda beriladi, "inshoalloh", "xudo xohlasa" birikmalari deyarli uchramaydi. Ammo mohiyat ortida yashirin bo'ladi:

Shukr qil, mag'rur oyin bo'lmagil,

Ol quloqqa so'zni, xudbin bo'lmagin [6:106].

Odatda, olqishlar yuzaga keltirgan folklorizmlarda bo'lishsizlik shakli -ma ishlatilmaydi. Ammo nuqsonlardan himoya istab aytilgan olqishda inkor shakli qo'llanishi mumkin. Masalaning yana bir jihati borki, olqishlar yuzaga keltirgan oddiy folklorizmlar bilan Allohga munojot tarzida

aytilgan satrlar o'xshab qoladigan o'rinlarda e'tiborli bo'lish, bu ikki holatni farqlash zarur. E'tibor qiling:

Noumid bo'lma, o'zingni shod qil,

Ulki faryod tinglagay, faryod qil [6:106].

"Noumid bo'lma" olqishi oddiy folklorizmni yuzaga keltirgan. "O'zingni shod qil", "faryod qil" tilak ma'nosini tashigan. Navbatdagi satrlar Allohga iltijo sifatida yaratilgan, oddiy folklorizm emas:

Ey mudom avf aylaguvchi, avf qil,

Ey tabib, bu dardimizni daf qil [6:106].

Odatda, olqish so'zlovchi tomonidan tinglovchi yoki o'ziga aytiladi. Olqish yuzaga keltirgan folklorizm insonga yaxshilik istash, insonni duo qilish asosida yuzaga kelar

Adabiyotlar

1. Sarimsoqov B. Folklorizmlar tipologiyasiga doir. // O'TA, 1980. №4. 39-42-b.
2. Ёрматов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е начало 80-х годов) КД. -Т.: 1985. -С.36-38.
3. Sharipova L. XX asrning 70-80-yillari o'zbek she'riyatida folklorizmlar: filol.fan.nomz. ...diss.avtoref. -Toshkent: 2008. 12-13-b.
4. Sharipova L. She'riyat va folklor. Monografiya. -Toshkent: 2019.
5. Mahmud ibn Husayn ibn Muhammad Qoshg'ariy. Turkiy so'zlar devoni (Devonu lug'oti-t-turk). 3 jildlik. 1-jild. -Toshkent: «Mumtoz so'z», 2016. 84-b.
6. Mavlono Jaloliddin Rumiy. Masnaviyi ma'naviy. Birinchi daftar. Forsiydan Jamol Kamol tarjimasi. -Toshkent: "Meriyus" XHMK, 2010. 19-b.

РЕЗЮМЕ

Xalq maqoli, matali, olqish va qarq'ishi, iboralari yozma adabiyotda qo'llansa, oddiy folklorizm yuzaga keladiki, bu adabiyotshunoslikda yetarlicha o'rganilgan. Ammo tarjima qilingan asarlarda bu jarayon qanday kechishi deyarli tadqiq etilmagan. Ushbu maqolada "Masnaviyi ma'naviy"ning o'zbekcha tarjimasida uchragan oddiy folklorizmlar haqida fikr yuritilgan.

РЕЗЮМЕ

В этой статье рассказывается употребление пословиц, поговорок, аплодисментов и ругательств в фольклорных текстах, хорошо изученный в литературе. Однако исследование того, как этот процесс происходит в переводных произведениях, почти нет. В данной статье рассматриваются простые фольклоризмы, встречающиеся в узбекском переводе «Masnaviyi ma'naviy / Культурные Сокровища».

SUMMARY

This article describes the use of proverbs, sayings, applause and curses in folklore texts, well studied in the literature. However, there is almost no research into how this process occurs in translated works. This article examines simple folklorisms found in the Uzbek translation "Masnaviyi ma'naviy / Cultural Treasures".

БИРИНШИ ҚАРАҚАЛПАҚ РОМАНЫ

(XX асрнинг 50 - йилларидаги туркий тиллес халықлары романлары типологиясы контекстинде үйренилиў мәселелери)

М.Д.Бекбергенова - филология илимлериниң кандидаты, доцент

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: роман, образ, сюжет, типология, маҳорат, дoston, жанр, анъана, мавзу, фикр.

Ключевые слова: роман, образ, сюжет, типология, мастерство, эпос, жанр, традиция, тема, идея.

Key words: novel, image, plot, typology, skill, epic, genre, tradition, theme, idea.

Қарақалпақ прозасының биринши романлары XX асрнинг 50-жылларының ақырында пайда болды. Олар А.Бегимовтың «Балықшының қызы», Ж.Аймурзаевтың «Әмиўдәрә бойында», Ө.Айжановтың «Арал кушағында» романлары болып табылады. Қарақалпақ жазыўшысы А.Бегимовтың «Балықшының қызы» дәрәтпеси миллий прозадағы эпикалық жанрдың ири формасы болған романның биринши түри екенлигин белгилейди. Қарақалпақ романын изертлеўши Ж.Нарымбетов қарақалпақ романының қәлиплесийинде «киши прозаның роли бар, қарақалпақ авторларының көплеген повесть хәм романлары олардың бурын жазған очерк хәм гүрриңлер базасында дәрәтилди. Мәселен А.Бегимовтың «Биринши қәдем» (1932) «Әлим тырнағында» (1935) гүрриңлери, «Балықшының қызы» романы ушын сюжетлик хызмет етти [1:26]. С.Мухановтың «Ботакоз (1948) романы болса А.Бегимовтың «Балықшының қызы» романы теманы таңлап алыўына, қахарман образының жасалыўына хәм қурылыс принциплерине тәсириң тийгизди», - деп жазған еди [1:31]. Көркем дәрәтпе өмирлик турмыс тийкарында пайда болады. Жазыўшы А.Бегимов «Балықшының қызы» романында XX асрнинг басындағы қарақалпақ аўылының турмысы, Арал теңизи жағасындағы жайласқан Дөңгелек көлдин бойындағы балықшылардың өмириң сүўретлейди.

Л.И.Тимофеев романды үлкен эпикалық форма деп атайды. Романда қурамалы турмыслық жөнелис сүўретленеди-дәўир деп көрсетеди хәм А.С. Пушкин-

екан, ижроси yaratgandan so'raladi. Shu jihati bilan munojotga o'xshab ketadi. Ammo tafovutlash lozim. Olqish insonga, munojot Allohga qarata aytilgani bilan farqlanadi.

"Masnaviyi ma'naviy"da olqish yuzaga keltirgan oddiy folklorizmlar yetarlicha uchraydi. Bunday oddiy folklorizmlar vaznga solingani, qofiyaga moslangani bilan folklorida yaratilgan olqishlardan o'zgachalik kasb etadi. Shoir uni o'z maqsadi yo'lida xizmat qildiradi. Hatto bir xil olqish qo'llangan o'rni, qo'llanish sababiga ko'ra rang-baranglik kasb etadi. Eng muhimi, bunday oddiy folklorizmlar asarning mazmun-mohiyatini mukammallashtirishda, shoir hikoyatlarining ma'no qatlamlarini teranlashtirishda o'ziga xos ahamiyat kasb etgan.

ning «роман дегенде қыял арқалы баян етилген тарийхый дәўирди түсинемиз» деген пикирин келтиреди [2:361].

Қарақалпақ прозасын арнаўлы түрде изертлеген акад.М.К.Нурмухамедов А.Бегимовтың «Балықшының қызы» романын талықыға алып, өз пикирлерин билдирген еди. А.Бегимовтың бул шығармасы романға тийисли белгилерге ийе екенлигин атап көрсетеди. Романда көп қахарманлар, көп ўақыялар тарийхый дәўир сүўретленген. «Романда оғада бай мысаллар менен берилген турмыслық, этнографиялық картиналар үлкен өмирди түсиндириўшилиқ әхмийетке ийе. Бундай картиналардың қатарына жаслардың отырыспалары, қызлардың кийиниўлери, безенип-жасаныўлары, Саятхан менен Досбергенниң жуўап айтысыўы айырым географиялық атамалардың пайда болыўы туўралы легендалар, балық аўлаўдың усылларын сүўретлеў...Бул материалларды романда сөз болыўын турмыстың миллий өзгешелигин жасаў ушын пайдалана отырып, автор соның менен бирге бул материаллар жәрдеми менен ўақыяларды, характерлерди әдеўир толықтырады, типлик жағдай дүзеди [3:369].

Бул романда балықшы Қәлибектиң шаңарағы ҳаққында сөз болады, балықшылардың турмысы, балық аўлаўдың аўыр мийнети, соның менен бирге романда еки жас Айкыз пенен Досбергенниң бир-бирине болған мухаббаты, оларға қарсылық көрсеткен байдың баласы Сайым хәм оның тәрәптарлары сүўретленген. Алым М.К.Нурмухамедов А.Бегимовтың жазыўшылық сти-

линиң өзгешелиги хаққында да көрсеткен еди. «Тәбият кубылысларын жан берип сүүретлеў А.Бегимовтың сүйикли усылларының бири» [3:371]. Арал теңизинин көриниси, теңиздиң түрли ылақа, бекире, суўен, сазан балықлырға байлығын, көлдеги куслар, тоғайдағы аңлар автор тәрәпинен шеберлик пенен сүүретлеп берилген. Сондай-ақ, жазыўшы А.Бегимовтың бул романдағы қолланылған усылларының бири миллий үрп-әдет дәстүрлерди, халық қосықларын, нақыл-мақалларды көп келтиреді. Мәселен романның баслануында Айқыздың шынқобызды шерткен эпизоды бар. Автор қаражорға сазын китап оқыўшысына образлы етип жеткереди: «Ашық майданда аттың жылаўын тартқан жигит, қара жорғаны сүрип киятыр, атта жорғалап, гә жорғасын бузып жүриске салып, хәр түрли муқамға дөнип, жолдың еки бойын алып, кубылып киятыр.

Аттың үстинде отырған жигит көкиреги әл аспанда болып, көктің үстинде ушын киятырғандай шалқып отыр. Бул жүрисе жорғалаған ат, отырған адамлардың кеўлин өзине сөзсиз аўдарып, отырған адамлар аттың жорғалағанын көргенде, аспаннан, аң алыўға қанаты сырқып ушын киятырған қаршығаның түрин көргендей «жарықлықтың жүрисин-ай, ат болғаныңа» - деседи» [4:4].

Филология илимлериниң докторы С.Бахадырова романда берилген усы эпизод хаққында төмендеги пикирди билдиреди: «Жазыўшы халық намасынан-ақ миллий колоритке көркем образды дәл бере алған. Хақыйқатында да, бул намада шертилген ақ куўдың сапка дизилген суў жүриси менен оның сырлы хаўазы, гә жоқары, гә төмен пәлпеллеп өзінше нама салып ойынға түскен кештиң пошша торғайы, жорға сүрген арғымақ ат бул үшеўи «Қара жорғаны» бизге дуўтардың тарысыз сөйлеп берип тур. Жазыўшының күши миллий калоритти таңдай билиўинде, халықтың турмысын, тәбиятын адамларын сүйиўинде. Ол арқалы қахарманның ишки сезимин ашыўы. Бул образ бизге қыздың мың сан кубылған сезимин береді. Жазыўшы қахарманның ишки дүньясын, психологиясын образлы формада, оған өзине ылайық миллий коларити менен бере алған» [5:72]. Илимпаз қарақалпақ романларын түрлери бойынша бөлип А.Бегимовтың «Балықшының қызы» романын социаллық романлар топарына киргизеди. Орайлық Азияда тарийхый-социаллық темада жазылған романлар қатарына Айнидиң «Дохунда», «Одина», «Куллар», Айбектиң «Қутлы хан», Б.Кербабаевтың «Шешиўши адым», С.Мухановтың «Ботакөз», Ғ.Мурсреповтың «Оянған үлке», А.Бегимовтың «Балықшының қызы» шығармалары киреди. XX әсир 50-жылларындағы бурынғы аўқам әдебияттануы илиминде миллий әдебиятлардың өсип раўажланыўында рус әдебиятының тәсири күшли болды деген тенденция қәлиплести. М.Горкийдиң «Ана» романы, М.Шолоховтың «Ашылған тын» романы миллий әдебиятларда усы темаларда пайда болған шығармаларға үйрениў мектеби екенлигин изертлеў жұмысларында сөз етилди. Соның ушын да тәжирийбелі жазыўшылардың шығармалары жаңа пайда болып атырған романларға тәсирин тийгизди деген түсиниклер өмир сүрди. Сол көзқарас тийкарында Ж.Нарымбетов қазақ жазыўшысы С.Мухановтың «Ботакөз» романы, А.Бегимовтың «Балықшының қызы» романына теманы таңлап алыўда, Айқыздың образын жасаўда, романның қурылысына тәсирин тийгизди деп жазған еди [1:31].

XX әсирдиң 1960-жылы Москва қаласында М.Горкий атындағы дүнья жүзлик институтында

«Взаимосвязи и взаимодействие национальных литератур» деген атамда конференция өткерилди. Дискуссияға көп жетекши алымлар И.Г.Неупокоева, В.М.Жирмунский, Г.И.Ломидзе, Н.И.Конрод хәм т.б. қатнасты. Әдебий тәсир деген мәселени сынға алды. Биринши орында жазыўшының дәретіўшилик өзіншеллиги хәм хәр бир халықтың миллий өзгешелиги, оның психологиясы биринши гезекте есапқа алыў кереклиги атап өтилди [6:143]. Белгили қазақ жазыўшысы С.Мухановтың «Ботакөз» романы 1957-жылы шығады. Бул шығармада қазақ халқы жәмийетиниң тарийхый раўажланыўындағы бир басқышы сөз етиледі. Атап айтқанда 1916-жылғы халық көтерилиси. Романның бас қахарманы жас, ер-жүрек Ботакөз деген қыз. Оның басына көп қыйыншылықлар түседі. Ол куўдалаўға ушырап аўылынан кетиўге мәжбүр болады. А.Бегимовтың «Балықшының қызы» романы хәм С.Мухановтың «Ботакөз» романы жәмийетлик турмыстың раўажланыў басқышыларындағы уқсаслық пенен бир-бирине типологиялық жақтан жақын келеді.

С.Бахадырова Айбектиң «Қутлы хан» романы менен А.Бегимовтың «Балықшының қызы» романын салыстырады хәм төмендеги өзиниң пикирин билдиреди: «Айбектиң «Қутлы хан» романындағы Мырзақәрим байдың турмысы, оның қоршаған орталық А.Бегимовтың «Балықшының қызы» романындағы Ерназар келтениң жағдайына уқсамайды, бунда биз өзбек байларының ортасында миллий буржуазияның пайда болыўын, хәр түрли қатламлар ортасындағы тартысты көреміз. Ал «Балықшының қызы»... романларында патриархаллық урыўлық қатнас, феодаллар ортасындағы байлық ушын гүресте белгили дәрежеде тәсирин көрсетеди [5:32].

Өзбек жазыўшысы Абдулла Қадирийдиң «Өткен күнлер» романы биринши өзбек романы деп есапланады. Роман биринши мәрте 1922-жылы «Инкилоб» журналында жарық көрген. 1926-жылы өз алдына китап болып шыққан. 1958-жылы бул роман орыс тилинде шығады. Автордың бул шығармасында XIX әсир орталарындағы өзбек халқының тарийхындағы болып өткен уақыялар сөз етиледі. Абдулла Қадирий-биринши өзбек романының дәретіўшиси, А.Бегимов-биринши қарақалпақ романының дәретіўшиси. Бул еки шығарма бир-бирине, темалары жағынан да, сюжети, қахарманлар образлары тәрәпинен де жақын емес, уқсамайды. «Балықшының қызы» романында XX әсир басындағы қарақалпақ аўылының турмысы сөз етилген болса, «Өткен күнлер» романында XIX әсир орталарындағы жергиликли байлардың хәкимшилик ушын гүреси сөз етиледі. Бул дәретпелердиң бир-бирине типологиялық жақтан жақынлығы тарийхый дәўирлерди сөз етиў тийкарында адамлардың турмысы, атап айтқанда қызлардың тағдириң сүүретлеўи менен белгиленеди. Айқыз, Ботакөз, Гүлнар, Кумуш образларында жазыўшылар өз миллетиниң сөз етилип атырған дәўирдеги тарийхый жағдайына байланыслы характерли образларды жасаған.

Жуўмақлап айтқанда, қарақалпақ жазыўшысы А.Бегимовтың «Балықшының қызы» романы қарақалпақ әдебияты тарийхында эпикалық үлкен жанрдың пайда болыўын көрсетеди. XX әсир қарақалпақ прозасы өткен әсирдиң 50-жыллардан басланғаны менен жәхән әдебияты тарийхының жөнелисинде типологиялық байланыслар көзқарасында түркий тиллес халықларының роман жанрының пайда болып қәлиплесиў тарийхында өз орнына ийе екенлигин белгилейди.

Әдебиятлар

1. Нарымбетов Ж. Каракалпакский роман (Становление и развитие). –Ташкент: «ФАН», 1974.
2. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. –М.: «Просвещение», 1971.
3. Нурмухамедов М.К. Шығармалары II том. –Нөкіс: «Қарақалпақстан», 1985.
4. Бегимов А. Шығармаларының жыйнағы II том. Балықшының қызы. –Нөкіс: «Қарақалпақстан», 1980.

5. Бахадырова С. Роман хэм дәуир.- Нөкис: «Қарақалпақстан», 1978.
6. Взаимосвязи и взаимодействие национальных литератур.- Москва: «Издательство Академии Наук», 1961.

РЕЗИМЕ

Бу мақолада қарақалпақ адиби А.Бегимовнинг «Балықшының қызы» асари тахлили мисолида ХХ аср қарақалпақ насрининг ұрганилиши кўриб чиқилады. Қарақалпақ романининг типологиясы масалалари ұрганилиб, илк қарақалпақ романларида бадиий образлар яратишда ижодий маҳорат муаммолари тахлил қилинады. А.Бегимовнинг «Балықшының қызы» романидаги Айқиз образы, С.Мухановнинг «Ботакоз» романидаги Ботакоз образы, А.Қадрийнинг «Ўткан кунлар» романидаги Кумуш образы тарихий-киёсий жиҳатдан куриб чиқилады ва роман типологиясы муаммоси хам ұрганилады.

РЕЗИМЕ

В данной статье рассматриваются вопросы изучения каракалпакской прозы XX века, на примере анализа произведения каракалпакского писателя А.Бегимова «Балықшының қызы» («Дочь рыбака»). Изучаются вопросы типологии каракалпакского романа, анализируются проблемы творческого мастерства в создании художественных образов в первых каракалпакских романах. В историко-сравнительном аспекте рассматриваются образы Айқиз из романа А.Бегимова «Балықшының қызы», Ботакоз из романа С.Муханова «Ботакоз», Кумуш из романа А.Қадыри «Минувшие дни» и т.д. Также изучается проблема типологии романа.

SUMMARY

This article examines the issues of studying the Karakalpak prose of the twentieth century, on the example of the analysis of the work of the Karakalpak writer A. Begimov "Baliqshiniń qızı" ("The Fisherman's Daughter"). The issues of typology of the Karakalpak novel are studied, the problems of creative skill in the creation of artistic images in the first Karakalpak novels are analyzed. The images of Ayqiz from the novel by A. Begimov "Baliqshiniń qızı", Botakoz from the novel by S. Mukanov "Botakoz", Kumush from the novel are considered in the historical and comparative aspect. A. Qadiri "Days bygone", etc. The problem of the typology of the novel is also being studied.

**НАҰАЙЫ ХӘМ БУХАРА АЙМАҒЫ ҚАРАҚАЛПАҚ ЖЫРАҰЛАРЫ
ХАҚҚЫНДА БИР-ЕКИ АҰЫЗ СӨЗ**

Г.М.Эгамқулова - таяныш докторант

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: жиров, Шанқай жиров, жировчилик мактаби, достон, адабий мерос

Ключевые слова: жиров, Шанкай жиров, жиров школа, эпос, литературное наследие

Key words: жиров, Shankay жиров, жиров school, epic, literary heritage

Жыраў-халықлар арасында дәстан, термелерди атқарыўшы халық жыршысы болған. Үлкен жәмийетлик жыйынларда, той мерекелерда жыраўлар қобыз бенен термелерди атқараған. Халық арасында үлкен сый-хүрметке ийе болған жыраўлар бақсышылық пенен де шуғылланған. Халық батыры болған. Олар халық басына аўыр күнлер түскенде өзлериниң өткір сөзлери менен, тәсиршен жырлары менен халықты бирлестирип, халық пенен бирге болған. Халықтың улы менен қызларының ўатанды, елди қорғаудағы ерлик ислерин көркем сөз бенен тәриплеген. Өзинен кейинги шәкирт қалдырыў оларға дәстүр болған. Жыраўлардың шебер, көркем таланты менен жыраўшылық өнери де қәлиплескен.

Жыраўшылық өнери өзиниң ерте дәуірлерден берли киятырған узақ тарихына ийе өнер болып, сөз хәм саздың өз ара уйғынлығы нәтийжесинде қәлиплескен. Қарақалпақ жыраўшылық өнери өз сағасын қобыздың пири Қорқыт атадан баслап (X әсир), XIV әсирдеги Соппаслы Сыпыра жыраўға жалғастырады. Соннан кейин, бул өнерди Ноғайлы дәуириндеги Асан қайғы (XV), Қазтуўған жыраў (XV), Доспанбет жыраў (XVI), Шалкийиз жыраў (XVI) даўам еттирип, Мўйтен жыраў (XVII), Жийен жыраў (XVII), Шаңқай (XIX) жыраўлар жалғастырады.

Қарақалпақ жыраўшылық өнери бизиң хәзирги дәуиримизге шекем бир қанша жолларды басып, көп әсирлик басқышлардан өтип келгенлиги қәнигелерге кеңнен мәлим. Мине, усы узақ дәуір аралығында жыраўдың, оның саз әспабы қобыздың, улыўма жыраўшылық өнердин ең бийик шыңларға шығып раўажланған ўақытларыда, хеш кимге қызық болмай итибардан шетте қалып кеткен гезлери де болды. Бизге мәлим Кеңес хуқиметиниң 1930-1940 жылларында биз сүйип атқаратуғын хәм тыңлайтуғын «Едиге», «Ер Шора» сыяқлы дәстанларды атқарыў қадаған етилгенлиги, оны атқарған жыраўларды куўдалаў, жезаға тартыў сыяқлы ислердиң әмелге асырғандығы, хәтте 1950-жыллардан тап Ғәрезсизликке дейинги дәуірлер ишинде де «Алпамыс», «Қоблан» сыяқлы дәстанлар үстинде болған ескиликтиң сарқыты деген нигилистлик көзқараслардың сарқыты сақланып келгенлиги хеш кимге сыр емес. Әне, әйне усындай кертартпа көзқараслар менен иллетлер жыраўшылық

өнериниң белгили бир ўақытларға шекем раўажланыўына, оны туўған халқынан алыслатыўға себепши болған факторлар десек қәтелеспиймиз.

Көрип отырғанымыздай, жыраўшылық өнери урыстан кейинги дәуірлерде де оғада қыйын жағдайларда раўажланған.

Бирақ қандай қыйын жағдайлар болыўына қарамастан бул өнердин хәзирги түркий халықлар ушын тек бизде ғана сақланып қалыў сырлары таң қаларлық хәм изертлеўге турарлық кубылыс.

Жыраўшылық өнерин биз тек қарақалпақ халқында ғана бар, тек бизде ғана сақланып қалған деп еркин хәм аңсат қылып айтамыз. Бирақ, усы күнге шекем жетип келиўи аңсат болмағанлығы хәққында жоқарыда келтирилген мысаллардан басқа да толып атырған фактлер менен дәлиллеўимиз мүмкин.

Қарақалпақлар Қоқан, Даңғара, Балықшы, Нурата, Байсын, Кенимех районларына жунғарлар шабылыўынан алдында қоныс басып, жасап келгенлиги тарийхтан мәлим. Сонлықтан, Қарақалпақ жыраўшылық өнери жоқарыдағы аймақларда да ең жайып, раўажланып, шебер жыршылар, дәретиўшелер қәлиплести. Усындай дәретиўшилердин бири, Жийен жыраўдан кейинги «Қырық қыз» дәстанын ең жақсы атқарыўшылардың бири болған Шаңқай жыраўды айрықша атап өтсек болады. Шаңқай жыраў хәққында толық мағлыўматлар тарийхий архивлер де оғада аз. Айырым мағлыўматларға қарағанда оның шын аты Досмухаммед, ямаса Досымбет болып, қарақалпақлардың маңғыт урыўы, оймаўыт тийресинен болған. Шаңқай жыраў шама менен 1814-жылы дүньяға келип, 1884-жылға шекем өмир сүрген. Ол Бухара этирапы, Нурата таўларының етеклери, хәзирги Кенимех этирапларын мәкан етип жасаған. Шаңқай жыраўды айырым орынларда «Шаңқөт», «Шаңкет» деп келтирип өтилген. Илимпаз Қаллы Айымбетов бул бойынша «Гейпара мағлыўматларда Шаңқай жыраўды ондағы өзбеклер «Шаңкет» деп атаған дейди. Қоңсы халықлар гейбир атамаларды өзиниң сөйлеў тилине бейимлеп алады» [1:84] – деген пикирди айтып өткен.

Ал, Табысқан Қанаатов болса «Шаңқай» ямаса «Шаңқөт» оның көп ел гезип бир жерде турақламай жырайтуғынына қарап берилген лақабы болса керек» - деген пикир билдиреди [4:62].

Шаңқай жыраўдың атқарған намалары, дәстанлары деп «Гөрүғлының туўылыўы», «Әўезхан», «Күнтуўмыш», «Гүлайым», «Даллы айым», «Қаншайым», «Шийрин-Шәкер», «Малика хайяр», «Толыбай сыншы» дәстанлары хәм «Шаңқай жолы» намасын айтады. Шаңқай жыраў Нуратадағы қарақалпақлардың хәм өзбеклердің ортақ жыраўы болған, өзбеклер оны «бахши» деп атаған. Оның мынадай қосығы халық тилинде сақланған:

Мениң атым Шаңқай бақсы,
Бир сөзим бар саздан жақсы,
Мениң хәўжим сонда келер,
Татлы болса кимнің асы.

Шаңқай жыраў – шебер жыраў болыўы менен бир қатарда, импровизатор, өз органы сын күлкіге бөлеп жүретуғын жүдә хәзилкеш адам болған. Ол жасаған дәўирлерде жыраўлар жолаўшылар танымайтуғын жұртқа келгенде сорастырып жүрип қызыл байдың үйине түседі екен хәм үй ийеси менен бирге шыққан қызға атына жем жегизиў ушын дорбасын услататуғын болған. Дорба аўыр болғаны ушын байдың қызы дорбаның тек ғана шерегин толтырып әкелепти. Сондай пайытлардың биринде, қолындағы атдорбасын қызға созған Шаңқай жыраў:

Шаңқай жыраў мен дейди,
Қай жыраўдан кем дейди,
Қатыным жоқ, балам жоқ,
Жалғыз атым жөзем дейди. – деп айтқан екен.

Шаңқай жыраў Әлишер Науайы, Мухаммед Физулий сыяқлы шығыстың данышпан шайырларының дәретиўшилиги менен жақсы таныс болған. Термолғаўларды атқарғанында олардың усылларын қолланған. Деген менен, Шаңқай жыраўда суўырып-салып айтыўшылық, яғный импровизация басым келеди.

Шаңқай жыраў хәққында биринши рет профессор Қаллы Айымбетов сөз етип, «Қарақалпақ жыраўлары» мийнетинде биринши сол жыраўды тилге алады. Ол «Халық даналығы» китабында да Шаңқай жыраў, Хо-

резм, Бухара хәм Самарқанд әтирапындағы қарақалпақ жыраўлары репертуарларының қәлиплесиўи хәққында пикирлерин билдиреди.

«Бухара, Самарқанда әтирапындағы өзбек, қарақалпақ жыраўларының репертуарлары биригип кеткен. Бухара әтирапындағы жыраўлардың жырлайтуғын репертуарынан Қурбанбай жыраў «Шийрин-Шәкер», «Ер Зийўар» дәстаны қусаған дәстанларды Бухарадағы жыраўлардан үйренип, қайтып, Хорезм өзбеклери хәм қарақалпақлар арасына келип жырлап таратты»-деп атап көрсетеди [2:46]. Соның менен бирге профессор Хорезимдеги өзбеклер, қарақалпақ жыраўларын «Бақшы» деп атаўы, Хорезимдеги өзбек, түркмен бақсылары менен қарақалпақ бақсыларының репертуарларының өзара байланыслығын, Бухарада өткен Шаңқот жыраў менен қарақалпақлар арасындағы Шаңқай жыраў екеўи бир адам екенлиги, қарақалпақ жыраўларының шертетуғын қобыз намаларының ишинде «Шаңқай намасы» деген қобыз намасы сақланғанын, Бухарадағы, Самарқандағы жыраўлардың өзара байланысы хәққында сөз етеди.

Ал, профессор Қабыл Максетов болса өзиниң «Бухаралы қарақалпақ жыраўлары» мақаласында кеңирек мағлыўмат берип өтеди. Бухарадағы қарақалпақ жыраўлары жөнинде изленислер жүргизген Шаригүл Пайзуллаеваның мийнетлеринде де ушырасады. Илимпаз Табысқан Қанаатовтың «Таўелибай тарыйхынан там-тум сыр» мийнетинде де Шаңқай жыраў өмири хәм дәретиўшилиги бойынша гейпара мағлыўматлар берип өтилген.

Жуўмақлап айтқанда Науайы хәм Бухара әтирапындағы өзбек, қарақалпақ жыраўларының қарым-қатнастары туўралы мәселелер үйрениўди талап ететуғын, сондай-ақ Шаңқай жыраў дәретиўшилиги фольклортаныў илиминде толық изертлениўин таппаған мәселелерден есапланады. Бул бағдарда еле де үйрениў жумысларын алып барыў керек.

Әдебиятлар

1. Айымбетов Қ. Халық даналығы. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1968.
2. Ayımbetov Q. Xalıq danalıǵı. -Nókis: “Qaraqalpaqstan”, 2020.
3. Алимов Ә., Адамбаева Т. // «Илим хәм жәмиyet». 2015, №1. 24-25-б.
4. Қанаатов Т. Таўелибай тарыйхынан там-тум сыр. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1993.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада қарақалпақ жировчилик хунари, Бухара ва Навоий хуудлариде яшаб ижод қилған таниқли жировлар ҳақида базибир маълумотлар берилган. Ушбу хуудлардаги жировчилик мактабларининг тараккий етиш жараёни таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлена некоторая информация о каракалпакских джиравитах, известных джировах, которые жили и работали в Бухарской и Навоийской областях. Проанализирован процесс развития джировских школ в этих регионах.

SUMMARY

This article provides some information about the Karakalpak jiravic craft, well-known jiravs who lived and worked in Bukhara and Navoi regions. The process of development of Zhirov schools in these regions is analyzed.

БАХШИЛАР РЕПЕРТУАРИДА "НАВРҮЗ" ТЕРМАЛАРИ ТАЛҚИНИ

Д.Ж.Халилова – доцент

Қарши давлат университети

Таянч сўзлар: “Наврўз” термалари, Наврўз ўйинлари, маънавий кадриятлар, миллий урф-одатлар.

Ключевые слова: сборники «Наврўз», игры Наврўза, духовные ценности, национальные традиции.

Key words: Navruz national teams, Navruz games, spiritual values, national traditions

Ўзбек халқ оғзаки ижодида халқимизнинг бадий тафаккури, ақлий, ахлоқий, диний, эстетик ва рухий қарашлари, асрлардан асрларга ўтиб келаётган миллий анъаналари, кадриятлари сақланган бўлиб, булар кўпроқ ва мукамалроқ тарзда бахшичилик санъатида акс этган. Устоз фольклоршунос Т.Мирзаев алоҳида таъкидлаганидек: “Бахшиларнинг ўзлари яшаган даврнинг ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида яратган терма ва дostonлар хам устоздан шогирдга ўтиб, эпик репертуарнинг муайян қисмини ташкил этган. Бахшилар репертуаридаги тарихий дostonлар ва тарихий воқеаларга бағишланган термалар шундай асарлардир” [1.11]. Мустақиллик даврида Чори бахши

Умировдан ёзиб олинган “Амир Темурнинг туғилиши ва болалиги” [2], Қаҳҳор бахши яратган “Қодир бахши ҳақида дoston” [3], “Темур ва Бозид” [4], Рўзи бахши Қултўраевдан ёзиб олинган “Соҳибқироннинг туғилиши” [10] тарихий дostonлари, “Наврўз”, мустақиллик байрамларига бағишлаб яратилган кўплаб термалар хам ижодкорлик ва бадиҳағўйликнинг ёрқин намунасиридир.

Истиклол туфайли бахшиларнинг эркин ижод қилиши, миллий кадриятларимиз, байрамларимизнинг, хусусан, қадимий “Наврўз” байрамининг тикланиши, “Наврўз” байрамини дostonлар ва термаларда мадҳ этишга имкон яратди. Чори бахши куйлаган “Амир

Темурнинг туғилиши ва болалиги” дostonида, Қаҳҳор бахшидан ёзиб олинган “Янги кун”, “Наврўз муборак”, “Наврўзим”, “Сумалак”, Шокул бахши Мирзаев яратган “Наврўз келди”, “Баҳор келганда”, Шодмон бахши Хўжамбердиевнинг “Наврўзим”, “Наврўз”, Қора бахши Умировнинг “Наврўзим”, Абдимурод бахши Раҳимовнинг “Наврўз” термаларида “Наврўз” қадимий байрам ва у билан боғлиқ урф-одатлар, расм-русумлар кўтаринки руҳда олқишланади. Гарчи, “бир ёки бир-бирига маъноси яқин номдаги термалар юз бахшидан юз марта ёзиб олинганда ҳам, ҳатто бир бадихағўй бахши айтганида ҳам улар асло бир-бирига вариант эмас, балки бир ёки бир-бирига яқин номдаги алоҳида-алоҳида мустақил асарлардир” [7:55-56]. Агар уларни жамласак, “Наврўзнама” термалар тўплами юзага келади.

Қўлимиздаги мавжуд материалларга асосланган ҳолда бахшилар репертуаридаги термаларда акс этган Наврўз фольклорини икки турга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

1. Наврўз байрами ҳақида термалар

2. Наврўз байрами билан боғлиқ тадбирлар ва удумлар ҳақидаги термалар.

Наврўз байрамига алоқадор термаларни тахминан қуйидаги тематик жиҳатидан ўрганиш лозимлигини биздаги термалар кўрсатмоқда.

1. Наврўз тарихи билан боғлиқ термалар

2. Наврўзни мадҳ этувчи термалар

3. Наврўз билан халқни, тингловчиларни қутловчи термалар.

Наврўз фольклорининг катта бир қисмини қуйидаги термалар ташкил этади:

1. Сумалак ҳақидаги термалар

2. Охува термалари

3. Наврўз урф-одатлари. Наврўздаги халқ ўйинларини таъриф-тавсиф этувчи термалар.

Аммо уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни, ўхшаш ва фарқли томонларни асослаш, шу мавзудаги термаларда анъанавийлик ва сохтакорликни аниқлаш, термалар қатидаги кичик фольклорий жанрлар мақоллар, кўшиқларнинг ўрнига баҳо бериш, Наврўз фольклорига ҳам ёзма адабиётнинг таъсирини ўрганиш, бир Наврўз фольклори доирасида бахшилар маҳоратини тадқиқ этиш ҳамон долзарб вазифа бўлиб турибди.

Бу “Наврўзнама”га ҳалинчак учиниш билан боғлиқ “Охува” кўшиқлари ва “Сумалак” пиширишга доир “Сумалак”, “Сумалагим-сумалак”, “Сумалакда-ўттиз тош” термаларини киритсак, мавзу мукаммаллашади. Кўпгина тарихий манбаларда ҳам ҳалинчак учинишнинг пайдо бўлиши ёки сумалак таомини пишириш Наврўз байрамининг юзага келиши билан тенг эканлиги айтилади. Наврўзнинг байрам сифатида нишонланиши ва ҳалинчак учинишнинг пайдо бўлиши ҳақида буюк аллома Беруний шундай ёзади:

“Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша кунни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбованд тоғидан Бобилга олиб борди. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг аравада учинишига тақлид қилиб, арғимчоқларда учдилар” [8:51]. Ана шундан буён арғимчоқларда учиб хурсандчилик қилиш, гўдақлардан катталаргача завқ берадиган машғулотга айланди, “Наврўз” байрамининг севимли ўйинларидан бири бўлиб қолди. Ҳалинчак учинишда айтиладиган кўшиқлар “Охува” деб аталадиган бўлди. Жанубий Ўзбекистонда ижод қилган ва ижод қилаётган бахшилардан ўндан зиёд “Охува” ёзиб олинган ва айримлари юқоридан номлари зикр этилган бахшиларнинг кўрсатилган термалар тўпламларида чоп қилинган. “Охува”ларда ўтмишдаги хотин-қизларнинг оғир турмуш тарзи, тенгсиз никоҳдан норозилик мотиви машҳур бахшидан

ёзиб олинган икки “Охува”да бадий юксак тарзда куйланса [6:39-40], мустақиллик даврида бўй багши йигитлар ва қизларнинг бахтиёрлиги Қодир бахши ўғли Абдимурод бахшининг яна иккита “Охува” термасида ўз ифодасини топган [9:54-56].

“Наврўз” ҳақидаги термаларда ҳам, дostonлар сюжетига сингдирилиб юборилган Наврўз тўғрисидаги матнларда ҳам бу байрамнинг қадимийлиги, у билан боғлиқ анъаналар, тадбирлар, урф-одатларга урғу берилади. Масалан, Расул бахши Умиров уни Одам Ато ва Момо Ҳаво яшаган давр билан боғлиқ тарзда таърифлайди:

Қақлик, булбул, саъванинг

Сайраб айтган навоининг,

Одам, Момо Ҳавонинг

Изидасан, Наврўзим.

Эшик олди ғовпалак,

Ғовпалакда хандалак.

Қайнаб пишган сумалак

Юзидасан, Наврўзим.

Мустақиллик йўлининг,

Қир-адирлар гулининг

Ўзбекистон элининг

Қизидирсан, Наврўзим.

Ҳар бир бахши Наврўзни мадҳ этиб, унинг қадимийлигини, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган, кўнгилларга қувонч бағишлайдиган хурсандчилик айёми эканлигини эътироф этади, ўзлари эшитган ривоят, ҳикоят мазмунидан ҳам фойдаланади. Бу Шодмон бахши Хўжамбердиев ижро этган “Наврўзим” термасида шундай акс этади.

Ота боболардан қолган меросим

Сени куйлаганда жаранглар созим,

Соғиниб яшайман мен сени ростим

Юртимга хуш келдинг, гўзал Наврўзим

Дошқозонда қайнар ширин сумалак

Атрофида эса еттига малак

Юртимга қиламан энг улуг тилак

Мен сени кутаман, гўзал Наврўзим

Келтирилган парчадаги Сумалак тайёрлаш

Наврўздаги доимий таомлардан бири эканлигини англатса, “Атрофида эса еттига малак” мисраси халқ онгида шаклланиб, қуйма ҳолга келиб қолган сумалакни пиширишда кўзга кўринмас етти малакнинг иштирок этади деган тушунчанинг ифодасидир.

Наврўз фольклорининг бир қисмини бу қадимий байрамнинг шоҳ таоми бўлган “Сумалак” ҳақидаги кўплаб ривоятлар, ҳикоятлар, кўшиқлар, термалар, шунингдек, сумалак тайёрлашга тараддуд кўрилгандан то пишириб дастурхонга тортгунча бажариладиган удумлар, урф-одатлар, расм-русумлар, ирим-сиримлар ташкил этади. Бахшилар ижодида эса сумалакни, у билан боғлиқ урф-одатларни таърифлаш икки хил тарзда акс этади. Биринчиси, баҳор, Наврўз байрами ёхуд Наврўз ўйинларига бағишланган термалар ва кўшиқлар қатида сумалак улуғлини тилга олинса, иккинчиси, алоҳида сумалакка бағишланган термалар ва кўшиқлардир. Масалан, Шокул бахши Мирзаев “Наврўз келганда” термасида шундай куйлайди:

Сумалак қайнатар кўшиб етти тош,

Ўлан айтар момо, бўлиб турар бош.

Карнай садосидан гумбурлайди дашт

Ватанимга Наврўз байрами келганда.

Шу тўртликда бахши сумалак пиширишдаги икки одатни тилга олади. Яъни, сумалак пиширишда қозонга еттига тош солиш ва сумалак тайёрлашда сумалак пиширишни ҳам, ўлан айтишни ҳам яхши биладиган, сўзга чечан кампирнинг бош бўлиши ҳозирги кунда ҳам амал қилинадиган удумлардандир.

Абдимурод бахши:

... Тўрт қозонда сумалак,

Ичида ўйнар тоши,- деса,

Шодмон бахши:

Дошқозонда қайнар ширин сумалак,

Атрофида эса етгита малак,-

деб сумалакларни малаклар пишириши ҳақидаги қадим ривоятни эсга олади.

Қаҳҳор бахши куйлаган “Сумалак қўшиғи” бу таом ва уни тайёрлаш жараёни ҳақида мукамалроқ маълумот беради:

Узоқдан узоқ ёши,

Фотима момонинг оши.

Ичида етти тоши,

Ойнажони, она-ё,

Сумалагим, қайна-ё.

Ҳар банднинг сўнги икки мисраси нақорат бўлиб келади ва унинг дастлабки “Ойнажоним” сўзи бахши мансуб кўнғирот уруғида ўрта яшар аёллар ва момолар ёшларни яхши кўриш, ўзига яқин олиш маъносида кўп ишлатилади.

Қуйидаги бандда қозон тагида ёнаётган арча ўтинининг чарсиллаши билан қозон атрофидаги ой янгаларнинг тетик туриши “дурсиллаши” орасида маъно-мантик жиҳатдан яқинлик бор ва иккаласи биргаликда алоҳида манзарани ҳосил қилади.

Ўтин солсам чарсиллар,

Арча ўтин чарсиллар.

Ой янгалар дўрсиллар,

Ойнажоним, ойна-ё,

Сумалагим, қайна-ё.

Кўп ҳолатларда сумалак майса ўндиришдан ва шу майсани пиширишдан бошланишини айтиш эътибордан четда қолади. Аммо бахши буни назардан қолдирмайди.

Майса ошга айланди,

Бобо-момо шайланди,

Қизлар куйлаб ўйнади,

Ойнажоним, ойна-ё,

Сумалагим, қайна-ё.

Ҳар мисрада бадийлик юзага келтирадиган кўчим бор ва мисралар мантиқан боғлиқ. Тингловчи (ўқувчи) буни яхши тушунади. Масалан, майса ошга эмас, сумалакка айланади. Сумалак пишган даврадаги нуфузли бобо ва момолар қозонни очишга ва сумалакни сузишга дуо беришга шайланиши шарт ҳамда бошқа кексалар ҳам таом биринчи ўзларига тортилиши билади. Аммо куйлаб турган қизлар нега ўйланиб қолди? Улар бўйга етган, севги ёшидаги ва севиб қолган қизлар. Севкиллари шу ерда, байрам баҳона дийдорлашган, улар учун куйлашган эди. Сумалакдан сўнг айрилиқ, улар шунинг учун ўйланиб қолган.

Наврўз фольклорига ойда сумалак ҳақидаги термалар ва қўшиқлар нисбатан кам ёзиб олинган. Эҳтимол, бунинг сабаблари бахшиларнинг сумалак пишириш жараёнида қатнашмагани (чунки ўтин, ёқилғи тайёрлаб беришдан бошқа барча ишларни хотин-қизлар бажаради), қузатмагани ҳамда фольклоршунослар бахшилардан сумалак ҳақидаги термалар ва қўшиқларни кам суриштирганидандир. Шу сабабли бахшилар репертуарида сумалак пишириш жараёни билан боғлиқ термалар тўлиқ аксини топмаган.

Бахшилар халқ ҳузурида ўз дoston ва термаларини жонли ижро этади. Байрамлар ва сайлларда эса халққа мурожаат этиб қутлуг айём билан уларни қутлайди. Қаҳҳор бахши куйлаган қуйидаги мисралар шундай ҳолатда туғилган. Бу каби термаларда Наврўзга хос хусусиятлар акс этмайди, балки айём иштирокчиларининг фазилатларини кўрсатиш етакчилик қилади.

Кўмак бериб кўрилади тубалар

Мени тинглаб эсаётган саболар

Юзларидан нур ёғилган боболар

Наврўз байрамнинг муборак бўлсин.

Ёки

Мажнунтолдай ҳаммаси хипча беллар

Гул юзини мактаб сайрар булбуллар

Ойбарчиндай жасоратли сингиллар

Наврўзи олам байрамнинг муборак.

Қаҳҳор бахшининг Наврўзга бағишланган яна бир термаси “Наврўзи олам келди” деб аталади. Терма мазмун жиҳатдан ҳам, қофияланиш тизими ва вазнига кўра ҳам фарқланади. Терма руҳидан бу озод юртда бахтиёр яшаётган халқ кутаётган Наврўз эканлиги сезилиб туради. “Даласида бойчечаклар очилган, қуёш нури осмону ерга сочилган” Ватанимизда “Чорвадорлар қўй ҳайдашга шошилган”лиги Наврўздан дарак эканлиги ҳис этилади:

Бободехқон баракани тилайди,

Эл ризқига дов-дарахтлар гуллайди.

Булбуллар, какликлар бахтдан куйлайди,

Наврўзи олам келди, дўстлар, элимга.

Баҳор ҳавосидан атроф яшил тус олиб, гўзаллашган юртда Наврўз шукуҳидан “Болалар ҳам шўху шодон ўйнайди. Бахши Наврўзга хос яна икки хусусиятни, бу кун кеча ва кундуз тенг бўлишини, байрам куни, албатта, қозонларда сумалаклар қайнашини алоҳида уқтиради.

Қариялар феъли хушин кенг қилиб,

Бободехқон ҳар ишини ўнг қилиб,

Аллоҳ кеча-кундузни тенг қилиб,

Наврўзи олам келди, дўстлар, оламга.

“Янги кун” термасида мисралар саккиз бўғинли бўлиб, ҳар тўртлик банд а-а-б-а тарзида қофияланган. “Наврўзи олам келди” термасида ҳам бандлар тўрт мисрадан ташкил топган. Ўн бир бўғинли бу термада асосан қофияланиш тизими а-а-б-а ҳолатида ва бу бандда бахшининг терма яратишдан мақсадини баён қилади:

Кўлга олдим бугун сунбул созимни,

Эл олдида аввал қилиб таъзимни,

Наврўзи олам келди эшикни қоқиб,

Ушбу кунда айтайин дилда розимни.

Банднинг учинчи мисрасида “Наврўзи олам келди эшикни қоқиб” терманинг кейинги бандларида:” Наврўзи олам келди, дўстлар, элимга” деб нақорат бўлиб қўлланиши қофияланишда ҳам ўзгаришга олиб келган.

Абдимурод бахши Наврўзни ўзича тавсиф этади. Бахшининг “Наврўз” термасида ўзбек халқининг бу байрами ЮНЕСКО рўйхатида олинганидан, уни хорижликлар ҳам тан олиб, кўришга ҳавасманд бўлиб келишидан фахрланиш, ифтихор туйғуси кўришиб туради:

Юртимда турли миллат

Ёш-қари қилар меҳнат

Кўзни юмиб очгунча

Тенгсиз бўлди мамлакат

Наврўзимни кўрай деб

Хориждан келар элат.

Чори бахши Умировдан ёзиб олинган “Амир Темурнинг туғилиши ва болалиги” достонида “Наврўз” ва у билан боғлиқ урф-одатлар эпик тасвирга хос кенг планда бадий талқин этилади:

“Шахрисабз кўрғони олдида “Наврўз” байрами бўлиб, узоқ-яқиндан одамлар келиб, элатнинг бари жийилган, тепадан ўчоқлар ўйилган, семиз қўйлару тойлоғлар сўйилган, ўн беш-йигирма жойда катта қур қилиниб, дастурхонга турли таомлар қўйилган, ҳар томонда ўйин-кулги, томошани ҳамма кўзлаяпти, бир томонда бахшилар созини созлаяпти, бир томонда ҳофизлар кўшик айтиб бўзлаяпти, масҳарабозлар кулги қилиб бир нечани тузлаяпти” тарзида таърифланиб, 95 мисра назмда “Наврўз” ўйинлари берилади.

Умуман олганда, халқ бахшилари репертуаридаги дostonлар ва термаларда ёши минг йилларга бориб

тақаладиган “Наврўз” байрами ҳамда у билан боғлиқ тадбирлар, удумлар, маросимлар мадҳини яхлит тарзда тадқиқ этиш ва шу орқали бахшилар ижодида анъананинг давом этиши ҳамда ҳар бир бахшининг

анъанага қўшган хиссаси, бадиий маҳорати ва бадиҳағўйлик қобилиятини баҳолаш алоҳида тадқиқ талабдир.

Адабиётлар

1. Мирзаев Т. Бахшилар эпик репертуарининг шаклланиши ва бойиб бориши. // Қодир бахши абадияти. –Қарши: 2012.
2. Чори бахши Умиров. Амир Темурунинг туғилиши ва болалиги. –Қарши: “Насаф”. 2011.
3. Қахҳор бахши Раҳимов. Қодир бахши ҳақида дoston. – Қарши: “Насаф”, 2019.
4. Қахҳор бахши Раҳимов. Темуру ва Боязид. –Туркия: 2019.
5. Эргашев А. “Термаларда Шоқул бахши маҳорати”. Монография. –Қарши: 2020.
6. Эргашев А. Қодир бахши термалари. – Қарши: 2013.
7. Эргашев А. Халқ бахшиси- Расул Умиров. –Қарши: “Насаф”. 2020. 55-56-б.
8. Эргашев А. “Термаларда Шоқул бахши маҳорати”. Монография. –Қарши: 2020. 51-б.
9. Абдумурод бахши Раҳимов. “Охува”. –Қарши: “Насаф”. 2013.
10. Рўзи бахши Қултўраев. Соҳибқироннинг туғилиши. –Қарши: “Насаф”. 2013.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бахшиларнинг эркин ижод қилиши, миллий кадриятларимиз, байрамларимизнинг, хусусан, қадимий “Наврўз” байрамининг тикланиши, “Наврўз” билан боғлиқ урф-одатларнинг термаларда мадҳ этилиши таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется свободное творчество бахши, возрождение наших национальных ценностей, наши праздники, в частности древний праздник «Наврӯз», соблюдение традиций, связанных с «Наврӯзом» в сборной.

SUMMARY

The article analyzes the free creativity of bakhshis, the revival of our national values, our holidays, in particular, the ancient holiday "Navruz", the celebration of "Navruz" in epics and poems.

НУРМОН АБДУВОЙ ЎҒЛИ ВА УНИНГ САМАРҚАНД ДОСТОНЧИЛИГИ АНЪАНАСИДА ТУТГАН ЎРНИ

Л.Худайкулова - филология фанлари номзоди

ЎЗРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Таянч сўзлар: эпик анъана, дoston, дostonчи-бахши, “Кунтуғмиш” дostonи, вариант.

Ключевые слова: эпическая традиция, эпос, эпос-бахши, эпос «Кунтуғмиш», вариант.

Key words: epic tradition, epic, epic-bakhshi, epic "Kuntugmish", variant.

Ўзбек халқ дostonчилиги анъанасининг ривожланиши ва таракқий этишида Самарқанд вилояти худудида шаклланган бахшичилик мактаблари муҳим роль ўйнаган. Ана шу мактабларнинг эпик анъанаси халқимизнинг кўплаб анъанавий дostonларининг сақланиб қолиши ва бадиий тафаккур тизимидан ўрин олишига асос бўлган. Бу анъананинг ривожига йирик халқ бахшиларидан бири Нурмон Абдувой ўғлининг эпик ижодиёти муҳим ўрин тутди.

Нурмон шоирнинг тўлиқ исми Нурмуҳаммад бўлиб, у 1862 йилда Самарқанд вилоятининг Пойарик туманидаги Энамяхши қишлоғида туғилган. Отаси Абдували Раҳмат охун ўғли ачамайли уруғига мансуб бўлган. У дехқончилик билан шуғулланган. Нурмуҳаммад ёшлигидан бакувват йигит бўлиб улғайганлиги сабабли чавандозликка қизиқиб, кўпқариларда фаол қатнашиб юрган. Кармана, Бухоро, Қарши, Карки томонларга бориб, улоқ чолиб, атоқли кўпқаритоз сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Қарийиб қирқ ёшларга борганда Саройқўрғон қишлоғилик Абдуҳолик бахшига шогирд тушиб, икки йил мобайнида ундан дoston ва термалар айтишни ўрганган. Бир неча анъанавий дostonларни пухта ўрганиб олган, устозидан фотиҳа олиб, дostonчи-бахши сифатида танилган.

Нурмон Абдувой ўғли ўзининг ғоят ҳозиржавоблиги ва бадиҳағўйлик иқтидорининг юксаклиги билан алоҳида ажралиб турган. XX асрнинг бошларида Самарқанд атрофларида чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатиға қарши кўтарилган оммавий ҳаракат бошлиғи Намоз Пиримқул ўғли ҳақида дoston яратиб, халқ орасида кўйлаб юрганлиги учун Каттақўрғон ҳокими томонидан 1914 йилда қамоққа олинган. Оғир қийноқлардан кейин мажрӯҳ бўлиб, қамоқдан чиққанидан кейин яна дoston айтишни давом эттирган. Унинг репертуарида йигирмадан ортик анъанавий дostonлар мавжуд бўлса-да, шулардан “Кунтуғмиш”, “Орзигул” (“Абдулла кофир”), “Намоз” (парчалар) дostonлари, “Чигиртка”, “Дўмбирам”, “От” сингари термалар ёзиб олинган. Бахшининг термалари “Ўзбек фольклоридан намуналар” (1935), “Ўзбек

фольклори” (1939) тўпламларида чоп этилган. У 1940 йилда вафот этган [1:540]

Нурмон Абдувой ўғлидан ёзиб олинган “Кунтуғмиш”, “Орзигул” каби дostonлар “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигининг 9 ва 12-жилдларида чоп этилган [2:5-18]

Нурмон Абдувой ўғлининг эпик репертуари ғоят бой бўлган бўлса-да, ундан жуда кам асарлар ёзиб олинган. Шулардан бири “Кунтуғмиш” дostonи бўлиб, бу дoston қўлёзмаси ЎЗРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида 26-инвентарь рақами остида сақланади. Уни 1927 йил 10 сентябрда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида яшовчи Нурмон Абдувой ўғлидан фольклор тўпловчи Зариф Қодирий ёзиб олган. Мазкур дoston ҳажми 36 саҳифадан иборат. У 35x21 ўлчамдаги сарғиш-оқ қоғозга араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида ёзилган. Қўлёзманинг илк саҳифасида “Эл дostonларидан “Кунтуғмишбек-Холбека” дostonи. Айтувчи: халқ шоирларидан Нурмон Абдувой ўғли. Ёзучи: Зариф Қодирий. Каттақўрғон, 1927 йил 10 сентябрь” деган ёзув битилган.

Зариф Қодирий ушбу дostonни ёзиб олиш чоғида фольклор асарини бевосита ижро жараёнида қоғозга туширишнинг илмий тамойилларига тўла амал қилган. У ҳар бир бетга ёзилган матндаги шевага оид сўзлар ёки тушунилиши қийин бўлган луғавий бирликларнинг устига бир ва ҳ.к. рақамларни қўйиб, саҳифа остидаги ҳаволаларда уларнинг маъноларини изоҳлаб борган. Бу эса мазкур дoston матни юзасидан луғат тузишда муҳим аҳамият касб этади.

“Кунтуғмиш” дostonининг Нурмон Абдувой ўғлидан ёзиб олинган варианты ҳозирга қадар муайян парчалар ёки алоҳида китоб ҳолида чоп этирилган эмас. Тўғри, 1955 йилда мазкур эпик асарнинг йиғма матнини тайёрлаб, чоп этирилишига қирришган Х.Зарифов дostonнинг Эргаш Жуманбулбул ўғли ва Нурмон Абдувой ўғли вариантларига таяниб иш кўрган бўлса-да, кейинчалик унинг ўзи бу асарнинг “Булбул тароналари” беш жилдлигида эълон қилиниши муносабати билан халқ дostonларининг оғзаки

намуналари асосида йиғма матн тайёрлаш мақбул эмаслигини эътироф этган [3:384-385].

Нурмон Абдувой ўғлидан ёзиб олинган “Кунтуғмиш” дostonи илк бор “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигининг 9-жилдида чоп этилган. Кўлёмзада ушбу дostonнинг номи “Кунтуғмишбек-Холбека” деб ёзилган. Дostonда қахрамоннинг исмига “полвон” сўзи қўшиб ишлатилганлиги боис, нашрда унинг номини “Кунтуғмиш полвон” тарзида бериш маъқул кўрилган.

Ўзининг бадиҳагўйлик маҳорати билан эл орасида катта шуҳрат қозонган Нурмон Абдувой ўғлидан ёзиб олинган “Орзигул” дostonи кўлёмзаси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида 28-инвентарь рақами остида сақланади. Бу дoston 1927 йилда фидойи фольклор тўпловчи Зариф Қодирий томонидан ёзиб олинган. Дoston матни 35x20 ўлчамдаги сарғиш тусли қоғозга араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида сиёҳ билан ёзилган бўлиб, ҳажми 34 саҳифадан иборат. Даставвал алоҳида варақларга ёзилган бу дoston кейинчалик қаттиқ картон қоғоз билан муқоваланиб, яхлит кўлёмза китоб ҳолига келтирилган.

Кўлёмзасининг илк саҳифасида куйидаги ёзув мавжуд: “Эл дostonларидан “Абдулла кофир” дostonи. Айтувчи халқ шоирларидан Нурмон Абдувой ўғли. Ёзучи: Зариф Қодирий. Каттакўрғон, 1927 йил 2 октябрь”. Ана шу қайдномдан маълум бўладики, Нурмон Абдувой ўғли бу дostonни “Абдулла кофир” номи остида ижро этиб келган. Аммо мазкур дoston кўлёмзасининг орасидан топилган бир тўртбурчак қоғозчадаги ёзув ушбу асар номини аниқ белгилашга ёрдам беради. Унда куйидаги битик мавжуд: “Бу дostonнинг номини “Абдулла кофир” демасдан, “Орзигул” деб аташ тўғри бўлади. Ҳоди Зариф”[4]. Афсуски, ушбу қайднома қачон ёзилганлигини кўрсатувчи сана қўйилмаган. Чамаси, атоқли олим Ҳ.Зарифов мазкур дostonни ўқиб чиққандан кейин, бу асар сюжети ўзбек халқ бахшилари эпик репертуарида “Орзигул” номи билан машҳур бўлган дoston мазмунига тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда шу қайдномани ёзган кўринади. Бизнингча ҳам шу фикр асосли бўлиб, ушбу дostonда тасвирланган воқеалар марказида Орзигул образи туришини ҳисобга олган ҳолда уни шу ном билан аташ тўғри бўлади.

Дostonнинг бу вариантда тасвирланишича, Қобқарс вилоятида Абдулла кофир деган подшонинг йиғирма лак лашқари бор эди. Ўрдада беш хотини бор эди. Бирон фарзанди йўқ эди. Энг кенжа хотинининг отини Бўтакўзойи дер эди. Бўтакўзойининг олти ойликкина бўйида ҳомиласи бор эди. Бир кун подшо овга жўнамакчин бўлди. Шунда подшо Бўтакўзойига: “Қиз туғсанг – сўяман, ул туғсанг – қўяман! Ким суюнчига борса, оту туямни талатиб, тўй бераман”, – деб, овга жўнаб кетди. Подшонинг хотини қиз фарзанд кўргач, кайвонилар “Бўтакўзойи ўлмасин” деб, бир лаъли-баркаш тиллани кўтариб, Тоғай подачиникига борадилар ва унинг ўғлини подшонинг қизи билан алмаштириб келдилар.

Бошқа вариантлардан фарқли равишда Нурмон Абдувой ўғли ижро этган бу дostonда отаси совчи кўйганлигидан хабар топган Орзигулнинг бошқа ўлкага қочиб кетишига унинг устози – оҳун буванинг доно маслаҳати сабаб бўлади. Орзигул йиғлаб туриб:

Кўзим очиб тевааракка қарайман,

Адабиётлар

1. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 9-жилд. “Кунтуғмиш” (ишқий-романик дostonлар). Эргаш Жуманбулбул ўғли, Нурмон Абдувой ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Исрол шоир Назар ўғли вариантлари. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Зарифов, З.Хусаинова, М.Жўраев. Масъул муҳаррир: Т.Мирзаев. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матба ижодий уйи, 2016.

2. Мирзаев Т., Жўраев М. Севги ва садоқатни куйловчи дoston. // Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари: 100 жилдлик. 9-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матба ижодий уйи, 2016.

Оҳун бува, сиздан бир гап сўрайман.

Кўлингизга олинг бу кун илоҳат,

Шул ўзимга топиб беринг ривоят.

Мендай шўрли йиғлаб сизга келами,

Ҳаргиз қиз отага раво бўлами? – деб сўраганида, устози ўзининг манглайига бир мушлаб, Орзигулга қараб:

Эшитгин сен оҳунингнинг сўзини,

Жавоб бердим, болам, сендай кўзини,

Астагина мин сен отанг бўзини,

Овдариб кўрдим-да китоб юзини,

Ота ололмаскан ўзининг қизини.

Жоним болам, шул отангдан ҳазар қил,

Отанг кўрмасин-да Орзуни ўзини, – дейди. Шундан кейин Орзигуллой бўзтулпорни миниб, Кўкғумбаз тоғига жўнаб кетади.

Кўкғумбаз тоғига етиб келган эпик қахрамоннинг биби Фотима билан учрашиши ва шу суҳбатдан кейин Сувонхон ёрининг дарагини топиши мотиви ҳам дostonнинг бошқа вариантларида йўқ. Орзигулнинг Оқтош шаҳзадасига турмушга чиққанини эшитган Абдуллахон ўн тўрт туяга тилла-танга ортиб, савдогар киёфасида Оқтошга келади ва Хисравхон подшони алдаб, шаҳарнинг ўн саккиз дарвозасига эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Шундан кейин подшонинг ўғли Сувонкул олти ойлик овга кетганида у яшайдиган кўрғонни қирқ кечаю, қирқ кундуз ўққа тутиб, гафлат уйқусида ётган Орзигулнинг хобгоҳига бостириб қиради.

Нурмон шоир эпик қахрамоннинг бошига тушган аянчли воқеаларни баён қилар экан, анъанавий сюжетни тақомиллаштириб, ўзига хос бадиий талқин қилишга ҳаракат қилган. Тухмат оқибатида номи қора бўлиб, чўлу биёбонга бадарға қилинган Орзигулнинг ёнига келган Хидир унга далда беради-да, боласининг кесилган бошини жойига қўйиб, “пуф!” дейди. Шу захоти боласи “эна!” деб жойидан тура кетади. Мифик ҳомий Хидир она-болани эргаштириб, ўн бир кун деганда Чорчашма деган чашманинг бўйига олиб келади. Орзигул пирларининг мадади билан шу ерда истиқомат қилиб турганида Оқтош вилоятидан қирқ маҳрамини ияртиб овга чиққан Сувонкулхон уларнинг устидан келиб қолади. Шу тариқа тақдир тақазоси туфайли йўли айро тушган икки севишган қалб бир-бири билан қайта туташади.

Шу ўринда Нурмон Абдувой ўғли эпик репертуаридаги фольклор асарларини ёзиб олишдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган Зариф Қодирий ҳақида икки оғиз сўз айтиб ўтишни лозим топдик. Ғоят чечан, ҳозиржавоб ва бадиҳагўй бахши Нурмон Абдувой ўғлидан “Кунтуғмиш” дostonининг ўзига хос вариантини ёзиб олган Зариф Қодирий Ўзбекистон халқ Маориф комиссарлиги Илмий марказининг “Ўзбекларни ўрганиш комитети” томонидан 1926-1928 йилларда Самарқанд вилояти бўйлаб халқ дostonларини тўплаш мақсадида олиб борган илмий изланишларида фаол иштирок этган мутахассислардан бири бўлган. У 1927 йилда Нурмон Абдувой ўғлидан “Кунтуғмиш полвон” ва “Орзигул” (“Абдулла кофир”) дostonларини ёзиб олган.

Атоқли халқ бахшиси Нурмон Абдувой ўғли дostonлари ҳажман қисқа бўлса-да, эпик сюжетни тўла сақлаб қолганлиги, анъанавий мотивларнинг қадимийлиги, образларнинг пухта ишланганлиги ва бадиий тилининг халқчиллиги билан алоҳида ажралиб туради.

3. Песни Булбуля. Избранные в трех томах. Т.3. -Ташкент: 1977.

4. ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№28. Нурмон Абдувой ўғлининг “Орзикул” (“Абдулла копир”) достони.

РЕЗЮМЕ

Мақолада атоқли халқ бахшиси Нурмон Абдувой ўғлининг ижоди ҳақида сўз боради. У ўзининг ғоят хозиржавоблиги ва бадиҳағўйлик иқтидорининг юксаклиги билан алоҳида ажралиб турган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена творчеству известного народного поэта Нурмона Абдувой оглу. Он отличался необыкновенной отзывчивостью и высоким уровнем артистизма.

SUMMARY

The article deals with the work of the famous national poet Nurmon Abduvoy oglu. He was distinguished by his extraordinary responsiveness and high level of artistic ability.

A.ÁBDIEVTIŇ SATIRALIŖ GÚRRIŇLERINIŇ KÓRKEMLIGI

A.Jaqsılıqova – tayanish doktorant

Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalık institutu

Tayanich sózlar: satira, satirik asar, obraz, badiiylik, janr.

Ключевые слова: сатира, сатирическое произведение, образ, искусство, жанр.

Key words: satire, satirical work, image, art, genre.

Satira arqalı belgili bir xalıqtıń turmıs jaǵdayın, jasaw tárizin, sol dáwirge tán real-turmıslıq waqıyalardı kórkem boyawlar menen sáwlelendirip beriwge boladı. Satiralıq shıǵarmalardıń kórkemliginiń biri jeke adam taǵdirindeǵi kishi kólemlı mashqalalardan baslap, pútkil jámiyetteǵi problemalardı ótkir sınaǵa aladı.

Qaraqalpaq ádebiyatında satiranı tereń izertlep, házirgi ádebiy processte satiralıq shıǵarmalardıń belgili orınǵa iye ekenligin kórsetken ilimpaz Yu.Paxratdinov satira janrı haqqında tómendegishe pikir bildiredi. “Satirada jámiyetteǵi kerı kúshlerge qaratılǵan kúlkiler arqalı unamsız illetlerge óshpenlik oyatıladı. Satira hesh waqıtta progressivlik baǵıtta alǵa ilgerlewshı kúshlerge qarısı kúlkini jumsamaydı. Olardıń negizin túbirin tez tawıp alıp, olar tezden rawjlanıp ketpew ushın háreket etedi. Sol ushın da satiranıń eń baslı ashkaralawshı qurallarınıń biri- kúلكi [1:25].

Ózbek ádebiyatında belgili alım Erkin Xudayberdiev: “Satira haqıyqıy satira bolıwı ushın, birinshiden, onıń dóretiwhisi qanday idealǵa súyenip atırǵanlıǵın anıq bilıwı lazım, ekinshiden, onıń aytajaq pikiri anıq bolıwı kerek”-dep pikirı bildiredi [2:317].

Haqıyqatında da, satira- insan xarakterindeǵi sırlı belgilerdi hár túrli boyawlarǵa sińdirip súwretlewshı janr. Satiralıq shıǵarmalardı dóretiwhisi sóz sheberinen gózzal kórkem sheberlik talap etiledi. Sebebi, satira kóbinese turmistaǵı real haqıyqatlıqlardı jırlawǵa háreket etedi.

Qaraqalpaq ádebiyatında satiralıq prozanıń rawjlanıwında M.Nızanov, O.Ábdiraxmanov, S.Jumaǵulovlar menen bir qatarda Allanazar Ábdievtiń gúrrıńleriniń ornı ayrıqsha áhmiyetke iye. Jazıwshınıń satiralıq gúrrıńlerinde jámiyetlik turmıstıń konkret belgili bir waqıyalarında ashshı turmıs shinlıǵı kórkem bayanlanadı.

Sóz sheberiniń “Bekanniń avtomashinaları” dep atalǵan toplamına kiritilgen gúrrıńleri satiralıq boyawlar menen boyalıp, obrazlı súwretlengen.

Jazıwshınıń “Siziń de isińiz túser” gúrrıńinde turmısımızda ushırasıp otırǵan, óz paydası ushın jaǵımpazlıq etiw, bilimlendiriw tarawındaǵı unamsız kemshilikler ótkir sınaǵa alınadı. Gúrrıńde muǵallım menen oqıwshı arasındaǵı qısqa diolog, muǵallım xarakterindeǵi ashshı haqıyqatlıq kúlkili halatta súwretlenedi. Mısalı:

-Ákeńniń atı Eshimbet emes pe, inim?

-Awa, sonday,

-Asxanada baslıq bolıp isley me, ya?-muǵallım janlanıp ketti.

-Awa,-dedi Begdullanında júzi jadırap.

Bul balanıń mısalıńıń teginge aytilmaǵanın sezbeǵinde biziń hayal jumıstan qańbaqtay ushar eken-dá?!-dep ishinen oylanǵan muǵallım, hayalıńıń awıstırıp-súyistiriw ákeletuǵın mantı, pelmenlerin eslep tamsanıp qoydı.

-Bárekella, bárekella!.. Yaxshı [3:3].

Biz joqarıda kórip ótken misalda qaharmanıń ersi qılwaları sol ersi halında oqıwshılardıǵa tásirli jetkerilgen.

Jazıwshınıń jáne bir kewilge qonımlı dóretpeleriniń biri “Basqa qanıgeliktiń diplomın berin” dep atalǵan gúrrıńinde jazıwshı jáne bir márte bilimlendiriw tarawındaǵı kemshiliklerge bet buradı. Oqıw ornında diplom alatuǵın waqıtı jetip, imtixan tapsırıwǵa kelgen talabadan oqıtıwshı alǵan bilimleriniń juwmaǵın soraydı. Oqıwshı muǵallım aldında juwap bere almay qaladı. Oqıtıwshı bolsa bul halattan gázepkenip oǵan keleshekte isin dawam ettire almaslıǵın aytadı. Oqıwshı haqıyqatında da buxgalterlik kásibin iyeley almasılıǵın, bunı úyreniwge waqıtı bolmaǵanlıǵın aytıp, basqa qanıgeliktiń diplomın soraydı. Oqıtıwshı ózin aqıllı bilip, jumbaqlı máseleńiń juwabın kútedi. Oqıwshı bilim alıw ornına jıllar dawamında usınday oqıtıwshılardıń mútájjin qandırıp, esiginde jumıs islegenin astarlı sózler menen, oqıtıwshınıń nishterine tiyǵızıp sheber juwap qaytaradı. Mısalı:

...-Hesh kim úyretken joq. Al biraq úyreniwge májbúr boldım. Sebebi, isle dep, bir jumıstı tapsıradı. Sonnan óziń ushın úyrene beredi ekenseń. Mısalı meniń aǵash ustası bolıwıma kóbirek úlesin qosqan Alım aǵa. Óytkeni, ol basqalarǵa qaraǵanda ustashılıq jumıslarına úyindeǵi stol, stul, mebellerdı onlawǵa, sharbaq qurıwǵa kóbirek meni jumısaytuǵın edi. Sonlıqtan, ol kisige minnetdarshılıǵım kóp. Al slesar, mexaniklik kásiplerin meńgergenim ushın Qoraz aǵanıń aldında bas iyemen. Oqıwǵa kirgenimnen usı waqıtqa shekem jeńil mashinası buzılsa, basqaǵa aytpay maǵan onlatıp, bul kásiptiń sırların tereń úyreniwime janın ayamadı [3:5].

Mine, bul qatarlar jeńil házil menen berilip, ashshı shinlıq búgingi turmıs haqıyqatlıǵına negizlenip, ótkir satira menen jetkerilip berilgen. Jazıwshı gúrrıń ideyasında búgingi kún jasların tek ǵana bilim alıp, ilim úyreniwge baǵdarlaydı.

Jazıwshınıń jazılǵan gúrrıńlerinde ótkir, kúlkili halatlar, real turmıslıq waqıyalar kóplep ushırasadı. Ol qaharmanlarınıń ishki ruwxıy dúnyasınıń tábiyǵı halatta jetkerip beriwge háreket etedi. Mısalı, avtorıń “Bekanniń avtomashinaları” gúrrıńinde baylıq jolında júrgen turmısımızdaǵı ayrım hayal-qızlarımızdıń unamsız xarakteri ashkaralanadı.

Шығарма мазмунында kewli pák, hadal jigít Bekanniń sadalıǵı, bul sadalıqtan paydalanaman dep óziniń taslaǵan torına ózi túsken hiyleker Saranıń obrazi kórkem súwretlengen. Bekan úy haywanların óziniń avtomashinaları sıpatında qarap, olardı joqarı bahalaydı hám olarǵa ózinshe mashinalardıń atlarını qoyıp aladı. Onı bay shańaraqtıń balası dep oylǵan Sara onıń turmıs qurıw haqqındaǵı iltimasın birden-aq qabıl etedi. Shıǵarmada Sara obrazi Bekan menen diologı arasında anıq kózge taslanadı. Mısalı:

-Bay turasızba, deymen, ya?

-Baylıq dep, artıp baratırǵan dúnyamız joq: bir “Niva”, bir “Jiguli”, bir “Volga” mız-aq bar...Bar arttırǵan dúnyamız tek solar, qarındasım.

Saranıń kózleri jaynap ketipti [3:8].

Шығармада jazıwshı Sara obrazi arqalı óz mápi, jaqsı jasaw, ańsatlıq penen baylıq arttırıwdı gózlegen jámiyetimizdegi ayırım hayal-qızlardıń kewilge qonımsız qılwaların kórkem súwretlep beredi.

A.Ábdievtiń hayal-qızlar turmısın súwretlewshi, olardıń jámiyetimiz ushın jat bolǵan unamsız xarakterin satıralıq sıpatlar menen ashıp beriwshi shıǵarmalarınń biri “Hayalımıń kúyewinen qarızdarman” shıǵarmasında da bayanlanadı. Gúrriń qaharmanı óz ómirlik joldasınıń aq-kókirek, hadallıǵın mensinbey, baylıq jolında barlıq ótmishin umıtıp jan-táni menen mal-dúnyanıń qulına aylanıp ketedi. Шығармада baylıqqa berilip ózligin umıtqan hayal obrazi tómendegi qatarlarda anıq kózge taslanadı. Mısalı: ...Konvertti ashıp qarasam, ishinde tırdıń ekewiniń plyajda túsken súwreti bar eken. Onıń artına: “Bizlerdi hesh kim ayıra almaydı!” dep jazıptı. Xatında bolsa, “Seytim, seniń menen aqırǵı tillesiwim. Bizler óz baxtıwızdı taptıq. Mángilikke qol beristik. Hár kim de óz ómiriniń baxıtlı, shadlı ótkenin qáleytuǵın

shıǵar...Bizler bul jerde bir ay bolıp, Nókiske baramız. Soń toy beremiz. Saǵan xat jazǵandaǵı aytayın degenim, Palımbetten alǵan qarızlarıńdı bizler baraman degenshe tayarlap qoy, qaydan tapsań da” depti [3:13]. Avtor shıǵarmada shańaraq máselesi, er adamnıń hayal adam aldında mártebesini bálent bolıw kerekligin sóz etedi.

Jámiyette óz mápin oylaw, mútájligin qandıraw ushın hiylekerlik penen basqalardan paydalanıw sıyaqlı ideyalar jazıwshınıń “Tis texniginiń kewilshelikligi” gúrrińinde de kórkem bayanlap berilgen. Óziniń jeke jumısı sebepli lawazımnan paydalanatuǵın ayırım qara niyetli insanlardıń xarakteri ótkir sinǵa alınadı. Mısalı:

-Biziń jumıs pa? Qıstawlı ǵoy, bolmasa asıǵaman ba?-dep gibirtiklep atırǵanda tis texniginiń shegir kózleri na-wqastıń qolındaǵı “karta”sındaǵı “mamanlıǵı PMK baslıǵı” degen jazıwǵa túsip ketedi.

-Keliń, keliń, otırıń. Asıǵıs bolsam da, yaxshı, endi sizdi kórip jibereyin,-dedi ol dáriw.-Usınday kewilshelikim bar -dá, aqsaqal. Qáne, “kartańızdı” beriń. Him-m, haw, siz PMK da isleysiz be? -dedi jógisirep, orınlıqqa otırıp atırıp... [3:9].

Tis texnigi ózin kewilshelikke sanap qurılıs materialların pútinlep aladı. Jazıwshı shıǵarma ideyasında kásibinen paydalanıp xalıq mápi emes, óz kúnin oylaytuǵın ayırım kásip iyelerin ótkir sinǵa aladı.

Juwmaqlap aytqanda, óz soqpaǵına iye jazıwshı Al-lanazar Ábdievtiń satıralıq gúrrińleri ideya-tematikalıq sheńberiniń keńligi, mazmunı jeńil jarasımlı háziller menen qurılǵanlıǵı, kúndelikli turmısımızda bolıp atırǵan waqıylardı satıraǵa jiklep kórkemlep jetkerip beriw sheberligi menen kitap oqıwshısı ushın da, sonday-aq XX ásir qaraqalpaq ádebiyatında da salmaqlı ornı bar dóretiwshe ekenligin kórsetedi.

Адебиатлар

1. Paxratdinov Yu. Satira ásirler sırlası. -Nókis: “Qaraqalpaqstan”, 1994.
2. Xudayberdiev E. Adabiyotshunoslıqqa kirish.-Tashkent: “Sharq”, 2018.
3. Ábdiev A. Bekanniń Avtomashinaları.-Nókis: “Qaraqalpaqstan”, 2008.

РЕЗЮМЕ

Мақоллада satira janrining ózige xos xususiyatlari, adib A.Ábdievning “Siziń de isińiz túser”, “Basqa qanıgeliktiń diplomi”, “Bekanniń avtomashinaları”, “Tis texniginiń kewilshelikligi”, “Hayalımıń kúyewinen qarızdarman” asarlarining ideya-tematik xususiyatlari badiyiligi órganılǵan.

РЕЗИОМЕ

В статье рассматриваются особенности жанра сатиры, авторские произведения А.Абдиева «Сизиң де isińiz túser», «Басқа қанigeliktің дипломи», «Беканның авtomашиналары», «Tis texniginiń kewilshelikligi», «Hayalımıń kúyewinen qarızdarman» исследованы идейно-тематические особенности его произведений.

SUMMARY

The article examines the features of the satire genre, the author's works of A. Abdiev "Siziń de isińiz tuser", "Basqa qanıgeliktің diplomin beriń", "Bekanniń avtomashinaları", "Tis texniginiń kewilshelikligi", "Hayalımıń kúyewinen qarızdarman" s research features.

Х.ӨТЕМУРАТОВА ГҮРРИҢДЕРИНДЕ КӨРКЕМ ШЕБЕРЛИК

З.К.Ктайбекова – филология илимдери бойынша философия докторы

Әжиязия атындағы Нөкіс мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: хикоя, махорат, сюжет, характер, персонаж, эпизод, мавзу, ғоя, бадийлик.

Ключевые слова: рассказ, мастерство, сюжет, характер, персонаж, эпизод, тема, идея, художественность.

Key words: story, skill, plot, character, character, episode, theme, idea, art.

Ғарезсизлик дәуири карақалпақ әдебиятында салмақлы орнына ийе көркем сөз шеберлериниң бири Х.Өтемуратова өзиниң көп санлы прозалық шығармалары менен халыққа кеңнен белгили. Әсиресе, оның «Жигитлер де жылайды», «XX әсирдиң рыцары», «Дийўана», «Адамның зәхәри», «Хаялды қийеси» сыяқлы бир қатар гүрриңдеринде турмыстың хәр қыйлы хәдийселерин шебер сүүретлеуи менен биргеликте инсан тәғдириңиң көп қырлы екенлиги, адамлардың хәр қыйлы минез-кулық, характерге ийе болыўы менен бир-биринен өзгешеленип туратуғынлығы сөз етиледі.

«Жазыўшы- өз дәуириңиң перзенти, көзи, кулағы, хұжданы. Солай екен, ол турмысты сүүретлегенде өз дәуири дәрежесинде болыўы, оның зәүрликлеринен

келип шығыўы тийис», -деп атап өтеди белгили әдебиятшы О.Шарафуддинов [1:159]. Сол айтқандай, Х.Өтемуратова өз дәуириңдеги турмыслық ўақыяларды, қахарманлар тәғдириң көркем образлы түрде сәўлелендирип бере алған.

Жазыўшының «Жигитлер де жылайды» гүрриңиндеги ўақыялар шығарманың бас қахарманы Турымбеттиң этирапында болып өтеди. Гүрриң Турымбеттиң хәмледар келиншегин Нәзигүлден қәуетерленип: «Нәзен, хәзир не қылып атырған екен? Анамның хәм мениң жоқлығымнан пайдаланып, жуўырып-жортып жумыс ислеп жүрген шығар?!».. деген монологы менен басланады [2].

Гүрриңниң композициясында ўақыялар бир неше эпизодлар арқалы сәўлеленген. Турымбеттиң тәғдири,

өмирлик жолдасы Нәзигүлдің хәмледар болыуы, перзентли болыуы менен - ақ жас келиншегинен айрылып қалыуы, және қызы Маликаның да өмириниң қысқа болыуы сыяқлы ўақыялар киши эпизодлар арқалы сүүретленген. Тез жәрдемдеги семиз бенен кесик шаш келиншектің өз ўақтында жетип келмегенлиги себепли жас нәрестеси өмирден көз жумады.

Жазыўшы айырым адамлардың өз ўазыйпасына немқурайлы, жуўапкершиликсиз қарайтуғынлығын «Тез жәрдем» хызметкерлериниң өз ўақтында келмегенлигин турмыс ҳақыйқатлығына сәйкес жазған. Лекин, усындай қайғы - мүсийбет түсип турған қахарманның есине бирден «Аралды куртқан, сизлер, сендей мәнғүрлер!...» деген гәпи шығарманың сюжетине ҳеш қандай байланыссыз берилген сыяқлы.

Сондай-ақ, «Жигитлер де жылайды» гүрриниң темасы шығарманың идеясын толық ашып бере алған. Себеби, шығарма жуўмағында Турымбеттиң аянышлы тәғдирина, жоғалтыуларына ҳеш ким, ҳеш қандай тәселле бере алмайды. Турмыстың аўыр қысыўмети алдында инсанның әззи екенлигин, айырым адамлардың бийпарўалығын жазыўшы усы шығармасы арқалы сәўлелендирип бере алған.

Хәр қандай жазыўшы өмирдеги турмыслық ўақыяларды бақлап, ой елегинен өткереди хәм де оларды шығармасында көркем түрде сәўлелендиреди. Жазыўшы Х.Өтемуратованың «Адамның зәхәри» гүрриңи де турмыс ўақыялары тийкарында жазылған. Гүрриң қоңсы туратуғын еки хаялдың жәнжели менен басланады.

Микрорайонда жасайтуғын биринши қабаттағы кәйўаны хаял Рәўияның үйине жоқары қабатта туратуғын қоңсысы Гүлай менен Сералының үйиниң қранынан суў ағады.

« - Бир заман көз илиндире қояйын десе, - тынышлық бермедің ғой?! Не қылды, қараң қалғыр, Арал қурып атырғанда, сениң үйиң теңиз болып кетти ме?...» [3].

Түни менен күйеўинен таяқ жеп, ким менен урысарын билмей атырған Гүлайға қоңсысының келгени оңай түседі. Урысыў нийетинде келмеген кәйўаны хаял Рәўияны ашыў қурса, бул да аўзына келген сөзди айтып, екеўи жәнжеллесип кетеді. Еки қоңсының жәнжели еситип, тың-тыңлаған қоңсы-қобалардың ҳеш қайсысы арашаға келмейди. Жәнжелдің изи төбелеске айналады.

Хәр күни күйеўинен таяқ жеп, ети өлип кеткен Гүлай ҳеш нәрсе болмағандай ертеңине үшінши қабаттағы қоңсысына барып, Рәўияны жаманлап, әнгиме дуканын гүжитеди.

Ал, Рәўия қарсы қоңсысының үйинде «Хәзирги жаслардың бийталаплығы»нан бийбастақ болып кеткенлигин айтып сөз майын тамызады.

Жазыўшы бул гүрриң арқалы жәмийетимиздеги жүз берип туратуғын, әсиресе, көп қабатлы үйлердеги машқаланы алып шығыў менен бирге, айырым қоңсы-қобалардың бийпарўалығын, аўызбиршилигиниң жоқлығын, базыбир жаслардың келте пәмлигин, тилиниң зәхәрлигин, адамгершиликке жат хәрәкетлерди ислеўи, қолайсыз гәплер айтып, шарбаяшылыққа берилиўин, улыўма турмыста ушырасатуғын ашшы ҳақыйқатлықты сүүретлеп көрсеткен.

“Көркем сөз хәдийсеси инсанлар жәмийетине әйне олардың өзлерин өзлерине сыпатлаў, тариплеў, сүүретлеў, көрсетиў арқалы тәсирлендириў өнери.” [4:21].

Шығармадағы персонажлардың диалогларындағы бир-бирине айтылған ашшы сөзлери арқалы хәр бир қахарманның жеке психологиясы ашып берилген.

Хәттеки, айырым адамлардың даў-жәнжелди еситип атырса да арашалаўға келмегени - ашынарлы жағдай.

Расында да адамның зәхәри, жыланның зәхәринен де өткир екенлиги, адам зәхәри оның тилиниң ашшылығында, зәхәрли тили менен шақса, хәттеки жыланның өзи де тил тартпай өледі. Соның ушын да адамның зәхәрин адам алатуғынлығын айтып, шығарма жуўмақланады.

Х.Өтемуратованың «ХХ әсирдин рыцары» гүрриңи жаслар турмысынан алып жазылған. Гүрриңде Рашид, Азат, Бахыт, Айбар сыяқлы классластардың тәғдири сөз етиледі. Жасы жигирма беске келсе де үйленбегенлиги себепли рыцарь атанған Рашидтиң өзіне өмирлик жолдас болатуғын, «Әжинияз шайыр тәрийплеген қос бурымы өкшесине таўланған тәккабыр гөззалы»н, өз муҳаббатын таба алатуғынына исеними кәмил еді.

Жоралары таныстырған қызлар да кеўлин жибите алмаған Рашид бир күни «...қап-қара мийиздей бурымлар, қыпша белди аймалап қиятырған қызды ушыратқан күннен баслап муҳаббат саўдасына гирипдар болды [5]. Бул қыздың исминиң Мәдийна болып, университетте бесинши курста оқыйтуғын еді. Саўдагер жорасы Азаттың үйленбекши екенлигин еситкен Рашид қызға кулақ қағыс етеді. Рашид мәс халында қиятырған Азатты үйине апарып таслаўға ыңғайласқанда, оны ийтерип жиберип, үстине «Жигули»н айдайды.

Шығармада өмирге жеңил-желпи қарайтуғын Азат, дурыс нәзер менен қарап, туўры пикирлейтуғын Рашид, екеўиниң арасында Мәдийнаға деген Рашидтиң пәк муҳаббаты, достысына ғамхорлық көрсетпекши болған Рашидке ислеген Азаттың ойсызлығының ақыбети жазыўшы тәрәпинен исенімли сәўлеленген.

Жазыўшының «Хаялдың кийеси» гүрриңинде де инсанлар тәғдири сөз етилген. Шығармада өмирдиң қайталанбаслығын, өмирдиң инсанға берилген бир сынақ екенлигин сәўлелендиреди.

Адамлардың әпиўайы сезим-туйғыларын сүүретлеў арқалы жазыўшы шығарманың мазмунын терең ашып көрсете алған. Шығарма жуўмағында өмирден көп дәкки жеген Дәўлеткул дурыс шешим қабыл етеді.

Гүрриңде Улдайгүл менен Инжигүлдің минез-құлқы салыстырмалы түрде берилген. Сипсекеш болып, хадал мийнети менен күн көретуғын Улдайгүлди жұмыстан шығарған Дәўлеткул балықтай жылысқақ, өмирге жеңил көз бенен қарайтуғын Инжигүлди жұмысқа алады. Атқосшысы Мамыттың Улдайгүлди жұмыстан шығармаў кереклигин өтинип, жалынғанына қарамастан, тәккабыр Дәўлеткул айтқанынан қайтпайды. Бирақ Инжигүл Дәўлеткулға пәнт береді.

Жазыўшы қысқа хәм тужырымлы сюжет таңлаў арқалы шығарма қахарманы Дәўлеткулдың бир-еки жыллық өмириндеги болып өткен ўақыялар дизбегин, оның ислеген ислериниң унамсыз ақыбетлерин, лекин хадаллық деген туйғының ақыр-ақыбетинде женетуғынлығы шеберлик пенен сүүретленген. Гүрриңде персонажлардың ишки руўхый гүйзелислерин бериў арқалы олардың характерлери айрықша көзге тасланады. Мысалы: «Қойнында таўланған Инжигүлдің назлы жилўасы кексе хәмелдарды жубатты...», «китаплардағыдай қылып, дәстурхан шетиндеги пышақты алып, қандарын жаракатлаўға шайланып еді, қолы қалтыраған ғаррының билегин сындырып жиберерлик күш пенен дұғыжым еркек жаслығын көрсетип, аяқ-қолын шандып, некелесин тартып әкетти, май бөксесин көк-көмбек қылып, көк ала қойдай етип сабап, бетин тырнап, көзин шуқыған екеўидиң тәнге түсирген жарасынан да бетер, кеўлиниң қабарғаны аўырлық қылды» [6]. Терең мәниге ийе сөзлерден шеберлик

пенен пайдаланыў арқалы шығарманың оқыўшыға деген эстетикалық тәсиршеңлигин арттырады.

Дәўлеткулдың шаңарағының берекети қашып, дәўлетти таяды, ҳаялы өлгеннен кейин балаларының да турмысы келиспей, хожалығы бузылады, жетим қалған ақлығы да набыт болады.

Өзиниң қайсы қылўасы ушын бундай жағдайлардың жүз берип атырғанын ойлап, ой түбине жете алмаған Дәўлеткулға атқосшысы Мамыттың мәсләхәти менен Улдайгүлди қайтадан жұмысқа алады.

Ат көтермес саўлатлы нәзелімнің не ушын қарапайым сипсекеш болып жүргенине ҳайран болған Дәўлеткул «ҳаялдың кийели» екенлигин тән алады.

Жазыўшы бул шығармасы арқалы инсанлардың әдеп-иқрамлылық пазыйлетлериниң уллылығын тәриплеп, ҳадаллықтың ҳәр қандай нәрседен үстин келетуғынлығын айтпақшы болған.

«Дийўана» гүрриңинде өмир-өмиринше адамлардан мийрим-шәпәт, мирийүбет инсанларға күткен, бирақ

Әдебиятлар

1. Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. Адабий портретлар. –Тошкент: Фафур Ғулом иомидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
2. Өтемуратова Х. Жигитлер де жылайды /Совет Қарақалпақстаны. –Нөкис: 1990, 6-октябрь №189.
3. Өтемуратова Х. Адамның зәхәри / Қарақалпақстан жаслары. – Нөкис: 1993, 9-октябрь, №157-158.
4. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1995.
5. Өтемуратова Х. XX әсирдиң рыцары . // “Әмиўдәрәя”. – Нөкис: 1990. - №3. 57-69-б.
6. Өтемуратова Х. Ҳаялдың кийеси / “Еркин Қарақалпақстан”. – Нөкис: 2002, 16-февраль.
7. Өтемуратова Х. Дийўана / “Қарақалпақстан жаслары”. – Нөкис: 1991. 21-июнь, №75.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Х.Ўтемуратованиң ҳикояларидаги бадий хусусиятлар тасвирланған. Айниқса, ёзувчиниң персонаж, қахрамонлар, образларниң яратилишидаги маҳорати ҳақида фикр юритилади. Асарлардаги конфликт масаласи, ҳаётти муаммолар воқеаларниң кетма-кетлиги орқали очиб берилған. Ҳикояларда мустақиллик дәври нафаси, янги образлар, янгича фикрлаш ва қутилмаған бурилишларға эга қахрамонларниң ифодаси тасвирланған.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются художественные особенности в рассказе Х.Утемуратовой. Особенно мнение писателя открылся персонажей, герои, опыт образов. В произведение конфликт, жизненные проблемы раскрываются по степенно. В рассказе изображается период независимости, новые образы, креативно мысленные и выражение героев с неожиданными поворотами.

SUMMARY

The article describes the artistic features of H. Utemuratova's stories. In particular, one thinks about the writer's skill in creating characters, heroes, images. The issue of conflict in the works, the problems of life are revealed through a series of events. The stories depict the breath of the independence era, new images, new thinking and the expression of heroes with unexpected twists and turns.

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА ЛОФ ВА ЭРТАК ЖАНРЛАРИНИҢ МУНОСАБАТИ

Д.Мехлиева – таянч докторант

ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Таянч сўзлар: лоф, лофчи, хажвий эртақ, муболаға, кал.

Ключевые слова: лоф, лофчи, комикс, преувеличение, кал.

Key words: Lof, lofchi, comic tale, exaggeration, kal.

Халқ оғзаки ижодиниң бугун биз “жанр” деб атайдиган намуналари қачон пайдо бўлгани номаълум бўлсада, уларниң барчаси уч катта турга бўлиниши, илмий тадқиқ этилиб, бир тизимга солинған вақти, жараёни амалга оширган илм аҳлларида воқиқ эканлигимиз тадқиқот мавзумизни ёритишда шамчирок вазифасини ўтайди.

“Насрий фольклор жанрлари аввало оғзакилиги, эпик турга мансублиги, насрий характериға кўра бир хилликни касб этади. Шунга қарамасдан, ҳар бир жанр ўзига хос жиҳатлари билан ўзаро фарқланади.

Ўзбек халқ насри таркибига кирған жанрлар ўзаро умумий белгиларига кўра икки гуруҳға бўлинадилар:

Биринчи гуруҳни миф, афсона, ривоят, деномик ҳикоялар ташкил этади.

Иккинчи гуруҳ эртақ, накл, латифа ва лофлардан ташкил топған. Бу гуруҳ жанрлари юксак бадийликка эга эканлиги, ахлоқ нормаларини белгилаш, таълим-тарбия ғояларини акс эттириш, айна пайтда эстетик завқ бериш вазифасини адо этиши, ижтимоий-маиший воқеаларни ҳаёлий ва ҳаётти уйдирмаларда ҳикоя қилиши билан фарқланади.

Ҳар икки гуруҳ жанрларида қахрамон ҳаракати билан боғлиқ замон ва макон таърифи ҳам турличадир. Вақт миф, афсоналарда “Дунё пайдо бўлганда, узок ўтган замонда”, “Тангри дастлаб ер, осмонни яратганда” шаклида, ривоятларда вақт конкрет, аниқ замонда, эртақ, латифа, накл, лофларда ноаниқ замон, эпик маконда юз беради” [4:8-9].

Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, оғзаки ижод жанрлари тарихий тараккиётига кўра бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бир-бирини тўлдиради, шохлари тарвақайлаб кетған энг сара мевали дарахтни эслатади, мевасидан тотиб кўрган инсонға маънавий қувват, шифо бўлади...

Лоф ўзбек халқ оғзаки ижодиниң муболағали бадий тасвир воситасида ҳажв, энгил юмор, ҳазил-мутуйиба, сўз ўйини, масҳара, найранг кўрсатишға асосланған аччиқ ёки хушчақчақ кулги яратувчи мустақил жанридир. Лофлар диалог асосига қурилади ва айтувчи (лофчи)лардан бириниң мантиқий ғолибликка эришиши билан якунланади.

Униң реал воқеликни қамрови, манбааға муносабат, бадий акс эттириш мезонларини аниқлаш генетик асослари, ўзгача хусусиятларини белгилаш

имконини беради. Ўзига хосликнинг равшан тус олишида киёсий таҳлил муайян талабга жавоб беради, хусусий хоссаларини кашф этишга имкон яратади.

Лофнинг мустақил жанр сифатида шаклланишида сатирик эртаклар, қизиқчилик аңаналари, аския, латифа, нақл, оғзаки ҳикоялар алоҳида аҳамият касб этиб, айрим белгилари, тасвир воситалари мазкур турга мос табиатнинг ташкил топишида етакчи роль ўйнаган.

“Эртак афсона сингари энг қадимги, энг оммавий, кенг тарқалган мустақил жанрлардан биридир. У таълимий аҳамиятга, хусусан, яхши хулқ, одоб-ахлоқ, нозик дид, юсак фаросат, доно ақл, тадбиркорликни нақл этиши билан ажралиб туради” [4:4].

Эртак, латифа, нақл, лофларда қаҳрамон, воқеа ва ҳодисалар бадиийлаштирилган, ҳаётда бўлгандай эмас, идеаллаштирилган тарзда, кенг кўламда тасвирланади.

“Эртак жанрининг асосий хусусиятларидан бири унинг халқ ҳаёти, кураши, тарихи, психологияси, дунёқараши, урф-одатлари билан жуда яқин боғланган бўлиши ва инсонларга ахлоқий ва маънавий йўлдош бўлиб келишидир... Қаҳрамонлари ҳайвонлардан иборат мажозий эртаклар, ҳажв эртакларда унинг ҳазил-мутойиба, кулги характерини эртак бошидаёқ кўрсатиб турадиган доимий эпитет кўллаш услуби ҳам мавжуддир. Ўз навбатида эртакка кириш ёки эртакчининг ўзи айтмоқчи бўлган эртакдаги воқеа-ҳодисаларга муносабатини кўрсатадиган ўша бошланиш жойи одатда саж ёки шеърий шаклда айтилади:

“Бор эканда, йўқ экан,
Оч эканда, тўқ экан,
Бўри –баковул экан,
Тулки –ясовул экан,
Қарға –қақимчи экан,
Чумчук –чақимчи экан.
Ғоз –карнайчи экан,
Ўрдак –сурнайчи экан.
Лайлак –ноғорачи экан,
Товук –тоғорачи экан.
Илон танобчи экан,
Қалдирғоч лофчи экан.
Тошбақа тарозибон экан,
Қурбақадан қарздор экан.

Бу мисолда парранда ва турли жониворлар жисмоний тузилишидаги баъзи хусусият ҳамда унинг одати, феъл-атвори турли касб-хунар, мансаб эгаларининг баъзи характер чизиқларига киёс этилиб, оригинал ўхшатиш, метафоралар билан кулгили ҳолат юзага келтирмоқда” [5:5].

Тадқиқот мавзумиздан келиб чиқиб, юқоридаги зачинда диққатимизни тортган “қалдирғочнинг лофчи” эканлиги “Қиссаси Рабғузий”да келтирилган мифологик афсонага бориб такалади. (Кейинги тадқиқотларимизда батафсил тўхталамиз).

Ҳаттоки лофлар эртаклар, дostonлар орасида ҳам кўп бўлгани каби, баъзи эртаклар гоъвий мазмуни фақатгина лофчилик услубига қурилган. Шу жиҳатдан: “Нўхотвой”, “Пуфакбой”, “Ҳандалак полвон”, “Қулоқбой”, “Олтмиш оғиз ёлғон гап”, “Уч ёлғонда қирқ ёлғон” [2] эртакларини эслатиб ўтиш кифоя.

Бир қанча эртаклар бир халқдан иккинчи қўшни халққа ўтган ва тарқалган. Қўшни қардош халқлардаги эртакларнинг бир-бирига ўтиши, кенг тарқалиши шунини кўрсатадики, бу қардош халқлар энг қадимги замонлардан бери бир-бирлари билан бирликда, ҳамжиҳатликда, иқтисодий, сиёсий, маданий, адабий муносабатда бўлганлар.

Ўзбек халқ эртаклари орасида турмуш ҳодиса воқеаларини ҳажвий образлар ва кулгили ситуациялар, мажоз ва муболағалар, лоф ва лофчилик ёрдамида ҳушчакчак ҳикоя қиладиган хиллари ҳам борки, улар

ўзларининг специфик хусусиятлари билан бошқа эртаклардан фарқ қиладилар.

Ана шундай эртаклардан бири “Қирқ ёлғон” эртакидир. Бу эртак деярли барча туркий халқлар оғзаки ижодида учрайди.

Ўзбекларда “Қирқ ёлғон” [2], козокларда “Қырық отірік” [6], қирғизларда “Қырк қалп жомок” [7:58-62], озарбайжонларда “Samet'in Nağılı” [8:37] эртаклари мазмуни айнан бўлиб, подшони ўз “ёлғонларига” ишонтира олган “қал” унинг қизига уйланади.

Эртакда кўрсатилишича, подшонинг қизига хаваскорлар кўп. Аммо унинг шarti: уч ёлғон айтмоғи, ҳар ёлғонда қирқ ёлғон бўлмоғи керак. Кўп шахзодалар бу шartни бажара олмагач, бир подачи “қал” талабгор бўлиб сўз бошлади:

“–Таксир, мен камбағал, қашшоқ етимман. Отадан битта эдим, ўла-ўла учта қолдик. Учала оға- ини биров-биримизни билмас эканмиз. Биз топишиб, сўрашиб қолдик. Бундай қарасам биримизнинг ёқамиз йўқ, биримизнинг энгимиз йўқ, биримизнинг этагимиз йўқ.”

Эртакда келтирилган “ёлғонлар” даврининг ижтимоий-сиёсий муаммоларини ҳажв, аччиқ мазақ орқали очишга хизмат қилади:

“Мен отадан туғилганда қашшоқ етимлар битта бўлса, ҳозир улар сон-саноксиз, улар очлик ва ночорликдан қирилиб кетяптилар. Охири ўла-ўла уч киши қолдик, қолганларимизнинг ҳам “биримизнинг ёқамиз, биримизнинг энгимиз йўқ, биримизнинг этагимиз йўқ” каби “эшиқдан сизмай тешиқдан чиқиб кетадиган” нимжон, ҳоли хароб инсонлар, ўксик болалар қиёфаси ҳажв ортига беркитилади. Булардан иккитасининг қорни сира нонга тўймаган, учинчиси бўлса оч. Ҳатто улар қўлга қирса-топилса “олти ботмон гўштни пиширмай, қотирмай еб қўйишга тайёр кишилар.

“Кўр кўрни қоронғида топар” деб учаламиз топишиб, бир улфат бўлиб, йўлга юрмай, четга чиқмай кетавердик:

Турмушнинг оғирлиги, ўлпон ва солиқларнинг ҳаддан зиёдлиги, халқнинг бирор кимсага, бирор жойга бу борада арз қила олмаслиги, подшонинг адолатсиз сиёсатидан бир қадам ҳам четга чиқа олмаслик...

“Бундай қарасак, бир ерда учта пул ётибди. Иккитаси сийқа-сийқа бўлиб кетган, биттасининг муҳри йўқ. Муҳри йўқни этаги йўқнинг барига солиб кетавердик. Йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик, бориб-бориб бир сойга тушдик. (бир нусхада “учта ҳовузи бор жойга етиб келдик”) Сойга қарасак сув йўқ, қуп-қурук, биттасининг суви йўқ”) Унда учта балиқ ётибди (Уч нусхада “Суви йўқ ҳовузда учта балиқ кўрдик”) иккитаси ўлик, биттасининг жони йўқ. Жони йўғини олиб этаги йўқнинг барига солдик. Сойдан чиқиб йўлга тушдик, кетавердик, кетавердик. Олдимиздан учта уй чиқди: иккитасининг томи йўқ, биттаси яп-яланғоч. Яп-яланғочига кириб борсак, учта қозон турибди, иккитаси илма-тешиқ, биттасининг таги йўқ. Таги йўғига этаги йўқнинг барига балиқни солиб, пиширмоқчи бўлдик. Чангалзорни ахтариб, бир боғ ўтин тополмай, ўт ёқмасдан балиқни пиширдик, ўтинни аямай ёқа берибмиз, суяқлари хил-хил бўлиб кетибди, гўштига иссиқ ўтмабди. Уч оғайни еяберибмиз-еяберибмиз, қорнимиз тўйиб кетибди. Кетамиз деб эшиқдан сизмай, тешиқдан чиқиб жўнаб қолдик.” Уларнинг бу ахволга тушишига илк сабабчи, мамлакатни харобазорга айлантирган, “сойларни сувсиз қолдирган”, инсонларнигина эмас, балиқларни ҳам “иккитаси ўлик, биттасининг жони йўқ” даражага келтирган, “уйларни томи йўқ, яп-яланғоч”, “чангазорлардан қанча ахтарсанг ҳам бир боғ ўтин топилмайдиган”, пулларни кадрсизлантириб “сийқа-сийқа, муҳри йўқ” қилган тузумнинг жабр-зулми, хон-бекларнинг ўзаро қирғинбарот уришлари бўлса,

иккинчи томондан мол-мулкка эга бўлган, аҳолининг унча катта қисмини ташкил этмаган бойларнинг жуда арзимас ҳақ эвазига оддий оддий кашшок одамлар меҳнатидан фойдаланиб “олти ой деҳқончилик қилиб, ишлаган ҳақи битта жуводиз” ёки “ёзи билан ишлаган ҳақи уч ойлик ризки” бўлиши, ҳақини талаб қилса хўжайинларнинг “сенга ҳам ҳақми?” деб “уриб ўлдириши” гача бориб етиши эди. Шунинг учун мазлум бечоралар “йўлдан юрмай, четга чиқмай, кетаверишга” мажбур бўлар эдилар, дейилмоқчи.

“Бир жойда битмаган ўтнинг тагида туғилмаган куённинг боласи ётган экан. Экилмаган толни кесилмаган поясидан бир хўл гавронни ясаб, соб қолдик, уч думалаб йиқилди, ушлаб сўйвордик, олти ботмон ёғ қилди, олти ботмон гўшт, гўштини пишириб қотирмай учаламиз еб бўлдик. Иккитамиз тўймадик, биттамиз оч қолдик, иккита акам хафа бўлиб, аразлаб кетиб қолди, “ёғ ўзимга қолди” деб чориғимни ечиб, олти ботмон ёғ билан чорикни мойладим, биттасига етди, биттасига етмади.”

“Кал”нинг муболағали ёлғонлари бир томондан адолатсиз сиёсатни фош қилиш бўлса, иккинчи томондан халқнинг зукко, сўзга чечан, юксак ақл-заковат соҳиби, ҳар қандай вазиятдан усталлик билан чиқа олиш қобилиятини намоён қилиб, енгил кулги, хушнудлик, эстетик завқ бағишламоқда. Ёлғон айтиш баҳонасида инсон тафаккур ва тасаввурини чархлашга хизмат қилмоқда.

“Чарчаган эканман, ухлаб қолибман. Бир вақт говур-гувур тўпалон пайдо бўлди. Сакраб ўрнимдан турсам, мойланган чориғим билан, мойланмаган чориғим муштлашиб, солишяпти. Икковининг жағига бир тарсақидан уриб, тагин ётиб ухладим. Бир вақт уйғониб қарасам, мойланган чориғим менинг чопонимни устимдан тортиб олиб, ўзининг устига ой-қора қилиб ёпиниб, ухлаб қолибди, мойланмаган чориғим аразлаб кетиб қолибди.

Мойланган чориғимни уйғотиб қийиб олдим, этаги йўқ чопонни бар уриб уйга келдим. Мен кетаётганда уйда кампир онам билан бир хўрозим қолиб эди. Борсам на чорик бор, на кампир бор, на хўроз бор. “Бу қандай мушкул иш бўлди, энди буларни қаёқдан топдим” деб даргоҳингизга арз қилиб келдим. Дарвозада турган амалдорларингиз киргизмади, деб бошини солиб турди.”

Қадимда хон-беклар саройига оддий камбағал, совға-саломларга қурби етмайдиган ғариб кишилар мутлақо қира олмаганлар. Сарой муҳитидаги кишиларнинг баднафслиги, порахўр, очкўзлигини яхши билган “кал” икки юз қўй ваъдаси билан подшо бошлик аёнларни умидвор қилиб, ўз мақсадига йўл топади.

“Подшо уламо-фузалоларига қарабди. Улар ўрнидан туриб подшога қуллук қилиб:

-Таксир, бу калнинг ҳамма гапи ёлғон, лекин бу кал қўйни ҳам йўқоттимга чиқаради,-дебди.

Кал гап бошлаб кетибди:

-Йўқ, таксир, амалдорлар дарвозангизга киргизмагандан кейин, кўнглим бузилиб, кампир билан хўрозни, бир пой чорикни излаб кетиб қолдим. Йўл юрдим, йўл юрсам ҳам мўл юрдим, бир қишлоққа етдим. Ахтариб, суриштириб юриб, хўрозни топиб олдим. Бир бойниқиде деҳқончилик қилиб юрган экан. Қўришиб, омонлашиб, ҳол-аҳвол сўрасам, олти ой ишлаган ҳақи битта жуводиз бўлибди, уни ҳам хўжайини нася қилибди. Хўжайини билан уришиб, жанжаллашиб жуводизни ундириб олдим, хўрозга: “юр кетайлик” десам, “тагин олти ойга юрганман” уч ой ўтди, қолган уч ойини битириб, ҳақимни олиб ўзим бораман” деди. Жуводизни олиб, хўроз билан хайрлашиб уйга келсам, уй ҳам йўқ. Тоза диққат бўлиб, уйни, кампирни, бир пой чорикни излаб чиқиб кетдим. Тепага чиқиб қарадим, кўринмади, қирга чиқиб

қарадим, тоққа чиқиб қарадим кўринмади. Қайтиб бир сойга тушдим. Жуводизни ерга санчиб, устига чиқиб қарасам, Сирдарёнинг бўйида кир ювиб ўтирибди. Жуводизни олиб неча тоғ, неча қир, неча йўл ошиб, олдига бордим. Мени йўқотиб қўйиб, бировниқиде чўрилик қилиб юрган экан. “Юринг кетамиз” десам, “Ҳақимни олмай кетмайман” деди. Уч йилда ишлаган ҳақи уч ойлик ризки бўлибди. “Сен кетавер, яна уч ой хизмат қилиб, ўзим бораман” деди.”

Эртақдаги хўроз образи ҳам мажозий бўлиб, у ҳам халқ вакилидир. Бу эртақдаги мажозий, киноявий лофлар орқали халқ зулм, адолатсизлик, ноҳақлик, очкўзлик, ҳийла-найранг иллатларини масхара қилиб, адолат қарор топишига умид боғлаганлар. Эртақнинг ғояси ўзига хос юксак бадий савияда ифодаланган.

